




uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz

ЎЎЗВЕКИСТОН ВУНУОДКОРИ СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ЯНГИ ЎЗВЕКИСТОН
ҚУРУВЧИЛАРИ,
БАЙРАМИНГИЗ
МУБОРАК
БЎЛСИН!



Исажон СУЛТОН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Юрт кўркини кўз-кўз қилаётганлар, бор бўлинг!

Юртимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар энг аввало мамлакатнинг барча ҳудудларини қамраб олган қурилиш кўламлигида яққол намоён бўлмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиздаги наридани-бери, эски усул асосида қурилган ярим-ёрти, чалакам-чатти бинолар ўрнини бугуннинг талабларига тўла жавоб берадиган қулай ва шинам иншоотлар эгалламоқда. Янги магистрал йўллар четда хизмат шохобчалари ва турар жойлар қад ростламоқда, уларнинг шакли шамоили ва кўркемлиги кўзни қувнатади.



Мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами йил сайин кенгаймоқда. Ҳудудларда истиқболга мўлжалланган урбанизация жараёни амалга ошириляпти. Қишлоқ жойларда ҳам қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Охириги уч йилда шу масалалар бўйича давлат раҳбарининг қирққа яқин фармон ва қарори қабул қилинган бўлиб, бундай саъй-ҳаракатларнинг изчил давоми сифатида мамлакат Президентининг 2020 йил 13 мартдаги фармонида қурилиш соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, бюрократик тўсиқларни камайтириш, барча босқичларда шаффофликни таъминлаш, инновацион ишланмалар ва илғор ахборот технологияларини кенг қўллаш чора-тадбирлари белгиланган эди.

Қурилиш вазирлиги олдига 337 та шаҳарсозлик қоида ва нормаларидан жорий йилда 60 тасини янгилаш вазифаси қўйилган. Йил бошида вазирликда Қурилишда техник меъёрлаш маркази ташкил этилиб, унга 15 нафар малакали мутахассис олинган. Ҳозирда 33 та янги шаҳарсозлик қоида ва нормалари ишлаб чиқилган.

Соҳага кўрсатилаётган бундай эътибор тўғрисида, сўнги беш йилда қурилиш соҳаси иқтисодий тизимининг "драйвер", яъни етакчи йўналишига айлангани барчага аён ҳақиқатдир.

Бугунимизнинг қурилиш кўламлиги ҳақида сўз кетганида, беихтиёр ёдга талабалик йилларимизда Саид Ислонбеков номидаги республика фармацевтика ишлаб чиқариш бирлашмасига қилган саъҳатимиз эсга тушади. Юртимизда мураккаб саноат ишлаб чиқаришининг илғор намунаси сифатида кўрсатилган бу завод фаҳрга сабаб бўлса-да, тор деразалари, кичик, кўримсиз хоналари биз талабаларни ҳайратда қолдирган эди. Бунинг устига, мамлакатдаги маъжуд ишлаб чиқариш масканларида истеъмолга тақдим тилаётган энг оддий, мисол учун, парацетамол ёки бриллиант яшили каби маҳсулотлар халқ эҳтиёжининг атиги 2 фоизига қаршилаб, қолганларининг барчаси, шу жумладан, эмлаш игналарига босқача юртлардан олиб келинар экан.

Мустақиллик даврида қурилиш соҳаси секин суръатлар билан бўлса-да, ривожланди, урфга хорижий технологиялар ва ечимлар кириб келди. Мисол учун, 2000 йилда бир хорижий компания Тошкентда замона-

вий фармацевтика заводи қурганида оммавий ахборот воситалари замонавий ишлаб чиқаришнинг гигиена, стериллик, ҳаво алмашиши ва тозалаш, ишлаб чиқариш хоналари ва йўлакларидagi босим фарқининг назорати каби бир қанча муҳим ечимлардан ҳайратларини изҳор қилишган бўлса, бугунги кунда бундай ишлаб чиқаришлар сони юзга яқинлашиб қолди.

Айни шундай манзараларни халқ хўжалигидаги барча ишлаб чиқариш корхоналарида кузатса бўлади. Яқин-яқингача кўп йўналишли кўприклар, дарё ва мураккаб рельефли ҳудудларда қурилган йўл ўтказгичлар, титрашга ва зилзилага чидамли бинолар барпо этиш бўйича мутахассисимиз оз эди. Тўшамалар, таркиблар, қурилиш материалларининг давр талабларига мос янги намуналари кириб келиши лозим эди. Шу билан бирга, замонавий қурилишлар тез ва сифатли барпо этилиши талаб қилинарди. Мамлакат қурилиш соҳаси бундай анъаналарни босқичма-босқич, эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ўрганиб, ўз юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўя борди.

Қурилиш деганда оддий кишиларнинг кўз ўнгига янги иншоотлар ва йўллар келса-да, халқ хўжалигида янги давр қурилишлари лойиҳалашдан ва замин тайёрлашдан тугал ечимига қадар бўлган анча-мунча босқичларни қамраб олиши ва булар қатъий, пухта ҳисоб-китобларга асосланиши сир эмас. Мисол учун, аэропорт қурилишини олиб кўрайлик. Кейини йилларда Тошкент, Самарқанд, Навоий ва бошқа шаҳарларимизда бино қилинган янги халқаро аэропортлар нафақат замонавий улкан лайнерларни, балки оғир вазнли юк учоқларини қабул қилиш имкониятига эга бўлди. Бу эса, мураккаб ҳисоблаш усулларида ташқари, янги технологиялар борасидаги малакани ва замонавий қурилиш воситаларини ҳам талаб қилади. Қурилиш соҳаси мутахассисларимиз бу масъулиятли вазифани шараф билан уйдлашгани сир эмас.

Яъни, Янги Ўзбекистондаги қурилишлар янги ёндошувлар ва тамойилларни намоён қилиб турибди. "Tashkent city" дагидек шаҳар ичидаги шаҳарда қад ростлаган осмонўпар бинолар эса тарихимизда сира бўлмаган иш. Илгари Тошкентнинг зилзилабардошлилик хусусияти бундай бинолар қуришга йўл қўймайди деган тушунчалар бор эди. Эндиликда бундай осмонўпар би-

нолар жаҳоннинг йирик мегаполислари қаторига киришга интилаётган азим пойтахтимиз кўркемига кўрк қўшиши билан бирга, қурувчиларимиз иқтидорини ҳам кўрсатиб турибди. Шу билан бирга, инфратизим ва экотизимга алоқадор ечимлар ҳам бу борада янгилик бўлди, дея оламиз.

Ёки янги қурилган йўл ўтказгичлар ва кўприкларимизга назар солайлик. Яқин-яқингача оддий йўлларимизда 3-10 тонна ёки катта магистралларда 30 тонна юкка мўлжалланган кўприклар бор эди. Қурилишларга назар солинса, уларнинг асосий таянчи замин бўлиб, икки томон дамбасифат кўтариб чиқилган. Бугун пойтахтдаги ва ҳудудлардаги янги ечимларга асосланган кўприкларнинг узунлиги бир чақиримдан зиёд, юк кўтариш ва чидамлик салоҳияти эса аввалгилардан анча зиёдадир.

Гоҳо ижтимоий тармоқларда ёки одамлар орасида чет мамлакатлардаги ҳайратомуз иншоотларни гапириб қолишади. Иншоот аввало, маълум ҳудуднинг географик, геодезик, мелиоратив ва шунга ўхшаш турли хусусиятларига асосланган ҳолда барпо қилиниши барчага аён. Шу сабабли, авваллари қуриб бўлмайдиган янги турдаги иншоотлар барпо этилиши билим ва технологиялар ютуқларининг ўлкага кириб келиши деб баҳоланиши керак. Шу билан бирга, гап ўшандай иншоотларни барпо эта оладиган ўз мутахассисларимиз ҳақида бормоқда.

Яна бир мавзу – пойтахт метросидир. Ушбу қурилишнинг ўзи бир дostonга мавзу бўлади. Ёдингизда бўлса, бир қанча йиллар олдин пойтахт метросининг Юнусобод йўли қурилиши бошланиб, тўхтаб қолган эди. Янги Ўзбекистон транспорт ечимларига дунёнинг илғор шаҳарларидаги тажрибалар жорий қилиниб, ер ости ва ер усти транспорт йўналишларининг бир-бирига уйғун варианты ишлаб чиқилгач, қисқа фурсатда нафақат Юнусобод, балки Сирғали Қўйлиқ ва Роҳатгача етиб бориб, халқ оғирини энгил қилаётганини фаҳр билан таъкидласа бўлади.

Шу сабабдан ҳам янги турар жойлар ёки хизмат масканларини эмас, балки катта саноат ишлаб чиқариш мажмуаларини, улкан қурилишларни ва яна бошқа анчагина мисолларни келтирса бўлади. Яна бир мисол: авваллари цемент ёки шунга ўхшаш қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи заводлар қурилса, оламга жар солинарди.

Бугун улар одатий ҳолга айланди. Улкан иншоотлар барпо этиш жараёнида эса, янги босқичга қадам қўйилди, бунга қурилиш соҳамизнинг чўққиси бўлмиш Қашқадарёдаги "аср иншооти" – "Uzbekistan GTL" заводини мисол қилиб келтирса бўлади. Бу мажмуа юртимизнинг бебаҳо бойлиги бўлмиш газ конденсатидан юқори сифатли, углеводород қўйқаси бўлмаган тоза ёқилғи ишлаб чиқаради. Шу билан нафақат оддий кишиларнинг эҳтиёжлари, балки янги ҳаво кемалари ва юртда тақчиллиги сезилиб турган дизел ёқилғиси муаммоси бартараф бўлади. "Uzbekistan GTL" – мамлакатдаги янгиликларнинг шу кундаги тимсоли бўлса, бундан кейинги марралар янада юксак ва фаҳрли бўлишига шубҳа йўқ.

Ушбу қурилишдаги бундай янгиликлар кишилар ҳаётида ва тушунчаларида нима ўзгаришлар содир қилди?

Халқ орасида замонавий бичимларда янги турар уйлар қурилиши урфга кирди. Ҳозир маҳалларимиздаги қатор-қатор иморатлар кўркемлигида Европа уйларида қолишмайди. Аввалги болохонали, деворлари мойли бўёқ билан бўялган уйлар ўтмишда қолиб кетди. Ҳозирги уйлар – спорт тренажерларига, мукамал ошхона анжонларига, дам олиш воситаларига ва кичик экотизимга эга ақлли уйлари. Баъзи хусусий хонадонларда ҳатто лифт ҳам бор. Автоматика эса кишилар ҳаётида одатий ҳолга айланди.

Биноларимизнинг ранг-дизайн ечимларига қарасангиз, хайрли ўзгаришга гувоҳ бўламиз. Аввалги уйларида иншоотларимиз аксарият кулранг ва оқ тусли, бир хил шамоийлда бўларди. Ҳозир ранглар шкаласига қизил, сарик, яшил ранглар кириб келди, мисол учун, супермаркетларнинг безалиши тамомила янги. Аввалги савдо-сотик марказлари бўлмиш универсаллар ҳозир кичкина дўкондай бўлиб қолди, замонавий дунёнинг гипермаркет тизимлари ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди.

Халққа хизмат ҳақида сўз борганида, Президент Шавкат Мирзиёев раислигида июль ойида архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида тилга олинган масалалар ёдга келади. Унда Президентимиз ушбу соҳадаги ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди.



**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
IQTISODIY-IQTISODIY GAZETA СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Муассис: "ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ"
Наشريёт уйи МЧЖ
Бosh муҳаррир: Дилшод Жалолов

Тахририят манзили:
100011, Тошкент ш., Абай кўчаси, 6-уй.

Телефон: 71-244-21-71.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz
Газета "AZMIR NASHR PRINT" МЧЖда
терилди, саҳифаланди ва чоп этилди.
Корхона манзили: 100200, Тошкент
шаҳри, А. Раҳмат кўчаси, 10.

Махсус байрам сонини тайёрлашда яқиндан ёрдам бергани учун тахририят куйидаги ташкилотларга миннатдорлик билдиради:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва унинг тизимдаги ташкилотларга;
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига;
Андижон вилояти ҳокимлигига;
Бухоро вилояти ҳокимлигига;
Жиззах вилояти ҳокимлигига;
Қашқадарё вилояти ҳокимлигига;
Наманган вилояти ҳокимлигига;
Самарқанд вилояти ҳокимлигига;
Сирдарё вилояти ҳокимлигига;
Сурхондарё вилояти ҳокимлигига;
Фарғона вилояти ҳокимлигига;
Хоразм вилояти ҳокимлигига;
Тошкент вилояти ҳокимлигига.

Ушбу махсус байрам сонини тайёрлашда иштирок этган тахририят ходимлари:

Дилшод Жалолов, Эшмухаммад Халилов, Абдусами Хақбердиев, Райхона Хўжаева, Ислон Ибодулло, Наргиза Мирёкубова, Лайло Жамилова, Ҳамза Шукуров, Бунёд Гулямов, Шоҳсанам Юлчиева, Дилафруз Назарова, Марҳамат Мусулмонқулова, Акмал Маҳкамов.
Махсус байрам сонини тайёрлашда Мақсад Хабибуллаев, Сирож Аслонов, Болтабой Эрнафасовнинг фотоларидан фойдаланилди.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – 320. 2500 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-3. Ҳажми – 36 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.

Тан олиш керак, бугун дунёда қурилиш индустрияси тобора ривожланиб бормоқда. Янги шаҳарлар, мегаполислар қурилиб, соҳадаги шиддаткорлик табиийки, қурувчиларнинг олдига ҳам кўплаб вазифаларни, ҳал этилиши лозим бўлган ишларни кўндаланг қўяётгани бор гап. Аммо шуниси ҳақиқатки, охириги беш йилда қурилиш соҳасининг ривожига қаратилган кўплаб Фармон ва қарорлар қабул қилинди, қурилиш техникалари сон ва сифат жиҳатдан янги босқичга чиқди. Лойиҳалаш, қурилиш ишларида ёндошув ўзгарди. Соҳани рақамлаштириш, инновацияларни татбиқ қилиш бўйича янги механизмлардан фойдаланилмоқда.

Ўтган 5-6 йилликнинг чексиз шукронаси бор. Бу шубҳасиз, юз минглаб юртдошларимизнинг уй-жойли, бошпанали, ватанли бўлгани учун айтилаётган шукрона. Эътибор берсак, 250 мингдан ортиқ хонадондан иборат 8 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар қурилди. Бу камида бир миллион аҳолининг қувончига, шукронасига сабаб бўлган воқелик аслида. Аҳолининг ортиши, урбанизация жараёнлари қурилишда нафақат миқдор, балки сифат бирламчи масала эканини ҳам кўрсатиб берди. Шу билан бирга, ўтган даврда 21 мингта сервис ва 10 мингдан зиёд ижтимоий объектлар, 31 мингта корхона ташкил этилгани, шу даврда қурилиш ишлари ҳажми 4 бараварга ошиб, 2021 йилда 107 триллион сўмни, жорий йилнинг беш ойида эса 46 триллион сўмни ташкил этгани таъкидланди.

Ривожланиш ва тараққиёт жараёнлари тезлаштириш йўлидаги муҳим омил – рақамлаштиришга ҳам кенг тўхталиб ўтилди ўша йиғилишда. Жорий йил 1 сентябрга қадар қурилиш корхоналарининг молиявий кўрсаткичлари, тўлов қобилияти, давлат харидлари, ишчи-ҳодимлар малакаси каби маълумотларни қамраб олувчи яго-

на рақамли платформани ишга тушириш вазифаси қўйилди. Бу платформа 1 ноябрга қадар Тошкент шаҳрида, кейинги йил бошидан республика бўйича жорий этилади. Унга электрон меҳнат дафтарчаси тизими ҳам интеграция қилинади.

Қурилиш соҳасида муаллифлик, техник ва давлат назоратини такомиллаштириш борасида алоҳида қарор қабул қилиб, барча шароитлар яратиб берилган. Эндиги вазифа – назоратни ҳозиргидек қўлда эмас, балки IT-технологияларни жорий қилган ҳолда амалга ошириш кераклиги таъкидланди. Мутасаддиларга бир ой муддатда қурилиш корхоналари ва объектлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш вазифаси юклатилди. Эндиликда онлайн назорат жараёнлари автоматлаштирилади, қурувчи ташкилот ёки фуқароларга қурилиш жараёни тартиблари ва шартлари ҳақида тўлиқ маълумотларни исталган вақтда олиш имкониятини берувчи онлайн тизим ишга туширилади.

Барча шаҳарсозлик қоида ва нормалари интерактив кўринишга ўтказилиши, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича барча жараёнларни рақамлаштириш ҳамда экспертиза хулосаларини ягона базада сақлашни йўлга қўйиш кераклиги қайд этилди.

Бу чоралар мамлакатимизда қурилишга рухсат бериш жараёнини 254 кундан 84 кунга қисқартириш, ушбу жараёнлардаги тартиб-таомилларни 17 тадан 5 тага камайтириш, тадбиркорлар ва фуқароларнинг бу ишларга сарфланадиган вақтини 67 фоизгача қисқартириш имконини беради.

Соҳанинг ривожини албатта, кадрлар тайёрлаш масаласи билан бевосита боғлиқ. Бу эса айни соҳага ихтисослашган олий таълим муассасалари фаолиятида халқаро таълим дастурларини жорий қилишни

тақозо қилади. Эндиликда бу масалаларга ҳам ечим топилди. Гап шундаки, талабаларнинг етакчи лойиҳа қидирув институтлари ва қурилиш кластерларига бириктирилиши орқали таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Президентлик вазифасини бажаришга киришган илк йилдан бошлаб қурилиш соҳасига катта эътибор қаратиб келмоқда. Юртбошимизнинг 2017 йил 7 августдаги фармони билан 2017 йилдан бошлаб август ойининг иккинчи якшанба кунини “Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини” сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Ана шу тарихий Фармон қабул қилинганига ҳам 5 тўлди. Фармон қабул қилинган йилдан бошлаб бугунги кунгача таққослайдиган бўлсак, соҳада фаолият кўрсатаётган қурилиш-пудрат ташкилотлари 23,8 мингтадан 43 мингтагача ошганини, лойиҳа ташкилотлари сони 1 000 тадан салкам 2 000 тага етганини, бажарилган қурилиш ҳажми эса 3 баробарга ортганини кўриш мумкин. Буларнинг барчаси ана шу эътиборнинг меваси десак муболаға бўлмайди.

Қурилиш соҳасидан сўз очганда, албатта Президентимиз ташаббуси билан “Янги Ўзбекистон” массивларининг қурилиши тўғрисида тўхталмасдан илож йўқ. Бу борада Давлат раҳбарининг 2021 йил 9 декабрда “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармонда уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда Фарғона вилояти Бағдод туманида барпо этилган “Мурувват” массиви намунаси асосида “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш илгари сурилган. Бундай массивларнинг қурилиши ота юртим Фарғона вилояти намунаси ила бошлангани дилимга улкан фахр туйғула-


рини жо этади. Ана шу ҳужжатга кўра, яқин икки йил ичида юртимиз ҳудудларида 29 та массив қад ростлаб, у ерда минглаб турар жойлар, мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари, тиббиёт муассасалари, шунга яраша хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари бунёд этилади. Буларнинг барчасини бугун ўз касб байрамини нишонлаётган қурилиш соҳаси вакиллари амалга оширилмоқда.

Ҳар йили мамлакатимиз қурилиш соҳаси олдида янги кўламли – янги шаҳарлар бунёд этиш вазифаси турибди. Вилоят ва туман марказларининг тўла қайта қурилиши ва ободонлаштирилиши, инфратузилма барпо этишдаги малакалар, ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, шу билан бирга, ҳудудларда ташкил этиладиган “Янги Ўзбекистон” боғлари ҳамда унинг атрофидаги бунёдкорлик ишлари яқин келажакда мамлакат тўла равишда янги Ўзбекистонга айланиши ва ривожланган ўлкаларнинг шаҳарларидан қолишмайдиган даражада кўркам ва обод бўлишига бел боғланган.

Замон шиддат билан ўзгариб бормоқда. Янги авлод – янги Ўзбекистон авлоди етишиб келмоқда. У кечаги куннинг замондан ортда қолган билимларини эмас, бугуннинг энг янги билимларини ўзлаштираётган ёшлардир. Янги ўқув масканлари, тиббий масканлар, йўллар, хиёбонлар, транспорт ечимлари, сўнгги ютуқларга асосланган қурилишлар – барчаси халқ фаровонлигига йўналтирилган бўлиб, ислохотларнинг пировард натижаси инсон қадр-қимматининг улуғланишига қаратилган. Бундай эзгу ва хайрли ишлар янги Ўзбекистон дунёда ўз анъаналари, меҳнатсевар кишилари ва янгиликка интилувчи мутахассислари билан ўз улуғвор мақсадлари сари азму шижоат билан илгарилаб бораётганининг ёрқин мисолларидир.

**Обод қишлоқ, озод ҳаёт меваси,
Янги уйда янги бахтнинг эгаси.
Халқ шукридан нурафшон Ўзбекистон,
Эл ризоси – Юртбошининг ғояси.
Юртимиз бунёдкорларини касб байрами
билан самимий қутлаймиз.**

**Ўзбекистон транспорт,
йўл ва капитал қурилиш,
қурилиш индустрияси
ҳодимлари касаба уюшмаси
Тошкент шаҳар Кенгаши**



Қорақалпоғистонликларнинг фахрига айланган лойиҳачилар

Қорақалпоғистон Республикаси ҳақида гап кетганида кўз ўнгингизда очиқ осмон остида ястаниб ётган бепоён чўллар, адоғи кўринмайдиган қум барханлари гавдаланади. Минтақамизда ягона ҳисобланган Орол денгизи ҳам бугун қақраб ётган ерга ўз саховатини кўрсатмай қўйган. Ана шундай шароитда яшаб, меҳнат қилаётган инсонларга ҳар қанча тасанно айтса арзийди. Шу заминда камол топиб, улғайган Бердақ, Тўлепберген Қайипберген каби юзлаб юрт фидойилари Қорақалпоқ миллатининг фахрига айланган.



Беш йил, бу айтарли катта сана эмас, аммо ана шу қисқа даврда Ўзбекистонимизнинг бошқа вилоятлари сингари Қорақалпоғистон Республикаси ҳам таниб бўлмас даражада янги қиёфага кириб бормоқда. Даставвал узоқ Мўйноқдан бошланган бунёдкорлик ишлари "Обод маҳалла" ва "Обод қишлоқ" давлат дастурлари доирасида бошқа туман ва шаҳарлар, овул ҳамда қишлоқларда жадал суръатларда олиб борилмоқда. Замонавий, равон йўллар, кўп қаватли бинолар, замон талабига мослаштирилган мактаблар, болалар боғчалари, ишлаб чиқариш корхоналари сингари объектлар барпо этилаётгани қорақалпоқ аҳлини қувонтириб, барча янгиликларда ўз ҳиссаларини қўшишга илҳомлантирмоқда.

Ана шундай фаровонликни таъминлаб, юртимиз келажagini мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган тадбиркорлардан бири Жамбил Дауилбаевдир. Анча ёш пайтлариданоқ турмушнинг қийин синовларини кўргани боис болаликка хос шўхликлару ўйинларга чалғимай, китоб мутолаасига астойдил киришгани учун кези келиб, Нукус давлат университетининг қурилиш факультетига ўқишга кирди. Талабалик даврида ҳам вақтини зое кетказмасдан, соҳага оид ҳар қандай янгиликлардан бохабар бўлиб борди. Дастлабки иш фаолиятини қурилиш ташкилотларидан бирида бошлади. Соҳада меҳнат қилиб катта тажриба тўплаган Ўринбой Турниязов, архитектор Алифена Андреевна, сметалаш бўйича Айнияз Турниязов каби устозларидан қурилиш соҳасида қўлланадиган барча



ишларни мукамал ўзлаштириб, билмаганларини сўраб олишдан эринмади.

Вақти келиб, ўзи ҳам қурилишларда иш бошқарувчи, бўлим бошлиғи ва бошқа лавозимлардаги фаолиятида устозларидан ўрганганлари асқатди. Ишлаган объектларида юмушлар сифатли бажарилгани учун назорат ташкилотларидан бирорта ҳам эътирозлар бўлмаганининг боиси соҳани мукамал ўзлаштирганидан далолатдир. Кунларнинг бирида устозлари билан суҳбатлашиб ўтираркан, "Сен ҳам қурилишларда меҳнат қилиб, яхшигина тажриба тўпладинг, ҳозирги кунда давлатимиз ишбилармон ва тад-

биркорларга етарли шароитлар яратиб берган, сен ҳам тадбиркорлик қилсанг, эл-юртга, бунёдкорлик ишларига кўпроқ нафитг тегарди, ўзинг сингари мутахассислар ҳаракат қилмаса, мақсадга қачон эришилади", дейишди.

Устозларининг таклифи билан ташкил этилган "ARXANGLE GROUP" лойиҳа ташкилотига раҳбарлик қилаётганига энди олти йил бўлди. Ўтган даврда корхона нафақат етук мутахассислар билан, балки соҳага оид замонавий техника ва технологиялар билан таъминлангани боис, жаҳон стандартларига мос лойиҳаларни тайёрлаш орқали буюртмачилар эъти-

борини тортиш имкони яралди. Мана шу давр оралиғида жамоа ишчи-ҳодимлари томонидан сайқал топган лойиҳалар асосида Нукус шаҳрида учта 5 қаватли кўп квартирали уй-жойлар, туман ва шаҳарлардаги 20 дан ортиқ давлат ташкилотлари ҳамда корхоналар, 80, 90, 120 ўринли мактабгача таълим ташкилотлари қуриб битказилди. Ҳозирги кунда "ARXANGLE GROUP" МЧЖ лойиҳалари асосида қад ростлаган бу масканларда 200 нафардан ортиқ хотин-қизлар доимий иш ўрнига эга бўлиб, болажонларни тарбиялашмоқда.

2018-2019 йилларда Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида мазкур корхона жамоаси яратган лойиҳалари билан иштирок этди. Шунингдек, уларнинг лойиҳаси асосида Бўзатов туманида қад ростлаган тикиш-бичиш цехлари юзлаб чевар хотин-қизларни ўз бағрига олган бўлиб, бугунги кунда улар тайёрлаётган маҳсулотлар маҳаллий бозорларни таъминлаш баробарида ўнга яқин хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудудларида "ARXANGLE GROUP" МЧЖ томонидан яратилган лойиҳалар асосида бунёд этилаётган иншоотлар, маъмурий бинолар, кўчалар ҳамда бошқа объектларни учратиш мумкин. Шунингдек, жамоа лойиҳа тайёрлаш баробарида, унинг ижроси бўйича бажарилаётган ишларда муаллифлик назоратини ҳам олиб боради. Бу эса, ҳар бир иншоот белгиланган норма ва талабларга мувофиқ бунёд этилишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, буюртмачиларни ҳам мамнун этади.



AVANT 

ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИНГ
ҚАДРЛИ ВАКИЛЛАРИ!

Visitor Center

   otel

TECHNOPARK

*Барчангизга касб байрами
мудорак бўлсин!*

“ҚИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИҲА” Янги Ўзбекистон учун янги лойиҳаларни яратмоқда



Фарғона вилояти Ёзёвон тумани
Юқори сой бўйи МФЙдаги
“Янги Ўзбекистон” массиви лойиҳаси



Хоразм вилояти Хонқа тумани
“Ёшлик” МФЙдаги
“Янги Ўзбекистон” массиви лойиҳаси



Қашқадарё вилояти Қарши тумани “Чаман” МФЙдаги
“Янги Ўзбекистон” массиви лойиҳаси

Юртимизда сўнги йилларда барча соҳалар каби қурилиш соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тизимни янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи Президент фармон ҳамда қарорлари, қабул қилинган давлат дастурлари, улар ижросини таъминлаш, соҳада ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган тадбирлар натижасида бунёдкорлик кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-32-сонли Фармониға мувофиқ, “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Бош лойиҳа-қидирув институти томонидан 2022 йилда 24 та “Янги Ўзбекистон” массивлари лойиҳалари яратилди.

Шу мақсадда институт мутахассислари “Янги Ўзбекистон” массивлари таркибида қурилиши режалаштирилган ижтимоий соҳа объектлари учун бир қатор намунавий лойиҳалар ҳам ишлаб чиқишди.

330, 660, 990, 1320, 1650 ўринли мактаблар:



Мактаблар биноларини лойиҳалашда асосан энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланилган ҳамда ўқувчи ва ўқитувчилар учун бир қатор қулай шарт-шароитлар кўзда тутилган. Мактабларга келажакда аҳоли сони ўсишига қараб қўшимча ўқув блоклари қўшиш ҳисобига, 330 ўринли мактабни 660 ва 990 ўринга, 660 ўринли мактабни 990 ва 1 320 ўринга, 990 ўринли мактабни 1 320 ва 1 650 ўринга айлантириш кўзда тутилган.

Мактаблар биноларида ахборот ресурсларига эга кутубхона ва ўқув хонаси, стем лаборатория хонаси, тикиш-бичиш ва тўқиш устахонаси, пишириқ пиширишни ўргатиш хонаси, ёғоч ва темирга ишлов бериш устахонаси, кўп функцияли майдон (Каоркинг), стендап хонаси, барча фанларни ўқитиш хоналари, спорт заллар, ошхона лойиҳаланган. Ушбу рўйхатда келтирилган талаблар асосида мактаблар биноларини қуриш, атрофини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш учун ўртача 0,7-1,5 га ер майдонлари талаб этилади.

90, 120, 180 ўринли мактабгача таълим ташкилотлари:



Барча намунавий мактабгача таълим муассасалари биноларини лойиҳалашда асосан энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланилган ҳамда болалар учун бир қатор қулай шарт-шароитлар кўзда тутилган. МТТ биноларида кўп функцияли зал, мудира хонаси, гуруҳлар учун хоналар, ҳамшира хонаси, хизмат кўрсатиш хонаси, ҳовлида ёзги ўйин майдончалари мавжуд. Ушбу рўйхатда келтирилган талаблар асосида биноларни қуриш, атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун ўртача 0,6-1,0 га ер майдонлари талаб этилади.

Маҳалла фуқаролар йиғини комплекси биноси:



Маҳалла биноси намунавий лойиҳаси бир қаватдан иборат бўлиб, унинг тархдаги ўқларининг ўлчамлари 10,8x15,0 метр. Маҳалла фуқаролар йиғини биносини лойиҳалашда асосан энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланилган ҳамда аҳоли учун бир қатор қулай шарт-шароитлар кўзда тутилган. Хусусан, аҳолига кўрсатиладиган хизмат сифатини ошириш учун маҳалла биноси битта жойда – очиқ иш жойларида ("open space") жойлаштирилган. Бу талаблар асосида маҳалла биносида камида 12 та хона қуриш, атрофини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш мақсадида 0,10 га ер майдони талаб этилади.

Бинонинг ташқи деворлари 200 мм қалинликдаги енгил бетонли блоклардан (газоблок) иборат бўлиб, унинг устидан қўшимча иссиқлик ҳимоя қатлами сифатида ҳудудининг иқлим шароитига қараб 50-100 мм қалинликдаги базальт толали минерал плиталари билан қоплаш кўзда тутилган.

10 ўринли ҳаммом биноси:



Ҳаммом биноси намунавий лойиҳаси бир қаватдан иборат бўлиб, унинг тархдаги ўқларининг ўлчамлари 11,8x15,6 метр. Бинонинг ташқи деворлари 510 мм қалинликдаги пишиқ ғиштдан бўлиб, унинг устидан қўшимча иссиқлик ҳимоя қатлами сифатида 50-100 мм қалинликдаги базальт толали минерал плиталари билан қоплаш кўзда тутилган. Ушбу талаблар асосида ҳаммом биносини қуриш, атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун камида 0,04 га ер майдони талаб этилади.

Бинонинг техник иқтисодий кўрсаткичлари:
қурилиш майдони – 233,26 м²;
умумий майдони – 142,93 м²;
қурилиш ҳажми – 801,40 м³.

50 қатнов ўринга мўлжалланган бир қаватли поликлиника биноси:



Поликлиника биноси лойиҳаси бир қаватдан иборат бўлиб, унинг тархдаги ўқларининг ўлчамлари 12,0x29,4 метр. Бино ташқи деворлари 200 мм қалинликдаги енгил бетонли блоклардан иборат (газоблок) бўлиб, устидан қўшимча иссиқлик ҳимоя қатлами сифатида ҳудудининг иқлим шароитига қараб 50-100 мм қалинликдаги базальт толали минерал плиталар билан қоплаш кўзда тутилган. Бинода қатновга мос равишда барча шифокорлар хоналари, лабораториялар, физиотерапия хоналари ҳамда аёллар ва эркаклар учун ҳожатхоналар мавжуд. Ушбу бинони қуриш, атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун камида 0,08 га ер майдони талаб этилади.

Бинонинг техник иқтисодий кўрсаткичлари:
қурилиш майдони – 392,40 м²;
умумий майдони – 328,50 м²;
қурилиш ҳажми – 1 531,00 м³.

100 қатнов ўринга мўлжалланган 2 қаватли поликлиника биноси:



Поликлиника биноси намунавий лойиҳаси 2 қаватдан иборат бўлиб, унинг тархдаги ўқларининг ўлчамлари 12,3x21,0 метр. Ташқи деворлари 200 мм қалинликдаги газоблокдан бўлиб, унинг устидан қўшимча иссиқлик ҳимоя қатлами, яъни, 50 мм қалинликдаги базальт толали минерал плита билан қопланган. Бинода қатновга мос равишда барча шифокорлар учун хоналар, лаборатория хоналари, физиотерапия хоналари, кундузги стационар ҳамда аёллар ва эркаклар учун ҳожатхоналар мавжуд. Ушбу бинони қуриш, атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун камида 0,08 га ер майдони талаб этилади.

Бинонинг техник иқтисодий кўрсаткичлари:
қурилиш майдони – 274,60 м²;
умумий майдони – 442,85 м²;
қурилиш ҳажми – 1 953,00 м³.

Кўп қаватли уй-жойлар:

Монолит темир-бетон конструкцияли 5 қаватли, 1 йўлакли, 20 хонадонли 2-3 хонали (0-қаватида коммунал уй-жойлар жойлашган), тархдаги ўқларининг ўлчамлари 17,1x14,6 метр.



Бинонинг техник иқтисодий кўрсаткичлари:
хонадонлар яшаш майдони – 588,0 м²;
хонадонлар умумий майдони – 878,0 м²;
қурилиш майдони – 263,5 м²;
қурилиш ҳажми – 4489,95 м³.

Монолит темир бетон конструкцияли 5 қаватли, 1 йўлакли, 16 хонадонли 2-3 хонали (биринчи қаватида нотурар жойлар кўзда тутилган, 0-қаватида коммунал уй-жойлар жойлашган), тархдаги ўқларининг ўлчамлари 20,0x16,76 метр.



Бинонинг техник иқтисодий кўрсаткичлари:
хонадонлар яшаш майдони – 644,36 м²;
хонадонлар умумий майдони – 989,32 м²;
қурилиш майдони – 408,83 м²;
қурилиш ҳажми – 6 511,37 м³.

Монолит темир-бетон конструкцияли 5 қаватли, 1 йўлакли, 20 хонадонли 2-3 хонали, тархдаги ўқларининг ўлчамлари 15,9x17,6 метр.



Бинонинг техник иқтисодий кўрсаткичлари:
хонадонлар яшаш майдони – 607,5 м²;
хонадонлар умумий майдони – 956,5 м²;
қурилиш майдони – 295,56 м².

Монолит темир-бетон конструкцияли 5 қаватли, 2 йўлакли, 40 хонадонли 2-3 хонали (0-қаватида коммунал уй-жойлар жойлашган), тархдаги ўқларининг ўлчамлари 36,0x18,0 м;



Бинонинг техник иқтисодий кўрсаткичлари:
хонадонлар яшаш майдони – 1 295,50 м²;
хонадонлар умумий майдони – 2 215,50 м²;
қурилиш майдони – 641,85 м²;
қурилиш ҳажми – 11 450,0 м³.

Монолит темир-бетон конструкцияли 7 қаватли, мансардали, 1 йўлакли, 42 хонадонли 1-2 хонали, тархдаги ўқларининг ўлчамлари 36,0x18,0 метр.



Бинонинг техник иқтисодий кўрсаткичлари:
хонадонлар яшаш майдони – 991,16 м²;
хонадонлар умумий майдони – 1 833,35 м²;
қурилиш майдони – 349,27 м²;
қурилиш ҳажми – 9 695,92 м³.

Монолит темир-бетон конструкцияли 7 қаватли, 2 йўлакли, 52 хонадонли, 1-2-3 хонали (биринчи қаватида нотурар жойлар кўзда тутилган), тархдаги ўқларининг ўлчамлари 36,0x18,0 метр.



Бинонинг техник иқтисодий кўрсаткичлари:
хонадонлар яшаш майдони – 1 681,08 м²;
хонадонлар умумий майдони – 2 994,98 м²;
қурилиш майдони – 728,57 м²;
қурилиш ҳажми – 15 293,0 м³.

Монолит темир-бетон конструкцияли 9 қаватли, 2 йўлакли, 68 хонадонли, 2-3 хонали (биринчи қаватида нотурар жойлар кўзда тутилган), тархдаги ўқларининг ўлчамлари 43,4x18,4 метр.



Бинонинг техник иқтисодий кўрсаткичлари:
хонадонлар яшаш майдони – 2 412,64 м²;
хонадонлар умумий майдони – 4 097,16 м²;
қурилиш майдони – 767,75 м²;
қурилиш ҳажми – 22 143,85 м³.

Монолит темир-бетон конструкцияли 12 қаватли, 1 йўлакли, 48 хонадонли, 2-3 хонали, тархдаги ўқларининг ўлчамлари 20,5x18,4 метр.



Бинонинг техник иқтисодий кўрсаткичлари:
хонадонлар яшаш майдони – 1 633,2 м²;
хонадонлар умумий майдони – 3 365,1 м²;
қурилиш майдони – 419,73 м²;
қурилиш ҳажми – 16 039,66 м³.

Монолит темир-бетон конструкцияли 16 қаватли, 2 йўлакли, 128 хонадонли, 2-3 хонали, тархдаги ўқларининг ўлчамлари 45,0x18,4 метр.



Бинонинг техник иқтисодий кўрсаткичлари:
хонадонлар яшаш майдони – 5 059,20 м²;
хонадонлар умумий майдони – 8 419,70 м²;
қурилиш майдони – 735,52 м²;
қурилиш ҳажми – 40 939,31 м³.

«ҚИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИҲА» МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институти жамоаси

жаннатмонанд диёримизнинг
ободлиги йўлида меҳнат қилаётган
бунёдкорларни, соҳа вакиллари
касб байрамлари билан самимий табриклайди.



Касб байрамингиз қутлуғ бўлсин!

Ишлаб чиқарилаётган маҳаллий маҳсулотлар тадбиркорни танитяпти

Истиқлолнинг илк кунларидан кимнинг ким экани амалий ишларда яққол кўзга ташланди. Ўша кезлари Россияда чиқадиган нуфузли газеталардан бирида Ўзбекистон тўғрисида мақола чоп этилди. Унда давлатимиз мустақил сифатида ташлаган дастлабки қадамдан бошлаб фуқароларнинг турмуш тарзини ўзгартиришга, кадриятларни қайта тиклаб, ишбилармонликни кенг шакллантиришга эътибор қаратаётгани тўғрисида батафсил фикр юритилиб, ўзбеклар албатта, кўзлаган мақсадига эришади, зеро, бу жойда яшаётганларнинг аксарияти ишбилармон, деган мазмундаги жумлалар билан эътироф қилинган эди.

Кейинроқ билишимизча, ана шу жумлаларни ёзган журналист бирор марта юртимизда бўлмаган, бироқ Ўзбекистон тарихини жуда яхши билар, юртимиз ҳақидаги китобларни кўп ўқиганлардан экан. Бугунги кунда нафақат у, балки салоҳиятимиз ва кимлигимизни дунё афкор оммаси эътироф этмоқда. Бу эса, халқимизнинг мустақкам иродаси, ҳар қандай ишга қўл урса, уни охирига етказмасдан қўймаслиги ва энг муҳими, Ватаннинг келажиги учун бефарқ эмаслигидан далолатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида Баҳадир Алланиязов раҳбарлигидаги "EURO BETON" масъулияти чекланган жамияти жамоаси маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолиятини бошлаганида айрим оғзига кучи етмаганлар "Баҳадир ўйлаб иш қилса, яхши бўларди, бу заминда қурилишбоп хомашё қаерда турибди, ҳамма ёқни қум қоплаб ётган бўлса, ундан кўра, бошқа ишнинг этагини тутгани маъқул эди", деган эди. Тадбиркор ўз бизнес-режасини амалга ошириш йўлида тош чиқса кемирди, сув чиқса смирди, тўсиқлар бўлганида эса қурилишларда ишлаб, тўплаган тажрибаси билан уларни енгиб ўтди. Гапнинг рости, ҳукуматимиз томонидан етарлича шароитлар яратилган бўлса ҳам, бошқа жойларга қараганда табиий иқлими анча оғир бўлган



худудда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, тадбиркорлик қилиб, одамларни доимий меҳнатга жалб қилишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун кишидан ғайрат-шижоат, шимолнинг иссиқ-совуғига бардошлик талаб этилади.

Баҳадирбек шундай матонатли, олдига қўйган мақсадига албатта эришишини амалга оширган ишлари билан ишбўлаш тадбиркорлар сирасидан. Даставвал корхонасига маҳсулот ишлаб чиқариш учун

замонавий техника ва технологияларни олиб келди. Сўнгра ўз маҳалласи ҳамда ён-атрофдаги овулларда бекор юрган ёшларни корхонага жалб қилиб, уларга касб сирларини мукамал ўзлаштиришларида кўмаклашди. Маҳсулот ишлаб чиқариш бошланган кезлари уйига бормасдан асосий дастгоҳларни ўзи бошқариб, унинг сифатини назорат қилди. Бу жараёнга ҳам ишонмасдан маҳсулотидан фойдаланаётган қурилиш объектларига бориб, ўзи етказиб берган бетон, арматура ва бошқа маҳсулотларнинг қўлланилиши, бардошлигига эътибор қаратиб, бир вақтнинг ўзида четдан келтирилаётган худди шундай маҳсулотлар билан таққослаб кўрди. Унинг бундай синчковлигини англаган қурувчи ҳамда мутахассислар маҳаллий хомашёдан тайёрланган маҳсулотлар бошқа жойлардан келтирилаганидан арзон ва сифатли эканини эътироф этишди.

Тадбиркорнинг меҳнатига бунёдкорлар томонидан берилган баҳо уни изланишлар қилиб, ишлаб чиқаришига янгиликларни олиб киришга ундайди. Бу борада узоқ йиллар қурилишларда меҳнат қилиб, орттирган тажрибаси муҳим ўрин тутди.



струкцияси ва бошқа яна кўпгина қурилиш ташкилотлари амалга оширилган ишлар мазкур корхонада тайёрланаётган маҳаллий маҳсулотлар ҳисобидан эканини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Қорақалпоғистон Республикасида 2022 – 2026 йилларда амалга оширилиши белгиланган Давлат дастури ижросини таъминлашда ушбу корхона ишчи-хизматчилари ҳам муносиб ҳисса қўшишга астойдил киришишган. Жумладан, Нукус шаҳрида бунёд этилаётган 16 қаватли турар жой, Хўжайли туманидаги 5 қаватли уй-жой ҳамда мактаб ва болалар боғчалари, Қўнғирот туманидаги 4 қаватли 3 та турар жой, Марказий Осиёда ягона ҳисобланган газ-кимё мажмуасида амалга оширилаётган қурилиш ишларига бетон, темир-бетон плиталар ҳамда бошқа кўплаб маҳсулотларни шартнома шартларига кўра, етказиб берилаётгани бу объектлардаги ишларнинг ўз вақтида удаланишига имкон берапти.

Айтиш жоизки, давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шароитлар натижасида бошқа худудлардаги сингари Қорақалпоғистон Республикасида ҳам тадбиркорлик ва ишбилармонлик кундан-кунга кенг қулоқ ёзаётгани яқин келажакда уларнинг беминнат меҳнатлари туфайли худуд янада обод ва кўркам бўлишидан далолатдир.



Ислоҳотлардан илҳом олган жамоа

Бугун ҳар қандай киши Ўзбекистонни қурилиш майдонига ўхшатиши турган гап. Аслида ҳам шундай бўляпти. Бўлганида ҳам айна юртдошларимиз орзу қилганидек.

Давлатимиз раҳбари Президентлик лавозимига киришган дастлабки кунлариданоқ халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, йиллар давомида аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимизда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларда халқнинг розилигини таъминлаш энг муҳим мақсад ва вазифа этиб белгилангани тўғрисида бугун ҳар қанча гапирса, ёзса арзигулик. Муҳими, бу ишлар асло тўхтаб қолган эмас. Президентимиз томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинаётган ҳар бир фармон ва қарорлар, у кишининг бевосита ташаббуси билан амалга оширилаётган ишлар юртдошларимизда эртанги кунга бўлган ишонччи янада мустаҳкамлаш баробарида, ҳар бир фуқарони мазкур жараёнларда иштирок этишга илҳомлантирмоқда.

Халқимиз ҳам ўзининг меҳнатсеварлиги, тадбиркорлиги билан юрт равнақи, фаровонлиги йўлида астойдил жонбозлик кўрсатмоқда. Хусусан, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган кишиларга яратиб берилаётган шароит ва имтиёзлар шижоати бор, ташаббускор юртдошларимизни асло бефарқ қолдирмаётир. Улар ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, юртдошларига наф келтиришга ҳаракат қилишмоқда.

Ана шундай ташаббускор юртдошларимиздан бири Исроилжон Комиловдир. У Андижон вилоятидаги туман ҳамда шаҳарларнинг бугунги қиёфаси тубдан ўзгаришига, йиллар давомида уй-жой орзусида юрган кишиларнинг армонлари рўёбга чиқишида муносиб ҳисса қўшаётган, эл дуосини олаётган тадбиркорлардан.

Инсон оилада қандай камол топса, келажакда ҳам ана шу каби йўл тутиши турган гап. Ёшлигидан ҳаётга теран кўз билан қараган, меҳнатда чиниққан тадбиркор мактаб, сўнгра олий ўқув юртини тугатгач, мустақил иш фаолиятини Чирчиқ шаҳридаги қурилиш ташкилотларидан бирида муҳандис вазифасидан бошлаган.

Чирчиқ шаҳрида соҳани мукаммал ўзлаштирган И. Комилов Андижоннинг Бўстон туманида қурилиш ташкилоти раҳбари этиб тайинлангач, билдирилган ишонччи оқлаб, шу ерда кўплаб бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Кейинроқ эса тадбиркорларга яратилаётган шароитлардан фойдаланиб, "ZIYO-2002" масъулияти чекланган жамиятига асос солди. Шу пайтда айрим оғзига кучи етмаганлар, "Кўрамиз, ҳеч вақоси йўқ бу бола узоққа бормаиди", дейишди. Бундай гап-сўзлар тадбиркорни шаштидан қайтаролмади. Аксинча, маҳалласи ва ён-атрофдаги ишдан қочмайди, серғайрат



ёшларни ўз ёнига олиб, ишга киришди. Айниқса, Андижон вилоятидаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказининг замонавий лойиҳа асосида қуриб битказилган биноси нафақат уни, балки бошчилигидаги корхона жамоасини ҳам кўпчиликка танитди.

Бугун қурилиш ва бунёдкорлик ишлари билан шуғулланаётган корхоналар жуда кўп. Шунга қарамай, кимнинг ким эканини бажарган ишининг сифатига қараб, буюртмачи белгилайди, излаб топишга ҳаракат қилади. "ZIYO-2002" МЧЖ жамоаси қисқа вақт оралиғида турдош корхоналар орасида ўзига хос нуфузга эришишида ишчи-хизматчиларнинг меҳнатга виждонан ёндошуви ҳамда объектларни муддатидан аввал, ишларни эса сифатли қилиб бажаришлари мужассам. Шу боис ҳам жамиятга буюртма берувчиларнинг сафи кенгайиб бормоқда. Масалан, Бўстон туманидаги 23-сонли

умумтаълим мактабининг янги биноси, Шаҳрихон туманидаги 3-сонли мактабгача таълим ташкилоти, вилоят марказидаги перинатал марказ биноси қурилиши, "Обод қишлоқ" ҳамда "Обод маҳалла" Давлат дастурлари доирасида Олтинқўл, Балқичи туманларида бажарилган бунёдкорлик ишлари ва бошқа яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Буларнинг барчаси жамоанинг кейинги йилларда амалга оширган ишларидан бир қисми, холос.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан вилоят марказида "Янги Андижон" шаҳрини қуришга киришилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо бунёдкорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бу ерда кўп қаватли бинолар, ижтимоий объектлар ва бошқа қурилишлар кун сайин кўкка бўй чўзмоқда. "ZIYO-2002" МЧЖ ишчилари ҳам ана шу жараёнларда фаол иштирок этишмоқда. Хусусан, бу ерда бунёд

этилаётган 7 қаватли 2-3 хонали турар жой биноси қурилиши уларга ишониб топширилган. Айна пайтда асосий ишлар удаланиб, ички пардозлаш ҳамда коммуникация тармоқларини ўтказиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Исроилжон Комиловнинг айтишича, ишчи-ходимларнинг асосий ютуқларидан бири – тикланаётган ҳар қандай бинода маҳаллий материаллардан самарали фойдаланишга эътибор қаратилаётганида. Бунга қатъий амал қилишлик натижасида сифат даражаси ортиб, харажатларнинг сезиларли иқтисод қилинишига ҳам эришилмоқда.

Алоҳида эътироф этиш зарур бўлган бир қатор жиҳатлар бор. Хусусан, корхонада ёшларни қурувчилик касбига ўргатиш мақсадида устоз-шоғирд анъанаси йўлга қўйилган. Шу мақсад билан ҳаракат қилаётган Ҳабибулла Алибоев, Абдурахим Ҳожимуродов, Хайрулла Турғунов, Бекмурод Тўланбоев каби усталар ёш ишчи-ходимларга намуна бўлишяпти. Айна пайтда ҳудуддаги кам таъминланган, камбағаллик даражасига тушиб қолган оилалардаги ёшлар корхонага жалб қилиниб, уларга иш ўргатиляпти. Шу билан бирга, жорий йил жамият ҳисобидан Андижон шаҳридаги бешта хонадон таъмирлаб берилди. Байрамларда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган бир нечта оила қўллаб-қувватланяпти.

Жамоанинг юрт ободлиги, қурилиш ва бошқа ишларда қўшаётган муносиб ҳиссаси бор. Бундай ютуқларга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди, унинг замирида ишчанлик, жамоада соғлом муҳит ва аҳиллик, қолаверса, эртанги кунга ишонч мужассам.



Тажрибали устанинг ишбилармон ўғли


Хизмат сафаримиз давомида Андижон вилоятининг бир қанча туманларида бўлиб, ҳудудларда олиб борилаётган янгиланишлар билан танишдик. Андижон шаҳридаги замонавий лойиҳа бўйича қайта реконструкция қилинган Навоий номидаги истироҳат боғига тушлик қилиш учун кирганимизда бу ерда чойхўрлик қилиб ўтирган нуронийларнинг гап-сўзлари эътиборимизни тортди.



– Бугунги дорилар кунларни кўриб, ундан баҳраманд бўлиш илгари бирортамининг хаёлимизга ҳам келмаганди. Арзимас маош учун тонг саҳардан кун ботгунича тинимсиз ишласакда, рўзғор ва оиладаги камчиликлар тугамас, айниқса, уй-жойга бўлган эҳтиёжимизни бирорта раҳбар эшитишни хоҳламас, ўз ёғимизга ўзимиз қовурилиб юрардик, – деди улардан бири.

– Кўшни маҳаллада яшовчи, дурадгор-уста Неъматилла Умаровни ҳаммангиз яхши биласиз, шаҳардаги кўп уйлари қурилишида унинг қўли теккан. Биров бирон-бир эҳтиёж билан хонадонига чиқса ёки бирор юмушни илтимос қилса, ҳар қандай ишини ташлаб дарҳол бажаришга одатланган бағрикенг инсонлардан. От изини той босади, деб бекорга айтилмаган экан. Яқинда эшитиб қолдим, ана шу устанинг ўғли Қудратилла ота касбини эгаллаб, жуда зўр бинолар қураётган экан, улардан бири шу яқин атрофда қад ростлапти, – деди даврада ўтирганлардан яна бири.

Бу гаплар бизни сергакландирди. Гап биз учрашмоқчи бўлган Қудратилла Умаров ҳақида эмасмикин, деган фикр келди. Демак, Қудратилла ҳақида мақола ёзишни бежизга режамизга киритмаган эканмизда. Тушлик қилиб бўлгач, гаштак қилиб ўтирган нуронийлар билан хайр-маъзур қилиб, қаҳрамонимиз билан суҳбатлашиш учун қурилиш объекти томон йўл олдик. Қурилиш майдонига келгач, бу ерда иш авж палласида эканига гувоҳ бўлдик.



Моҳир устанинг ўғли ва шогирди Қудратиллани топиш қийин кечмади, уни бу ердагилар жуда яхши билишар экан. Тадбиркор билан учрашгач, у Хуршидбек Ҳабибуллаев таъсисчилигида ташкил қилган “Бинокор мадад қурилиш” масъулияти чекланган жамияти

ишчи-хизматчилари қураётган 420 ўринли мактабгача таълим ташкилотини бориб кўрдик. Гарчи, қурилиш ишлари ниҳоясига етмаган бўлса ҳам, аммо Энг улуғ ва энг азиз байрамимизга қадар объектни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Кўп бор таъкидланганидек, қурилиш соҳаси ўта нозик ва катта масъулият талаб қиладиган касблардан бири. Қандай шаклда бўлишидан қатъи назар ҳар бир объектнинг мазмун-моҳияти замири инсонларнинг келажагига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам бу соҳа ҳар кимга ҳам хос эмас. Яхши иморат қуриш учун тажрибали қурувчиларнинг маҳоратидан баҳраманд бўлиб, барчасини пухта ўзлаштиришни тақозо этади. Бу борада Қудратилла Умаровнинг йиллар давомида отасининг этагидан маҳкам тутгани ўз самарасини берди.

Падарибузрукворига қурилиш соҳасида тадбиркорлик қилиш нияти борлигини айтганида, у киши ўғлининг фикри-

Моҳир устанинг ўғли ва шогирди Қудратиллани топиш қийин кечмади, уни бу ердагилар жуда яхши билишар экан. Тадбиркор билан учрашгач, у Хуршидбек Ҳабибуллаев таъсисчилигида ташкил қилган “Бинокор мадад қурилиш” масъулияти чекланган жамияти ишчи-хизматчилари қураётган

420 ўринли

мактабгача таълим ташкилотини бориб кўрдик. Гарчи, қурилиш ишлари ниҳоясига етмаган бўлса ҳам, аммо Энг улуғ ва энг азиз байрамимизга қадар объектни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

ни қўллаб-қувватлаб, зарур ёрдамни аямади. “Бинокор мадад қурилиш” масъулияти чекланган жамияти ташкил қилинганга ҳадемай саккиз йил тўлади. Бир қарашда ўтган давр унчалик катта вақт эмас, бироқ шу йиллар оралиғида жамоа аҳли қурган иншоотлар, йўллар ва ободонлаштириш борасида амалга оширган ишлари уларни нафақат водий вилоятларига, балки республикамизга ҳам танитди.

Бир мисол. Булоқбоши туманида замонавий лойиҳалар бўйича бунёд этилган қишлоқ врачлик пунктлари, шу тумандаги маҳаллалардан учтасида қурилган намунали уйлар, мактабгача таълим ташкилотлари ва кўп тармоқли оилавий поликлиника, бу сингари бунёдкорлик ишлари сонини давом эттириш мумкин. Улар Қудратилла бошчилик қилаётган жамоанинг саъй-ҳаракатлари билан қисқа муддатларда қад ростлади, ўз навбатида бу ерда яратилган шароитлардан фойдаланаётган фуқаролар қурувчилардан миннатдор бўлишмоқда.

Жамоа аҳли булар билан чекланиб қолгани йўқ, улар жамият таркибида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехларини ташкил қилиш учун ҳам истиқболли лойиҳалар устида изланишлар олиб боришяпти. Бунинг учун барча шароитлар етарли. Яна бир нарса, ишчи-хизматчилар ҳар бир бажарган иши эртага корхонаси ва ўзига қандай наф келтиришини яхши билишади. Шунга

монанд ишнинг сифати ва тежамкорлигига алоҳида эътибор қаратишади, бундай қатъий тартиб эса сарф-харажатлардан ташқари корхонанинг моддий жиҳатини мустаҳкамлашга имкон берапти. Натижада ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошлари йил сайин ортмоқда. Муҳими, ҳар бир ишчи-ҳодимга меҳнат таътили даврида саломатлигини тиклаб олиши учун жамият томонидан шароитлар яратиб берилган. Тўй ва бошқа тадбирларда зарур моддий ёрдам кўрсатилади. Ёзги мавсумларда ишлайдиган мавсумий ишчилар ҳам ана шу имкониятлардан баҳраманд бўлишади.

– Жамиятда ишчиларга яратилган шароитлар туфайли оиламизга файз-барака қиряпти, – деди вақтинчалик ишсиз мақомини олиб, кам таъминланганлар рўйхатида турган Абдуллажон Раҳимов. – Меҳнат ярмаркасида қатнашиб, қурилиш соҳасида ҳеч қандай тажрибам бўлмаса ҳам корхона раҳбарининг таклифи билан корхонада иш бошлаган эдим. Бу ерда тажрибали қурувчилар кўп экан, улар ёрдамни аяшмади, бир йил оралиғида пайвандлашни ўрганиб олдим, айна пайтда ўзим мустақил иш бажаряпман, ишларим маъқул келгани учун маошим ҳам шунга лойиқ бўляпти.

Бир сўз билан айтганда, бу давлатимизда инсон қадрини устувор даражага кўтарилаётганининг самарасидир. Бу борада бошланган ислохотларга энди беш йилдан ошяпти, насиб этса, ҳали халқимизнинг барча орзу-истаклари рўёб топади.





O'ZBEKISTON QURUVCHILAR
ASSOTSIATSIYASI
ASSOCIATION OF DEVELOPERS
OF UZBEKISTAN

*Qurilish sohasi xodimlari kuni
bilan tabriklaymiz!*

ASSOTSIATSIYA A'ZOLARI:



YANGI O'ZBEKISTONNI BIRGALIKDA QURAMIZ!

Темир-бетон маҳсулотлари қурилишлар таянчи

Юртимизда тадбиркорлиги, ташаббускорлиги билан ўзгаларга ибрат бўладиган кишилар бисёр. Улар мамлакат тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. “BUNYODKOR SANOAT BUTLASH” масъулияти чекланган жамияти таъсисчисига ҳам ана шундай таъриф бериш мумкин.



– Университетнинг кечки таълимида ўқиш баробарида қурилиш-реконструкция ишларида амалиёт билан машғул бўлганман, – деди корхона таъсисчиси Ўктам Қурбонов. – Бу амалий ҳаракатлар кейинчалик қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонани ташкил этишимда муҳим аҳамият касб этади.

Бугун қурилиш саноати юртимизнинг ривож топиб бораётган соҳаларидан бўлиб, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган корхоналар сони тобора кўпайиб, рақобат муҳити кучайиб бормоқда. Бу борда Бухоро вилоятида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Мамлакатимиз энг илғор қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилари қаторида Бухоронинг бир қанча корхоналари

ҳам мустаҳкам ўрнига эга. “BUNYODKOR SANOAT BUTLASH” масъулияти чекланган жамияти ана шулардан бири. Маҳсулотларининг сифати билан ном қозонган бу корхона Бухорода барча қурувчилар билишади. Чунки корхонанинг бирор маҳсулоти йўқки, қурилиш жараёнларида ишлатилмас!

Ўктам ака Қурбонов кўп йиллик қурилиш соҳаси фидойиси. У киши 1984 йилда ҳозирги Тошкент техника университетининг кечки таълим йўналишини тамомлаб, мутахассис сифатида Бухоро уй қурилиш комбинатида оддий ишчидан бош муҳандис даражасигача бўлган узун касбий йўлни босиб ўтди. Айтиш керакки, бу муддат давомида бутун қурилишнинг амалий жараёнлари билан яқиндан танишган Ўктам Қурбонов 2004 йили

ўзининг қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фирмасига асос солди.

– Қурувчи-муҳандис сифатида кўплаб қурилиш ишларида бош бўлдим, ўргандим – деди корхона раҳбари Ўктам Қурбонов. – Ҳозирга келиб бу тажрибаларни бевосита иш фаолиятимга татбиқ этиб келмоқдаман. Бухоро вилоятининг Когон туманидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводимизда ҳозирги кунда 25 турдаги қурилиш-реконструкция ишлари учун зарур материаллар яратилмоқда. Корхонамиз томонидан тайёрланган темир-бетон маҳсулотларига вилоятнинг ички истеъмол бозорида жуда катта талаб мавжуд.

Корхонада 30 нафардан ошиқ доимий ишчилар фаолият олиб бориб, ишлаб чиқариш жараёнларида ўз малакаларини намоён этмоқдалар. Таъкидлаш керакки, корхонада ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига катта эътибор қаратилиб, улар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилмоқда.

Албатта, саноатлашган ҳаётимизни техникаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Техника ва технологиялар шу қадар ҳаётимизни чуқур таъсирлантирдикки, натижада инсон омили ўзининг даражасидан бир неча қарра баланд чўққиларни ошиб ўтди. Бу ҳолат қурилиш соҳасида, айниқса, кўпроқ кўзга ташланади. Жумладан, “BUNYODKOR SANOAT BUTLASH” МЧЖ фаолиятида ҳам мазкур темир дастёрларнинг ўрни катта бўлмоқда. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 10 млрд бўлган мазкур корхонанинг мод-



дий-техник база-си жорий рақамларнинг юзага

келишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Хусусан, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган плита, блоклар, ғишт ва бетон маҳсулотлари бевосита ташкилот балансидаги 1 дона кўтарма кран, 1 дона қўмларни суриш-ташишни амалга оширувчи автоулов, 1 дона самосвал, 2 дона миксер ёрдамида ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Бухоро вилоятидаги кўп тармоқли қурилиш жараёнларига йўналтирилмоқда. Жумладан, ҳудуддаги иншоот қурилишлари, йўл ва шу турдаги бошқа реконструкция жараёнларига татбиқ этилмоқда. Шунингдек, корхона томонидан келажакда янги ишлаб чиқариш бўлимларини ташкил этиш асосий вазифа сифатида кўриляпти. 2023 йилда ишга туширилиши кўзда тутилган газоблок ишлаб чиқариш ва махсус тош кесиш цехлари шулар жумласидандир. Айтиш керакки, мазкур ишлаб чиқариш тармоғининг ишга туширилиши бир қанча янги иш ўринлари яратилишига сабаб бўлади.

Яхшидан боғ қолади, деган нақл бежиз эътироф топмаган. Орамизда кўп сонли шундай эзгу амалли, эзгу сўзли жамоалар, инсонлар бор. Шубҳасиз, “Бунёдкор Саноат Бутлаш” МЧЖ шундай ибратли фаолияти билан Бухоро вилоятида боғ яратаётган ташкилотлардан биридир. Жамоанинг серғайрат вакиллари, миришкор иш юритувчилари ва юқори амалий кўникмага эга йўлбошчилари қарамоғида корхонанинг йўли узоқ бўлаверади.



Пердабай ДЖАКСИМБАЕВ: Лойиҳаларимизга талабгорлар кўп

Лойиҳа ташкилотларининг меҳнатини шоир ва ёзувчиларнинг ижоди билан қиёсласа арзийди. Чунки уларнинг ҳар бир иши изланишлар, ўз соҳаси бўйича янгидан янги қирраларни кашф этишни тақозо қилади. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам айна пайтда 70 дан ортиқ лойиҳа ташкилотлари фаолият кўрсатаётган бўлса-да, улар орасида Пердабай Джаксимбаев раҳбарлик қилаётган “QQ GORSEL PROEKT” масъулияти чекланган жамияти жамоасининг туман ва шаҳарларни ободонлаштириш ҳамда бунёдкорлик ишларини қарор топтиришда қўшаётган беминнат ҳиссаси алоҳида ўрин тутмоқда.



Эркин фаолият юритиб, эл-юртга наф келтиришни Пердабай кўп йиллар орзу қилиб яшади. Соҳага дахлдор мутахассисликни эгаллаб, Нукус шаҳридаги бир қанча ташкилотларда виждонан ишлади. Бироқ у даврларда инсон меҳнати ва қадр-қиммати эътибордан четда қолгани сабабли, вақти келганда, маошини ҳам вақтида ололмасдан рўзгор тебратиши анча қийинлашиб қолган кезлари Қозоғистон Республикасида ишлаб юрган ҳамкасбларидан бири уни ишга таклиф қилди. Шу туфайли у кўшни давлатда бир неча йил фаолият кўрсатишга мажбур бўлди. Меҳнат таътилларида Нукусга келганда вақти етиб, ўзи камол топган мана шу жойлар ҳам обод ва кўркем бўлишини орзу қиларди. Яхши ният қилган киши ҳамisha мақсадига эришиши мумкинлигини орадан йиллар ўтиб у дилдан ҳис қилди.

Халқимизнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришга йўл очиб, имкон яратиб берган истиқлолдан руҳланган Пердабай ҳам бошқалар сингари шу Ватаннинг порлоқ келажagini қуришда ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида Нукус шаҳридаги ташкилотларда ишлаб, оддий ходимдан бўлим бошлиғи даражасигача кўтарилди. Иш жараёнида у корхонани замон талабларига мослаштирмаса, келажакда фаолияти тўхташи ёки банкротга учраб қолишини англаб, фикрини тегишли ташкилотдаги раҳбарларга айтади ва бу жараёндан чиқиш учун нималар қилиш лозимлиги юзасидан режаларини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Корхона хусусийлаштирилса, ҳозирги ҳолатига қараганда жамият ривожини учун катта фойда келтиришини билган ва тadbиркорлик фаолиятига давлатимиз

томонидан етарлича шароитлар яратилганидан келиб чиқиб, тегишли ташкилотдагиларнинг рухсати теккач масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Иқтисодий аҳволи танг ҳолдаги корхонани оёққа турғазини, ёшларни жамлаб, уларга касб сирларини ўргатиш ва зарур бўлганда қайта тайёрлаш Пердабай учун осон кечмади. Шундай пайтлар бўлдики, заруратда уйдаги боқиб юрган молларини ҳам сотиб, пулини корхонасининг ривожини учун сарфлади. Ҳар қандай ишга виждонан киришилса, йўллар очилиб, ишлар ҳам бароридан келаверишини ўтган йиллардаги саъй-ҳаракатининг самарасини бугун ўзи ва ишчи-ҳодимлари дилдан ҳис этишмоқда.


Мақола аввалида лойиҳа ижодкорлиги бўйича Қорақалпоғистон Республикасида танилган корхона, деб таъкид-

лаганимизга асос бор. Жамоа аҳлининг соҳадаги изланиш ва ижодлари намунаси Тахтақўпир тумани ҳамда Тахياتош шаҳридаги 2 та туғруқхона, эндокринология шифохоналарининг қайтадан замонавий реконструкцияси, Нукус шаҳрида қад ростлаётган Тест маркази, Чимбой туманида қурилаётган амфитеатр, Кегайли туманидаги туғруқхонанинг қайта реконструкцияси, Қонликўл туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактаби, шунингдек, 2 та мактабгача таълим ташкилоти, шу тумандаги қишлоқ врачлик пунктини реконструкция қилиш орқали турар жой биносига мослаштириш сингари ишлар билан ҳудуддаги турдош корхоналар ва қурилиш ташкилотлари учун намунага айланди.

Пердабайнинг айтишича, лойиҳачи ўз устида қанча кўп изланиб, янгиликлар

сари интилса, унинг қўлида сайқал топган чизмалар ҳеч қачон қоғозларда қолиб кетмайди. Шунинг учун ҳам корхона ташкил қилингандан буён жамоанинг бирорта ҳам ижоди эътибордан четда қолгани йўқ. Аксинча, барчаси учун талаб кун сайин ортапти. Масалан, Нукус шаҳридаги ҳарбий қисмлар учун тиббиёт пунктлари, хизмат бурчини ўтаётган аскарларга замонавий ётоқхона, шаҳар ҳудудидаги ҳарбий қисмлар учун мўлжалланган 19 та кўп қаватли уй-жойларнинг қайта реконструкцияси, назорат ўтиш биносининг талабга мос қурилиши, Қорақалпоғистон Республикасидаги туристик объектларни қайта таъмирлаш, бу каби қилинган ишлар рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин. Тўғриси, қисқа давр оралиғида бу сингари ютуқларга эришишнинг ўзи бўлмайди, барчасининг замирида ишлаб чиқариш ва меҳнатга муносабатнинг ўзгараётгани ҳамда юртини янада обод қилиш, кўркем ва замонавий биноларни бунёд этишга ҳар ким ўз ҳиссасини қўшиш каби улўф ниятлар жамланган.

Иқтидорли лойиҳачи, жамоани ҳар куни бир янгилик сари бошлаётган Пердабайнинг амалга оширишни кўзлаган ишлари ҳам бир талай. Унинг режаларига кўра, Нукус шаҳри ва ҳудуддаги туман ҳамда шаҳарларнинг инфратузилмасини янада яхшилаш, уй-жойга муҳтожларнинг талабини қондиришда ўз лойиҳалари билан иштирок этиш ҳамда янги ишлаб чиқариш корхоналари қурилишида яхши лойиҳаларни тақдим қилиш. Шу кунларда мақсадга эришиш учун жамоадаги лойиҳа ижодкорлари тинмай изланишмоқда. Таъкидланганидек, нияти пок инсонлар ҳамisha мақсадига эришади.



Ижодкорликда шижоатли Юлдуз

Истиқлол йиллари жамиятимиздаги барча соҳалар бўйича энг кўп тажрибаларни аввал ўз ҳудудида синовдан ўтказиб, яхши натижалар берганини бошқа вилоятларга оммалаштирган Жиззахликларнинг меҳнати ҳар қандай эътирофга лойиқ.

Бугун вилоятда истиқомат қилаётган барча фуқаролар нафақат агросаноат мажмулари, балки саноат ва ишлаб чиқариш ҳамда бунёдкорлик ишларида ҳам қандай салоҳиятга эга эканликларини амалда исботлаб, бошқаларга ибрат кўрсатишмоқда. Буни вилоятнинг исталган туман ва шаҳарларида бўлган киши яққол кўриши мумкин. Яқин яқинларгача ташландиқ ва қаровсиз ҳолга келиб қолган қишлоқларнинг ободонлаштирилгани, минглаб замонавий намунали уйлар қад ростлагани, туман марказларида эса ўнлаб кўп қаватли уй-жойлар бунёд қилинаётгани, ўнқир-чўнқир кўчалар янгича қиёфага киргани кабилар юртимизда ўтказилаётган ислохотлардан илҳомланган тадбиркор ва ишбилармонлар кучи орқали кундан-кунга бўйламоқда. Бунга биргина "Манас"да амалга оширилган ишларни мисол қилиш мумкин.

Жадалликда бошланган шу сингари улкан ишлар ўз муддатида бажарилиб, улардан фуқароларимиз манфаатдор бўлишлари учун кўплар қаторида лойиҳа ташкилотларининг

ҳам алоҳида ҳиссалари бор. Ана шундайлардан бири, Жиззах шаҳрида бундан олти йил аввал ташкил этилган "Atlant architects group" масъулияти чекланган жамиятидир. Жамоа аъзоларининг 60 дан ортиқ турдош корхоналарга нисбатан туғиш шундаки, ташкилотдаги 30 нафарга яқин ишчи-ҳодимларнинг аксарияти олий маълумотли, шу соҳани мукаммал ўзлаштирган тажрибали мутахассислардан иборат.

Шундан бўлса керак, буюртмачиларнинг бу жойдан қадами узилмайди. Ташкилот ходимларига етарли шароитлар яратиб берилгани боис шу кунгача бирорта буюртмачи норози бўлиб кетган эмас. Аксинча, ҳар бир буюртма муддатидан аввал тайёрлаб бериляпти. Жумладан, Республика шошилич тиббий тез ёрдам Жиззах вилояти филиалини тўлиқ реконструкция қилиш, вилоят эндокринология диспансери, Зомин туманидаги сил касалликларига қарши курашиш диспансери, шу тумандаги тиббиёт маркази реконструкцияси, Жиззах шаҳридаги вилоят эндокринология диспансерининг реконструкцияси



ҳамда 100 ўринга мўлжалланган поликлиника биноси қурилиши сингариларнинг лойиҳалари шу ташкилот ходимларининг қўлларида сайқал топган.

Сифатли ва камхарж бажариладиган ҳар қандай ишга талабгор ҳам кўп бўлар экан. Жамоа меҳнатларини кўрганлар бошқа соҳалардаги қурилиш ҳамда реконструкция ишлари учун ҳам буюртма бера бошлашди. Чунончи, изчил ислохотларнинг дастлабки беш йиллиги даврида Пахтакор туманининг Олтинкўл маҳалласи ва Олмазор ҳудудларида бунёд этилган 540, 420 ўринли мактаблар қурилиши, Мирзачўл туманидаги 2-сонли мактабгача таълим ташкилоти, шу ҳудуддаги Андижон сув тармоқлари қурилиши

учун топосъёмка, геология ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш (сув иншооти, қудуқ ҳамда бурғулаш насос станциялари, сув тармоқлари қурилиши) сингарилар шулар жумласидан.

Лойиҳа ижодкорларининг фидойи меҳнатлари Жиззахдан ташқари бошқа вилоятларда ҳам ўз ўрнини топган. Масалан, Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳри ва туманида, Қуйи Чирчиқ туманидаги "Дўстлик" МФЙ ҳудудида оқова ҳамда ичимлик сув тармоқлари, Тошкент шаҳрининг Сергели туманида бунёд этилган иқтисодий саноат паркида ташқи коммуникация тизимлари қурилиши, Олмазор туманидаги Аҳил маҳалласида оқова сув тармоғини тўла янгилаш каби

180 дан ортиқ рўйхатни яна кўп давом эттириш мумкин.

Бу каби ишлар ортида касбга садоқат ва соҳани мукаммал ўзлаштирганлик туради. Уларни ташкил қилишда лойиҳа ташкилоти раҳбари Юлдузхон Сувонованинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Шифокорлар оиласида таваллуд топган тажрибали мутахассис Жиззах политехника институтининг Шаҳар ва қурилиш факультетини тугатганига ҳам ўн беш йил бўлибди. Ана шундан буён соҳада меҳнат қилиб, устозларидан катта тажриба тўплади. Айни пайтда изланиб, ташаббуслардан чарчамай, билганларини ёшларга ўртаётгани ютуқларга бош омил бўляпти.



Навоий вилояти
«Янги ҳаёт» компанияси
ва унинг таркибидаги
«Жозибали қурилиш-
монтаж» МЧЖ

*Осмонўпар бинолар,
муҳташам кўприклару
равон йўллар
қурувчилари!*

*Барганизга касб байрами
мудорак бўлсин.*



Қадим Қашқадарёнинг бугунини қуряпмиз!..



Қашқадарё вилоятининг бугунги куни йирик бунёдкорликлар қуршовида. Хусусан, Қарши шаҳридаги шаҳарсозлик жараёнлари кун сайин ривожланиб бормоқда.

– Бу қандай бино? – дедим йўл бўйидаги улкан иншоотга қараб.

– Турар жой биноси. – деди ҳамроҳимиз.

Салобатли яшаш жойлари шаҳарнинг ташқи қиёфасига ўзгача таъсир кўрсатиб турарди. Қашқадарёдаги хизмат сафари давомидаги йўлдошимиздан сўрадим:

– Бу биноларни қайси корхона қуряпти?

– “1-сон комплекс лойиҳа қурилиш ва монтаж” хусусий корхонаси!

Қашқадарёнинг бугуни, деб бежиз айтмадим. Негаки, ҳудуднинг бугунига яраша муносиб ўтмиши ҳам бор. Қашқадарё воҳасида милoddan аввалги асрларда вужудга келган, ёши жаҳоннинг энг қадимги манзиллари билан бўйлашадиган шаҳарлар бор. Шаҳрисабз ва Қарши ана шундай шаҳарлардандир. Шаҳрисабз ва Қаршининг 2700 йиллик юбилейлари нишонланиши ва уларнинг улуғ ёши жаҳон миқёсида тан олинди, ҳукуматимиз қарорига мувофиқ байрам сифатида тантана қилиниши бунинг ёрқин исботидир.

Қарши шаҳрининг кечмиши қадимий Насаф манзилларида ўтган. Археологларнинг маълумотларига қараганда, Қарши воҳасида биринчи шаҳар ҳозирги қарши шаҳридан шимолда жойлашган қадимги Ерқўрғонда милoddan аввалги VI-II асрларда шаклланди. Эрамиз-

дан аввалги VI-II асрларда у икки қатор девор билан ўралган ва майдони 150 гектарни ташкил этган. Қарши воҳаси марказининг тарихи Бобил, Александрия, Ереван, Таксила каби қадимги шаҳарлар ривожига ўхшашдир. Чунончи, VI асрда Турк ҳоқонлиги ва Эрон Сосониёлари томонидан Эфталитлар империясига қарши олиб борилган жангларда Ерқўрғон ёниб, вайронага айланган. Шундан сўнг, Қарши воҳаси пойтахти Ерқўрғоннинг Жанубий-Ғарб томонидаги Қашқадарёнинг Жанубий соҳили бўйида, ҳозирги Шуллауктепа ўрнида қад кўтарарди. У тарихда Нахшаб ёки арабий Насаф номи билан маълум ва машҳур бўлади. Нахшаб XIII асрда Чингизхон босқинчилари томонидан вайрон қилинган, воҳа маркази учинчи мартаба ҳозирги Қаршининг эски шаҳар қисми ўрнида қайта

тикланган. Шундай мураккаб тарихий эврилишларнинг, қулаш-у тикланишларнинг шоҳиди бўлган шаҳар том маънода бугун қайта уйғонмоқда. Қурилиш-бунёдкорликлар, янгиланишлар ҳар бир бурчда ҳукмрон. Бундай ўзгаришларнинг бошида эса, Қашқадарёнинг зарбаст қурувчилари туради.

Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида жойлашган “1-сон комплекс лойиҳа қурилиш ва монтаж” хусусий корхонаси ҳам воҳадаги ўзгаришларнинг бевосита иштирокчиси. 2004 йилда ташкил топган корхона бугунги кунда мазкур вилоят ҳудудида кўплаб бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда. Жумладан, корхона таъсисчиси Зайниддин Салямов бошчилигидаги жамоа ўзининг илғор касбий малакалари ортида ҳудудда қурилиш соҳасининг тараққий этишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Корхонанин асосий фаолият турлари қаторида турар жой, ижтимоий объектлар қурилиши ва мазкур қурилишлар учун қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлимлари мавжуд. Алюмин профил, эшик ва дераза ромлари, хусусан, МДФ эшик-деразалар, сендвич панеллар, газоблок, ғишлар, колотслар ишлаб чиқаришга ихтисослашган мавжуд қурилиш материалларининг 50 фоизига яқини бевосита мазкур корхона базасида ишлаб чиқарилиб, қурилиш ишларида қўлланилади. Қизиғи, шу кеча-кундузда замонавий технологиялар асосида полеострон маҳсулоти ишлаб чиқариш тармоғи ишга туширилган.

Мазкур қурилиш материаллари асосан корхонанин тендер савдоларида қўлга киритилган объектларнинг қурилиши учун ишлатилади. Турар жой қу-

рилиши учун сарфланадиган қурилиш материалларининг 60 фоизга яқини бевосита корхонанин ишлаб чиқариш тармоғи орқали таъминланади. Корхона базасида ҳозирги кунда 50 га яқин техника мавжуд бўлиб, улар қурилиш жараёнларида беминнат кўмакчи бўлмоқда.

– Ўзбекистонда қурилиш соҳаси бугун тараққий этгани йўқ, – деди корхона раҳбари Зайниддин Салямов. – Бунда ҳар бир қурилиш корхонаси ўз тармоғида қурилиш-реконструкция жараёнларидан ташқари ишлаб чиқариш бўлимига эга бўлиши ҳам ютуқли томонидир. Албатта, қурилиш соҳасида бевосита қурилиш ишларини олиб бориш, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехларининг ташкил этилиши иккисидан бирига кўпроқ урғу беришни талаб этади. Бизнинг корхонада барибир асосий фаолият тури бевосита қурилиш ишлари бўлиб қолмоқда. Айтиш жоизки, биргина ўтган 2021 йилнинг ўзида коммуникация тармоқларида 130 млрд сўмлик қурилиш ишларини амалга оширдик. Шунингдек, турар жой қурилишлари ва реконструкциялари учун 100 млрд сўм ҳажмидаги қурилиш ишларини бажардик.

Қурилиш – санъатдир. У кенг қамровли сўз бўлиб, кўплаб соҳаларни ўз ичига олади. Масалан, темир йўл қурилиши, ер ости қувурлари ёки шахталар қурилиши ва ҳоказо. Демак, ҳар қандай қурилиш ҳам санъат бўлмайди, лекин ҳар қандай архитектура негизида авваламбор қурилиш ётади. Қурилишнинг санъатга айланиши учун у юқори даражадаги санъат асари тарзида яратилиши керак. “1-сон комплекс лойиҳа қурилиш ва монтаж” хусусий корхонаси ҳам ана шундай санъат асарини яратаётган корхонадир.

«ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ЭКСПЕРТИЗАСИ» ДУК ва унинг филиаллари жамоалари

**Азиз ҳамкасблар!
Сизларни
Ўзбекистон Республикаси
қурилиш соҳаси
ходимлари куни билан
самимий қутлаймиз!
Озод ва обод юртимизнинг
равнақи йўлида қилаётган
фидокорона меҳнатингизда
барчангизга куч-қувват
тилаймиз.**



Навоийдаги энг йирик корхоналардан бири – “MINOR MILLENIUM”

Навоий вилоятининг табиий жойлашуви республикамизнинг бошқа вилоятларидан анчайин фарқ қилади. Ушбу ҳудуднинг географик жойлашуви чексиз қум барханлари-ю, бўз водийлардан иборат. Ерости бойликлари нафақат Ўзбекистонда, балки дунё миқёсида эътироф этилган руда конлари учун замин ҳозирлаган. Шундай шароитда Навоийда илғор урбанизация муҳити тобора кенгайиб, вилоятнинг қурилиш-архитектура кўриниши мутаассир этиб келмоқда. Бундай қизгин қурилиш жараёнларида “MINOR MILLENIUM” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам ўз ўрни бор.

Йўлингиз тушиб, Навоий шаҳрига учрасангиз кўплаб қуриб битказилган янгидан-янги биноларга кўзингиз тушади. Бундан келиб чиқадики, ҳақиқатда сўнгги йилларда қурилиш, қолаверса, урбанизациянинг ривожланиши учун алоҳида эътибор берилмоқда. Шаҳарлар кенгайиб, кўп қаватли турар жой биноларию ижтимоий объектлар қад кўтармоқда. Буни, албатта, Навоий шаҳрига келган киши яққол сезиши мумкин.

Йўлда кетарканмиз, қаршимизда янги битказилган шифохонанинг биноси кўринди.

– Бу шифохонани ҳам бизнинг “MINOR MILLENIUM” корхонаси қуриб битказган, – деб мийғида кулди корхона вакили.

Шифохонага назар ташласангиз, ҳақиқатда сўнгги йиллардаги қурилиш анъаналарининг ривожланганига амин бўласиз.

Ҳа, “MINOR MILLENIUM” масъулияти чекланган жамиятини Навоийда ҳамма қурувчи яхши билади. Кўп йиллик тажриба, амалиёт ва тўп-тўп қуриб топширилган объектлар – ҳаммаси бу корхонанинг нақадар салоҳиятли эканини кўрсатиб туради. Келинг, энди бу корхона ҳақида батафсилроқ сўз юритсак.

2002 йилда Нодирбек Холиқов томонидан ташкил этилган корхона ўтган қисқа вақт ичида кўплаб муаллифлик қурилишларини олиб борди. Навоий вилоятининг замонавий меъморчилик кўринишларини тиклашда етакчилардан бири бўлди. Ҳозирги кунда корхонанинг кенг қамровли фаолиятида 300 нафардан ошиқ доимий ишчилар хизмат қилмоқда. Мавсумий ишлар билан баъзан корхонанинг ишлаб чиқариш ва қурилиш тармоқларида 1 000 нафардан ошиқ иш-



чи-хизматчилар параллел иш олиб боришади.

– Фаолиятимиз асосан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, турар жойлар, давлат муассасаларининг биноларини қуришдан иборат, – деди корхона раҳбари Нодирбек Холиқов. – Ўтган давр мобайнида бир қанча ишларни амалга оширдик. Хусусан, Президентимизнинг “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони доирасида Кармана туманидаги “Талқоқ” МФЙ ҳудудида 10 та 5 қаватли 20 хонадонли 2 ва 3 хонали турар жой бинолари ташқи муҳандислик тармоқларини қуриш ҳамда ободонлаштириш ишларини бажариш, ана шу маҳалла ҳудудида қўшимча 4 ва 5 қаватли 20 хонадонли 2, 3 хонали турар жой бинолари, 2022 йил “Гулистон-3” массивида 110



перинатал маркази биноси тўлиқ қуриб битказилиб, халқимиз фойдаланиши учун очиб берилди. Шунингдек, давлат муассасаларининг буюртмалари асосида хизмат турар жой бинолари тикланди.

Корхона жамоаси ҳозирги кунда Навоий вилояти тиббиёт бирлашмаси биноларини қуриб битказиб, фойдаланишга топшириш арафасида. Мазкур тиббиёт бирлашмасининг умумий қурилиш қиймати 21 миллиард сўмни ташкил этди.

Сўнгги йилларда миллий саноат қатори қурилиш соҳасида ҳам маҳаллийлаштиришга алоҳида ургу берилмоқда. Бу борада “MINOR MILLENIUM” масъулияти чекланган жамияти кўплаб ижобий ҳаракатларни амалга оширди. Бугун корхонага тегишли ишлаб чиқариш тармоғида қурилиш учун зарур қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Кенг қамровли ишлаб чиқариш цех ва заводлари амалда корхонанинг қурилиш ишлари балансини ушлашда қўл келмоқда.

Ўтган даврда корхона Навоий шаҳридаги “Гулистон” массивида 40 ўринли туғруқ бўлимининг қурилишини тугаллади. Шунингдек, шаҳардаги “Ёшлик” МФЙ ҳудудида ДХХ ходимлари учун 5 қаватли 30 хонадонли турар жой биноларидаги қурилиш ишларини бажарди.

Айтиш керакки, корхона Навоий шаҳри ҳудудидаги магистрал автомобиль йўлига туташувчи Ёшлик кўчасида таъмирлаш ишларини олиб борди. Корхонанинг моддий техник базасида 2 дона автокран, 5 дона экскаватор, 11 та юк ташиш автотранспортлари, 10 тоннали минорали кран ва 8 дона бошқа турдаги техникалар мавжуд.





Мамлакатимизнинг қурилиш соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизни касб байрами билан чин қалбдан табриклаймиз!

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти Кенгаши



Барча қурувчиларни, лойиҳачи ва меъморларни **Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни** билан муборакбод этамиз. Сизларга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда омад ва зафарлар, оилаларингизга аҳиллик, файзу барака тилаймиз!

Навоий вилоятидаги «Ашраф» ХК



Рақобат бор жойда – юксалиш ҳам бўлади

Бугунги кунда Давлат дастурлари ижросини таъминлаш ҳамда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бўйича “Наманган тажрибаси”, деган жумлалар соҳадагилар орасида кўп бор такрорланмоқда. Бу бежизга эмас, чунки сўнгги беш йил оралиғида республикамизда ўтказилаётган изчил ислохотлар туфайли бошқа ҳудудлардаги каби вилоят тадбиркор ва ишбилармонлари ҳам ижтимоий соҳаларда, шу жумладан, шаҳар ва туманларнинг қиёфасини тубдан янгилаш юзасидан янгидан-янги замонавий лойиҳалар асосида турли кўринишдаги иншоотларни бунёд этиб, нафақат водийда, балки бошқа вилоятларга ҳам ибрат кўрсатаётгани бор гап.

Тўғриси, ушбу мақолани ёзишга борган муаллиф сифатида, мен ҳам шаҳардаги ўзгаришлардан ҳайратланганимни яширмайман. Ҳамкасбларимизнинг эътирофига ҳам бор, ҳозирги кунда вилоятнинг исталган тумани ёки шаҳрига борган киши гўёки Наманганга эмас, балки чет давлатлардан бирига кириб қолгандек ўзини ҳис қилади.

Бунинг сабаби, эскириб, ўз қиёфасини йўқотган тор кўчалар, муддатини ўтаб бўлган паст-баланд бинолар ва технологияси алмисокдан қолган, ишлаб чиқариши издан чиққан корхона ҳамда ташкилотлар ўрнини янги, замонавий лойиҳалар бўйича бунёд этилганлари эгаллаган. Яна бир муҳим томони, бунёдкорлик ишларида жойларда мўтадил иқлимни сақлаш ва яхшилашга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам ҳар қандай кишининг ҳавасини ортиради.

Вилоят аҳолиси мана шундай фаровонлик ҳамда ободликдан баҳраманд бўлиши ва уларнинг турмуш тарзи янада яхшиланишида бу ердаги қурилиш майдонларида тинимсиз изланишлар билан меҳнат қилаётган корхоналар орасида “Жаҳон қу-

рилиш-таъмирлаш” масъулияти чекланган жамияти ҳам бор. Жамоа ишчи-хизматчилари қайси объектда иш бажаришидан қатъи назар турдош корхоналар билан рақобат асосида ишлашни хуш кўришга одатланган. Бу эса, биноларнинг шакл-шамойилини ва сифатини яхшилаш, ўзлари ҳам лойиҳачиларга таклифлар киритишларига йўл очмоқда. Масалан, “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг буюртмасига кўра, бир нечта туманларда коттежлар қуриш жараёнида жамият вакилларининг киритган таклифлари инobatга олинди ва улар бўйича қилинган ўзгаришлар кутилгандан ҳам зиёд натижа берди. Эҳтимол, “Наманган тажрибаси” айнан мана шу рақобатчилик асосида юзга келган ва унинг натижадорликка эришишида муҳим ўрин тутаётгандир. Нима ва қандай бўлишидан қатъи назар бу ерда фаолият юритаётган қурувчи-тадбиркорларнинг тажриба ҳамда изланишлари юртимиз миқёсида оммалашгани кейинги ойлarda бошқа вилоятларда ҳам юзга чиқмоқда.

Мана шундай рақобат “Жаҳон қурилиш-таъмирлаш” МЧЖ жамоасини ҳам қурувчи-

лик соҳасида янада тоблади. Айниқса, Давлатобод туманининг “Орзу” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида улар меҳнати билан қад ростлаган 12 та намунавий уйлар ҳар томонлама талаб даражасида экани корхона вилоятга танитди. Шундан эътиборан бошқа туман ва шаҳарлардан ҳам буюртмалар кўпая борди. Масалан, мазкур тумандаги Юксалиш маҳалласи ҳудудида қурилиш режалаштирилган 7 қаватли, 42 хонадондан иборат турар жойни бунёд қилиш даврида жамоани яна бир бор чинакам синовдан ўтказди. Бунинг сабаби, иншоотнинг пойдевори битиш арафасида зарур материалларни етказиб берувчи асосий корхоналар хомашё йўқлигини баҳона қилиб, ишни орқага суришди.

Тадбиркорликнинг ҳадисини олган корхона раҳбари Мубошир Абдуллаев қўл қовуштириб ўтирадиганлар хилидан эмасди. Ишлаб топилган даромади ва ички имкониятларидан фойдаланиб, корхона таркибида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводни ташкил қилди, уни энг сўнгги русумдаги хорижий техника ва технологиялар билан жиҳозлади. Хомашё захирасини яра-



тишда эса ҳеч қандай муаммо чиқмади. Чунки неки зарур бўлса, маҳаллийлаштириш дастурига таянди. Ишни изга тушириб олиш учун тезкорликда кўрилган чора-тадбирлар натижасида қурилиши тўхташ арафасига келиб қолган ўша 7 қаватли турар жой белгиланган муддатда қурилиб, фойдаланишга топширилди.

– Қурилишларда маҳаллий материаллардан кенгроқ фойдаланишнинг самарали томони кўп экан. Аввало, харажатлар камайишига ва қурилатган биноларнинг сифатини янада оширишга имкон бераркан. Муҳими, хомашё захираси ҳар қадамда топилади, дея фикрини изоҳлади Мубошир Абдуллаев.

Тадбиркорнинг айтганича бор, эндиликда мана шу жиҳатга жиддий эътибор қаратаётган қурилиш корхоналари кам бўлишмаяпти. Жамоани ўзи ҳам сўнгги тўрт йил оралиғида олти-та 7 қаватли, олти-та 5 қаватли турар жойларни асосан маҳаллий материаллар ҳисобидан қуриб, барча жиҳозлари билан эгаларига топширди. Шунингдек, Наманганда бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида ҳам шу меҳнат аҳлининг қўшаётган ўз улуши бор. Яъни, бу ерда

битта 9 қаватли уй-жойнинг сифатли қилиб тиклаш зиммаларида турибди, айни пайтда уни қуришда ўзлари ишлаб чиқараётган материаллар асқатмоқда.


Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, эндиликда “Жаҳон қурилиш-таъмирлаш” МЧЖ таркибидаги заводда 30 хилга яқин маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқариляпти. Улардан турдош корхоналар самарали фойдаланаётгани жамият иқтисодини мустаҳкамлашга, янада изланишлар қилишга ва 120 нафар кишидан иборат ишчи-хондимларни моддий рағбатлантиришга асос бўляпти.

Бир сўз билан айтганда, 40 йилдан ортиқ қурилиш соҳасида катта тажриба тўплаган отасининг касбини пухта ўзлаштирган Мубошир Абдуллаев давлатимиз томонидан яратилаётган шароитлар туфайли эл-юртга наф келтираётганидан миннатдор. Баҳром Мухторжонов, Беҳзод Жумабобоев, Саиджамол Султонов, Мухторхон Абдуллаев каби иш юритувчи, бошқарувчи ва таъминотчилар ҳар бир ишда камарбасталик билан қўллаб-қувватлаётгани уни янгиликлар яратиш, изланишлар қилишга ундаётгани эътиборга моликдир.



**Барчангизни
касб байрами
билан табриклар,
фаолиятингиз ва шахсий
ҳаётингизда янги ютуқ ва
омадлар тилаймиз.**

“Жаҳон қурилиш-таъмирлаш” МЧЖ



Мукаммаллик лойиҳадан бошланади

Истиқлол эпкилари боис бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаётган замонавий, кўркам бинолар, улардаги қулайликлар мужассамлиги лойиҳачиларнинг маҳоратлари меваси десак, асло муболаға бўлмас.

Сир эмаски, бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳаларни тубдан янгилаш, айниқса, уй-жойга муҳтожлар талабини қондириш орқали халқимиз фаровонлигини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришни кенг шакллантириш масаласи давлатимизнинг бош мақсадига айланган. Бу вазифаларни янада жадаллаштириш учун Давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, иқтисодиётнинг қон томирларидан ҳисобланмиш қурилиш соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳам бунинг яққол мисоли бўла олади.

Қурилишда лойиҳа ташкилотларининг тутган ўрни беқиёс. Боиси ҳар қандай янги объектнинг ҳар тарафлама мукамал қурилишида, энг аввало, унинг лойиҳаси пухта бўлмоғи зарур. Бу эса, лойиҳачилар зиммасига катта масъулият юклаши баробарида, уларнинг тинимсиз изланишлари, соҳага оид барча янгиликлардан боҳабар бўлиб боришларини талаб этади.

Демоқчимизки, ҳар қандай бинонинг ташқи қўринишига қанчалик безак берилмасин, энг аввало, унинг лойиҳаси кишилар эътиборини тортади. Буни ҳозирги пайтда республикамизда бунёд этилаётган, бир-бирига ўхшамаган муҳташам иншоотлар мисолида кўриш мумкин.

Наманган вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳалари, вилоятнинг турли ҳудудларида қад ростла-

ётган замонавий иморатларни ҳам бу борада ибрат ва намуна сифатида таъкидлаш мумкин. Хусусан, вилоятда "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ишларида, энг аввало, ҳар бир объектнинг мукамал лойиҳасини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ишларда Владимир Садовников раҳбарлигидаги "PROEKT SERVIS" МЧЖ лойиҳа ташкилоти ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Ушбу корхона 2011 йилда масъулияти чекланган жамиятга айлантирилгач, унинг ишлаб чиқаришга ёндошуви ҳам давр талабига мослашиб борди. Ёш, соҳада тажрибаси бор ишчи-ҳодимлар жамланиб, улар қайта тайёргарликдан ўтказилди. Бу сингари саъй-ҳаракатлар натижасида замон талабига мос лойиҳалар шакллана борди. Давлат томонидан яратилган шароитдан фойдаланиб, ўз лойиҳа ташкилотини тузаётган тадбиркорлар кўп бўлгани билан биринчи галда уларнинг ижодий меҳнати чизгиларда кўринса, асосий баҳони эса буюртмачи қўяди. Бу борада ростини айтиш керак, Наманган вилоятида бугунги кунда 70 дан зиёд лойиҳа ташкилотлари фаолият кўрсатаётган бўлса-да, улар орасида "PROEKT SERVIS" МЧЖ жамоаси энг илғорлардан ҳисобланади. Бундай даражага эришиш замирида тинимсиз изланиш ва соҳада янгиликлар яратиш, ташаббуслар кўрсатиш мужассам.



Наманган вилоятида бугунги кунда 70 дан зиёд лойиҳа ташкилотлари фаолият кўрсатаётган бўлса-да, улар орасида "PROEKT SERVIS" МЧЖ жамоаси энг илғорлардан ҳисобланади. Бундай даражага эришиш замирида тинимсиз изланиш ва соҳада янгиликлар яратиш, ташаббуслар кўрсатиш мужассам.

Буни кейинги беш йилда шаҳар ва қишлоқларда қурилган юзлаб мактаб ҳамда болалар боғчалари, спорт заллари, поликлиникалар, ер ости ўтиш йўллари, ошхона ва ресторанлар, меҳмонхоналар-у иссиқхоналар, кўп тармоқли

шифохоналар, микрорайонлар лойиҳалари мисолида кўриш мумкин. Эътиборли жиҳати, корхона жамоаси яратаётган бир-бирини такрорламайдиган лойиҳалар қўшни вилоятларда ҳам ўз буюртмачиларига эга. Ўтган беш йилда Андижон ва Фарғона шаҳарларида ташкилотнинг лойиҳалари бўйича бир нечта кўп қаватли турар жойлар, маъмурий бинолар ҳамда болалар спорт майдончалари қуриб битказилди.

Бундан ташқари, ана шу лойиҳа ташкилотиде сайқал топаётган чизмалар бошқа давлатларга ҳам кириб бораётгани жамоа аҳли бажараётган ишларга берилган ҳақиқий баҳодир. Жумладан, ташкилот лойиҳачилари Россия Федерациясидаги қўшма корхона билан ҳамкорликда Европа тараққиёт банки томонидан молиялаштирилган лойиҳа бўйича вилоятдаги кўп қаватли уйларнинг ички тармоқлари ва канализацияларини янгилашдаги ишларни бажаришди. Айни пайтда бу борадаги истиқболли режалар изчил давом эттириляпти.

Лойиҳалар устида тинимсиз изланишлар олиб бораётган 40 нафардан ортиқ жамоанинг ишлаши учун барча шароитлар яратиш берилган. Уларнинг меҳнатлари қадрланиб, қилган ишига лойиқ маош тўланиши қатъий белгиланган. Тўй ва бошқа тадбирларда корхона томонидан моддий ёрдамлар ажратилади. Ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган ишчи-хизматчилар ҳам шунга муносиб равишда доимо изланишлар қилиб, янгиликлар яратишмоқда.



Ташвишларда бордек ҳаловат

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи” инжиниринг компанияси буюртмаси асосида 2022 йилда қурилиши режалаштирилган ижтимоий соҳа объектларининг тендерда ғолиб чиққан пудратчилари рўйхатига разм солсангиз “Самтехнострой-инвест” МЧЖ номига кўпроқ кўзингиз тушади. Ўйлаб қолади киши, қисқа фурсатда шунча бинони бунёд этиш, таъмирлаш, давр талабига монанд ҳолда фойдаланишга топшириш осон эмас-ку. Бунинг учун қанча техника, ишчи кучи зарур бўлади. Очиғи, қизиқиб ташкилот раҳбари Мизроб Ташовга учрашдик. Лекин уни топиш осон бўлмади. Хуллас, вақт топиб, суҳбатлашишга имкон туғилди.



– Ака, узр, ишлар кўп, ҳар бир объект ва корхоналардаги фаолият назоратни талаб қилади. Шу боис кўпчилик билан айтган пайтда учраша олмайман. Биласиз, ҳозир барча жойда иш қизиган, ҳаммасига елиб-югуриш, улгуриш керак. Тўғриси, бирорта режа кўнглимдагидек бажарилмаса, тинч туролмайман. Баъзан раҳбарлар ҳам мени тушунмай, хафа бўлишади.

Суҳбат жараёнида у янгиликка иштиёқманд, тиниб-тинчимас, ёш бўлса-да, катта жамоага бош экани билиниб турарди. Уни замонамиз қаҳрамонига қиёслас бўлади. У Самарқанд туманидаги мактабни, сўнгра туризм коллежини тугатган. Уни замонамиз қаҳрамонига қиёслас бўлади. У Самарқанд туманидаги мактабни, сўнгра туризм коллежини тугатган, японча аниқлик ва ҳисоб-китобни ўрганишга астойдил киришади. Шу интилиш туфайли Япониядаги бизнес мактабида таҳсилни давом эттириб, кўп нарсани англаб еганини таъкидлади. Қурилиш назарияси, иқтисодий тежамкорлик, ишчи-хизматчилар кучи, корхонада ишни унумли ташкил этиш йўлидаги изланишлари бугун муваффақиятлар омилига айланганидан хурсанд эди у.

Дарҳақиқат, қаерда фаолият омилкорлик билан олиб борилса, ўша жой-

да ютуқлар қўлга киритилиши бор гап. Мизроб ҳар жиҳатдан қудратли индустрияга, техника воситаларига эга, касб сирларини ўрганаётган юзлаб ишчи-хизматчиларни бирлаштирган қурилиш ташкилотларини очгани бугун катта самара бераётгани яққол сезилмоқда. Изланувчан раҳбар Самарқандда аллақачон ўз салоҳияти билан доғру таратаётган “Самтехностройинвест”, “Меъмор Ўткир човқа”, “Сармоя қурувчи”, “Ягона” каби МЧЖлар таъсисчиси экани билан ҳар қанча фахрланиши мумкин.

Каттақўрғондаги А. Мажидий номли драма театри, Самарқанд давлат чет тиллар институти, “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос университети, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, “Олимпия захиралари” мактаб-интернати, биринчи Президентимиз Ислон Каримов қабри мангу қўним топган Ҳазрати хизр мажмуасини қайта қуриш ва таъмирлаш, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ҳайкалинини ўрнатиш, атрофини ландшафт дизайни асосида боғга буркаш, шаҳарнинг ўнлаб хиёбон, кўчалари кўркам қиёфа касб этишида

ана шу жамиятлар қурувчиларининг меҳнати синганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Корхоналарда ходимлар билан индивидуал суҳбат ўтказиш, улар малакасини текширишга жиддий аҳамият қаратилаётир. Ишчи-хизматчилар махсус коржомалар билан таъминланыпти, техника, ёнғин хавфсизлигига қатъий риоя қилинапти. Иссиқ овқат, дам олиш хоналари ташкил этилган, бажарган иш ҳажмига қараб вақтида маош берилляпти. Қурувчилар айни кунларда ишлаётган Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 1-клиникасидаги янги муҳташам шифохона қурилиши, вилоят Ўзбек драма театри, Каттақўрғон шаҳридаги 2-мактаб, Пастдарғом туманидаги 17-мактабга таълим ташкилотининг реконструкциясини кўздан кечириш давомида бунга тўла амин бўлдик.

Яна бир масала шундаки, бинокорлар турли материаллар, конструкцияларни излашларига эҳтиёж йўқ. М. Ташовнинг ишбилармонлиги, узоқни ўйлаб иш тутаётганини айнан шундан ҳам билиш мумкин. Яъни, жамият қошидаги махсус полигонда бетон қоришмалари ва ундан

ҳар хил конструкциялар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани асқатмоқда. Бунинг учун эса кредит маблағлари ҳисобига Россия, Хитой давлатларидан кўпгина мини заводлар, асбоб-ускуна, жиҳоз ва техникалар келтирилгани натижасида ишни тез, соз, сифатли бажаришга имконият яратилляпти.

Тажрибали қурувчининг ютуқларидан яна бири шундаки, у доимо устозлар маслаҳатига, лойиҳачилар, буюртмачилар ҳамкорлигига суянади, ишчилари билан кенгашади. Атрофига билимдон мутахассислар ва усталарни жалб қилганининг боиси ҳам шундан.

– Зиммадаги масъулият изланишга, вазифани виждонан уудалашга даъват этади, – деди у. – Саъй-ҳаракатларнинг мазмуни шундан иборат. Қолаверса, ҳамманинг олдида юзимиз ёруғ бўлишини истаймиз. Ахир, 300 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи, уларнинг оиласи, рўзғори ташвиши елкада турганда қандай қилиб ҳузур-ҳаловат ҳақида ўйлаш мумкин.

Меҳнатда тобланган алп йигитнинг порлоқ истиқбол учун тинимсиз изланишлар қилаётгани бошқаларга ибратдир.



Барча қурувчиларни, лойиҳачи ва меъморларни
Ўзбекистон Республикаси
қурилиш соҳаси ходимлари кун
билан табриклаймиз.



Орзуларингиздаги
объектни яратмоқчимисиз?

Келинг, муҳокама қиламиз!

1-
қадам

Лойиҳани
муҳокама қилиш
ва режалаштириш

2-
қадам

Объектни
лойиҳалаштириш


3-
қадам

Объектни
қуриш



Финиш

Тайёр
объектингизнинг
калитини олиш



+998 71 262 04 19
info@goldstepinvest.uz

Энди халқимиз турмуши аввалгиларга ўхшамас

Яқин-яқинларгача Сирдарё вилояти, деганда кўз ўнгимизда бепоён пахтазорлар, тузилиш таркиби туманлардан фарқ қилмайдиган Гулистон шаҳри келарди. Шаҳар инфратузилмасини янгилашни қўййлигу, бу ерда салкам бир аср аввал қурилиб, бирор марта таъмирланмаган икки қаватли турар жойлар, 5-10 та маъмурий бинолар ва қинғир-қийшиқ кўчалар ҳеч ҳам вилоят марказига ўхшамасди. Худуддаги туман ҳамда бошқа шаҳарлар эса умуман назардан четда қолиб, аҳолининг асосий қисми дала меҳнатига ипсиз боғлаб қўйилганди.

Бугун ҳақиқатга тик қараб, борни бор, дейдиган даврда яшаймиз. Шу боис айтиш жоизки, ватанимизда изчил ислохотлар бошлангунга қадар худуднинг айрим туманларида қурилган намунали уй-жойларни ҳисобга олмаганда айтарли даражада кўп қаватли турар жойлар қурилмаганди. Ҳолбуки, республикамизнинг бошқа туман-шаҳарларидаги сингари Сирдарё вилоятида ҳам йиллар давомида уй-жой олиш учун навбат кутаётган ва бу борада муҳтожлик сезаётганлар жуда кўпчилик эди. Ваъдаларни эшитавериб, чарчаган фуқаролар шурида эртанги кунга ишонч туйғуси сўниб борар, бу камлик қилгандай, ишсизлик муаммоси ортиб, аксарият ёшлар иш излаб бошқа давлатларга чиқиб кетаётганди.

Халқимизни қарахлик уммонидан келажакни ўз қўллари билан қуриш йўлига олиб чиққан изчил ислохотлардан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Унинг шарофати билан ўтган беш йилда, қўйиб берса, мана шу вилоятдагилар ҳам қандай қобилятга эгаллигини улар қураётган кўп қаватли турар жойлар, ишлаб чиқариш корхоналари, спорт ин-

шоотлари, фабрика ва заводлар, йўллар ҳамда бошқа мисоллар орқали кўриш мумкин. Нафақат Гулистон шаҳри, балки вилоятнинг туман ва шаҳарлари, қишлоқлари ҳам таниб бўлмас қиёфага кириб борапти, вилоятда қурилишлар баробарида ишлаб чиқариш корхонала-

Ховос туманидаги Бунёдкор маҳалласи худудида жамоа бунёд этган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси билан бирга 5 қаватли турар жой биноси, Гулистон шаҳри, Истиқлол маҳалласида 5 қаватли, 4 йўлакли уй-жойларнинг муддатидан аввал ва сифатли қилиб қурилгани соҳани мукамал ўзлаштирган кишилар жамоада тўплангани, улар ҳар қандай ишга қодир эканини кўрсатди.

ри ҳам бунёд этилиб, янги иш ўринлари яратилляпти. Муҳими, бугун ана шу корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар республикамиз истеъмол бозорини тўлдириш билан бирга хорижга ҳам экспорт қилиняпти.

Вилоятдаги бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссамни қўшиб, эл-юртга наф келтирай, деган фидоий тадбиркорлардан бири Қодиржон Усмоновдир. Унинг фаолияти бевосита ислохотлар билан чамбарчас боғлиқ. Беш йил аввал "GULISTON MAKRO BUILDING" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, асосан капитал реконструкциялаш, қуриш ишлари орқали тендерларда фаол қатнашиб, қандай шаклдаги объект бўлишидан қатъи назар жамоаси билан бирга зиммаларига юклатилган вазифаларни ортиғи билан бажаришга ҳаракат қилишди. Ховос туманидаги Бунёдкор маҳалласи худудида жамоа бунёд этган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси билан бирга 5 қаватли турар жой биноси, Гулистон шаҳри, Истиқлол маҳалласида 5 қаватли, 4 йўлакли уй-жойларнинг муддатидан аввал ва сифатли қилиб қурилгани соҳани мукамал ўзлаштирган кишилар жамоада тўплангани, улар ҳар қандай ишга қодир эканини кўрсатди.

вилоят бунёдкорлигида ҳам катта тажриба тўпланди. Энди бу жараёнда янги объектлар бўйича ўтказилаётган тендер савдолари аввалгилардан фарқ қилмоқда, яъни, соҳада талаб даражасидаги тажрибаси бўлишига алоҳида эътибор қаратиляпти. Қодиржон Усмонов раҳбарлигидаги жамоа шундай эътиборга сазовор бўлганлардан бири. Ўтган йили уларга катта ишонч билдирилиб, Гулистон шаҳридаги Бўстон маҳалласи худудида иккита 7 қаватли, 3 ва 2 йўлакли уй-жойлар қуриш масъулияти юклатилганди. Ана шу объектлар ҳам ортиқча сарф-харажатларсиз муддатидан аввал фойдаланишга топширилди.

Жамоанинг ютуқларга эришишида ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси ва бажарган ишига қараб ҳақ тўланаётгани изланишлар қилишга ундаяпти. Айни пайтда корхона амалга ошираётган ишларнинг ҳар бирида 50 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар фаолият кўрсатмоқда. Улар учун ташкилот ҳисобидан доимий равишда тушлик ташкил қилиниб, ювиниш ва дам олиш хоналари ҳам хизмат кўрсатмоқда. Мавсумларда эса 100 нафардан ортиқ киши ишга жалб қилинади ва улар ҳам яратилган имкониятлардан тўлалигича фойдаланишади.

Шу кунларда меҳнат аҳли Бўстон маҳалласида қад ростлаётган кўп қаватли "Ёшлар уйи"ни белгиланган муддатда сифатли қилиб топширишга астойдил киришган. Бунинг учун барча имкониятлар етарли, шартномага кўра, ҳамкор корхоналар зарур маҳсулотларни пешма-пеш етказиб турибди. Муҳими, яна иккита буюртмачи ўз лойиҳаларини жамоага тақдим этишган, яқин кунларда бу объектларда ҳам ишлар бошланади. Бундай эътибор эса корхона жамоасининг бажараётган ишларига берилаётган муносиб баҳодир.



*Қурилиш соҳасида меҳнат қилаётган
барча юртдошларимизга
касб байрами муборак бўлсин.*

“O‘ZOG‘IRSANOTLOYIHA” юртимиздаги юқори рейтингга эга институт

Ўтган йили ўзининг 80 йиллик юбилейини нишонлаган юртимиздаги энг юқори рейтингга эга лойиҳа институтларидан бири – “O‘ZOG‘IRSANOTLOYIHA” АЖДир. Институт 2010 йил 23 февралдан бошлаб очиқ акциядорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Институт объектларни лойиҳалашда назоратнинг барча усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, лойиҳа ечимлари ва стандартларга мувофиқ бажарилаётган ишларнинг юқори сифатини таъминлайди. Бу вазифани амалга ошириш учун айна пайтда 80 нафардан ортиқ лойиҳачи, қурилиш сифатини назорат қилиш бўйича 20 нафар етук мутахассис, 40 дан ортиқ турдаги замонавий ускуналар билан жиҳозланган синов лабораториясида 10 нафар махсус сертификатга эга муҳандис фаолият юритмоқда.



йиҳаларни яратишда ISO 9001 сифат менежмент тизимлари, Ўзбекистон Республикаси ҚМҚ, ШНҚ, Санитария норма ва қоидалари, DSt стандартлари, GOST, SP, VSN ва бошқа халқаро стандартлар қўлланиляпти.

Институт мутахассислари томонидан кейинги йилларда ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатлари эса фикримизнинг исботидир. Улардан, “Ўзметкомбинат” АИБ рулонли тасмалар ишлаб чиқариш цехи ва унинг таркибига кирувчи муҳандислик-транспорт инфратузилмаси, “Хандиза” кони базасида полиметалл рудаларни бойитиш фабрикаси, Олмалик ҚМҚ, Янги пресслаш цехи, 1-босқич, архитектура-қурилиш қисми, ЎзДЭУавто ЁТАЖ, “UZVNESHTRANS” ДАК, “Ўз-Сә-Мюнг Ко” ЁАЖ штамплаш участкаси, “UzSUNGWOO” МЧЖ ҚҚда

Шунингдек, Термиз шаҳридаги 10 000 ўринга мўлжалланган футбол-енгил атлетика спорт мажмуаси, универсал спорт зали, “MAN” катта юк автотранспорт воситаларини йиғиш корхонаси, “Тошкент-Сити” ҳудудида Бизнес-марказ қурилиши лойиҳаси бўйича техник кузатув, Олмазор туманида “Ўзбекистонда Ислон маданияти ва цивилизацияси маркази” бино ва иншоотларининг қурилиши, Самарқанд вилояти Пайариқ туманида Имом Ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасининг янги қурилиши, Хоразм вилоятида “UzavtoMotors” АЖ филиали ҳудудида “Дамас” ва “Лабо” русумли автомобиллар учун штампланган кузов деталларини ишлаб чиқариш объектлари лойиҳалари ҳам институт мутахассисларининг ижод маҳсулидир.

Лаборатория 2012 йилда техник малака ва мустақил ишлаш учун аккредитациядан ўтказилган.

Сифатсиз материаллар ва заиф конструктив элементларни ўз вақтида аниқлаш қурилаётган объектлардан фойдаланиш харажатларини камайтириш ҳамда муҳандислик иншоотларининг ишончилигини оширади. Лаборатория айна қурилиш материаллари ва конструкцияларининг сифатини назорат қилиш ҳамда қурилиш экспертизасини амалга ошириш билан шуғулланади. Шунингдек, қурилиш объектларида турли лаборатория синовларини ўтказиш бўйича хизматларни ҳам таклиф қилади.

Ушбу лаборатория синовларни ўтказишдаги тезкорлиги, қўйилган вазифаларга индивидуал ёндашуви билан ажралиб туради. Лабораторияда ихтисослашган олий маълумотли мутахассислар, шунингдек, махсус сертификатга эга кадрлар фаолият юритади. Марказ лаборатория хизматлари бозорининг фаол ва малакали иштирокчиси сифатида Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ҳамда Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

Албатта, юқоридаги каби юртимизнинг энг йирик ва муҳим объектлари учун лойиҳа яратиш осон иш эмас. Зеро, Ўзбекистондаги лойиҳа-қидирув ташкилотларининг 1999–2021 йиллар учун тузилган рейтингда биринчи ўринга лойиҳа деб топилган “O‘ZOG‘IRSANOTLOYIHA” институти бу эътирофга ҳар жиҳатдан муносибдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги қарори билан институтга етакчи лойиҳа-қидирув ташкилоти мақоми берилган. Етакчи институт мутахассислари ишлаб чиққан лойиҳалар асосида мамлакатимиз халқ хўжалигида муҳим ўрин тутувчи кўплаб объектлар бунёд этилган. Хусусан, Ўзбекистон қийин эрувчи ва иссиқбардош металллар комбинати, Чирчиқ трансформатор заводи, Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия заводи, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машиналари заводи, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машиналари заводи, Тошкент трактор ва мотор заводлари, Тошкент метрополитенининг турли объектлари, Тошкент шаҳридаги чинни буюмлар заводи, “Совпластитал” ҚК объектлари шулар жумласидандир.

Кейинги йилларда йирик инвестицион лойиҳалар асосида Асака шаҳридаги “ЎзДЭУавто” автомобиль заводи, Жиззах

шаҳридаги “Uz EXIDE” аккумулятор заводи, Дўстлик шаҳридаги “Мерседес-Бенц” юк автомобилларини йиғиш бўйича қўшма корхона, Тошкент шаҳридаги техник шиша-тола ишлаб чиқарувчи “Ўзгласзайден” заводи, Тошкент шаҳридаги қимматли қоғозлар фабрикаси, Гургут ишлаб чиқариш бўйича “ЎзЭЛ-ЛАС” Ўзбекистон – Греция қўшма корхонаси, “Согпласт-Максан” Ўзбек–Турк қўшма корхонаси, Тошкент шаҳридаги “Корфармасаноат” Ўзбекистон – Ҳиндистон қўшма корхонаси, “ТЕС” инжиниринг компанияси (Япония), “ТЕКНИП” (Франция) ва “JGC Congregation” (Япония) корпорациялари билан бирга Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи реконструкция қилиниб, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилган.

“O‘ZOG‘IRSANOTLOYIHA” юртимиздаги етакчи лойиҳа институти сифатида лойиҳаларни сифатли яратилиши учун самарали фаолият олиб бормоқда. Давлат миқёсидаги муҳим ло-



Т-250 русумли автомобиль деталларини ишлаб чиқариш учун пайвандлаш линиялари, “BAUPLAST” ҚК пластик профиллар ишлаб чиқариш цехи, Бекобод цемент заводининг реконструкцияси ана шундай объектлар сирасига киради.

Бугун қурилишда фақат сон эмас, сифат масаласи ҳам биринчи ўринда туриши бекорга эмас. Бу борада институт таркибида ўн йилдан буён фаолият юритиб келаётган Синов лабораториясининг хизматини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Азиз лойиҳачилар, ҳурматли ҳамкасблар!

Касб байрамингиз муборак бўлсин.

Юртимиз бунёдкорлиги йўлида олиб бораётган заҳматли касбингизга ривож, ишларингизга омад тилаймиз.

Профессионал ва шахсий ҳаётингизда янги ютуқлар ёр бўлсин!



“Агромаштаъмирқурилиш” МЧЖ – яхши қурувчи корхоналардан бири

Сурхондарё воҳасида кўп асрлик тамаддун унсурларини кўриш мумкин. Узоқ ўтмишга туташ воҳа тарихи ҳудудда бунёдкорлик ва янгиланишларнинг халқнинг жон-қонига сингганини англатади. Хусусан, эски Термизнинг тарихий манбаларда ёритилиши ниҳоятда қизиқарли ва долзарб бўлиб, унинг ҳар бир қаричи алоҳида бунёдкорлик мавзусидир. Термиз шаҳри аҳолиси босиб ўтган тарихий йўлнинг давоми сифатида шу кеча-кундуздаги улкан янгиланишларни мисол келтиришимиз мумкин. Жорий бунёдкорликлар ва янги даврдаги Сурхон воҳасининг ривожига ҳисса қўшаётган “Агромаштаъмирқурилиш” масъулияти чекланган жамияти шундай корхоналардан биридир.

Жарқўрғон тумани Сурхондарёда ўз ўрнига эга бўлган маъмурий ҳудуддир. Азбаройи у ерга йўлингиз тушса танги, меҳнаткаш, миришкор ва ишбилармон кишиларларни кўрасиз. Энг қизиғи, бунда воҳанинг қизиққон тадбиркорларини қурилиш соҳасида ҳам учратиш мумкин. Албатта, Жарқўрғонда қурилишдан озгина бўлсада хат-хабари бор кимсани сўроққа тутинг-у жавобни тайин этинг:

– Кечирасиз, шу туманда “Агромаштаъмирқурилиш” корхонаси бор экан?

– Биламиз, бу ерлардаги энг яхши қурувчи корхоналардан бири.

Мазкур корхона 1996 йили ташкил этилган бўлиб, шу кеча кундузда Сурхондарё воҳасидаги кўплаб қурилиш-таъмирлаш ишларида иштирок этиб, капитал қурилиш, капитал реконструкция ҳамда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш билан шуғулланиб келмоқда.

– Корхонамиз таркибида бир қанча бўлим ва бошқармалар мавжуд, – деди корхона раҳбари Яраш Ҳуррамов. – Жумладан, қурилиш-монтаж, иш юритиш, ҳисобчилар, кадрлар ва оддий ғишт терувчиларгача боғланган бўлимларимизда ишчиларимиз ўзларининг амалий салоҳиятларини кўрсатиб келишмоқда. Қурилиш ўзаро боғланган соҳа. Уни оддий архитектура ва лойиҳа ечимларидан тортиб, оддий ишчилар жамоасигача бўлган қатлам боғлаб туради. Шунга кўра, аҳил ва тажрибали жамоанинг ўрни аҳамиятлидир. Ҳозирги кунда корхонамизда 102 нафар ходим фаолият олиб бормоқда. Шундан 10 нафари бошқарув ходимлари, 17 нафари муҳандис-техник ходимлар, 75 нафари ишчилардан иборат.

Корхонанинг моддий-техник базаси ҳам амалий қурилиш жараёнларида кўмакчи вазифасини бажармоқда. Жумладан, 1 дона автокран, 4 дона экскаватор,

7 та юк ташиш автотранспортлари ва бошқа турдаги 3 дона техникалар мавжуд.


Корхона томонидан охириги йилларда йирик объектлар фойдаланишга топширилди. Хусусан, 2020 йилда Сариосиё туманидаги спорт объектларининг инфратузилмасини ривожлантириш ишлари бажарилди. Ўтган йил ҳисобидан Денов туманидаги Сил касалликлари диспансерини реконструкция қилиш, туманининг Юрчи маҳалласидаги 4-сонли мактабгача таълим ташкилоти учун 90 ўринли янги бинони қуриб битказиш ва таъмирлаш ишлари муваффақиятли бажарилди. Шунингдек, Денов туманидаги Нуристон маҳалласи ҳудудида янги спорт зали ва 528 ўринли янги мактаб биносининг қурилиши якунланди.

Жорий йилда Олтинсой туманида Ипак Бўстон маҳаллалари ҳудудида жойлашган “Мустақиллик” ва Охунбобоев кўчаларининг меъморий қиёфасини за-

монавийлаштириш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Айтиш керакки, корхона фаолияти давомида қарийб 29 млрд сўмлик қурилиш ишларини бажарди.

Қадим Сурхон воҳаси меъморчилигининг таҳлили шуни кўрсатадики, кўҳна шаҳарлар қалъалари ҳудудда меъморлик жуда узоқ тарихий босқичга эга. Мисол учун, Кампиртепа, Зартепа, Хайрободтепа, Далварзинтепа каби ёдгорлик маданиятлари бунга исбот бўла олади. Хусусан, антик даврга оид энг катта қалъа-шаҳарлар Термиз ва Далварзинтепа ўрнида бугун ҳам замонавий воҳанинг урбанизация анъанаси сақланиб келмоқда.

Бугун Сурхондарёдаги қурилиш жараёнлари ўша шонли ўтмишнинг амалий инициативаси ўлароқ ўртага чиқмоқда. Бу жараёнларда ўзининг миришкорлиги, тажрибаси ва кўникмаси билан ҳудуднинг ташқи кўринишини ўзгартираётган қурилиш жараёнларига ҳисса қўшаётган корхоналарнинг ўз ўрни бор. “Агромаштаъмирқурилиш” корхонаси жамоаси ҳам ўлкадаги қурилиш-реконструкция жараёнларида бевосита иштирок этиб, давлатимизнинг кенг қамровли ислохотларида бевосита иштирок этмоқда. Корхонанинг келажак режалари мазкур ислохотлар замирида қўллаб-қувватланмоқда. Албатта, ҳозирги кунда ҳар қандай ислохот билвосита халқимизнинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилади. “Агромаштаъмирқурилиш” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам юксак бунёдкорлик ишлари Сурхон воҳасида яшаётган ҳар бир кишининг келажига даҳлдор бўлиб қолаверади.



*Обод юртимизнинг иқтидорли
меъморлари ва қурилиш соҳаси
ходимларини касб байрами билан
муборакбод этамиз.
Касбиниз ортидан эшиқадиманингиз
фақат раҳмат бўлсин.
Халқ фаровонлиги йўлида
хизмат қилишдан асло чарчамани!*

“Агромаштаъмирқурилиш” МЧЖ

ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ, ЙЎЛ ВА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Юртимиз қурилиш соҳасига ўзининг мукамал лойиҳалари билан катта ҳисса қўшиб келаётган лойиҳачиларни, бир-биридан гўзал бинолар қуришда жаҳонни лол қолдираётган бунёдкорлар ва барча соҳа ходимларини касб байрами билан табриклаймиз.

Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз туфайли бугун ватанимиз ўзгача чирой очмоқда. Ижодий ишларингиз, машаққатли ва шарафли фаолиятингизга сўнмас ғайрат тилаймиз!



Қўқоннинг машҳур лойиҳачилари

Қўқонлик Алихўжа Фозилов эллик йил бир соҳада ишлаб, тўплаган тажриба ва маҳоратини эл корига сарф этиб келмоқда. Фарғона политехника институтини тугатгач, олийгоҳда талабаларга бир неча йил устозлик қилгани, турли қурилиш ташкилотларидаги меҳнат фаолияти давомида тўплаган тажрибасини тадбиркорлик фаолиятида ҳам синашни мақсад қилиб, 2003 йилда “QO'QON LOYIHA QURILISH” МЧЖга асос солган. Корхонанинг асосий фаолияти уй-жой, жамоат, саноат бино ва иншоотларни ҳамда уларнинг ташқи муҳандислик тармоқларини лойиҳалашдан иборат.

Бунёдкорлик ва ободонлаштиришга қаратилган улкан мақсадларни кўзлаган корхона жамоаси ўн тўққиз йилдирки, амалга оширган лойиҳа ишлари билан нафақат Фарғона вилоятида, балки республикамиздаги бошқа вилоятларда ҳам энг яхши лойиҳа ташкилотларидан бири сифатида эътироф этилади. Жумладан, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари, Тошкент шаҳрида буюртмачиларнинг талабига кўра, улар тайёрлаб берган лойиҳалар асосида қад ростлаган кўп қаватли уй-жойлар, маъмурий бинолар, мактаб ҳамда болалар боғчалари, йўллар шу ҳудудларнинг янада кўркемлашуви ва ободонлашишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Масалан, Тошкент шаҳридаги Абдулла Қодирий номидаги боғ ҳудудида жойлашган 7 қаватли “Марказ” меҳмонхонаси учун тайёрланган лойиҳа юртимизнинг бошқа бирор жойида учрамайди. Бунинг асосий сабаби 20 нафардан иборат жамоада шундай бир тартибга қатъий амал қилинади, яъни, бир жой учун тайёрланган лойиҳа, қайта бошқа жойда қўлланилмайди.

Юртимиз гавҳари ҳисобланган Фарғона вилояти ва унинг таркибидаги туман-шаҳарларнинг гуллаб-яшнашида бошқалар сингари “QO'QON LOYIHA QURILISH” МЧЖ жамоасининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Хусусан, кейинги беш йилда давлатимиз томонидан тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилаётган эътибор мазкур жамоани ҳам барча ишларда янада кўпроқ ҳисса қўшишга чорляпти. Унинг самарасини вилоятнинг Қўқон шаҳри, Данғара, Учкўприк, Бувайда каби туманларида қурилган янги

ва реконструкциядан чиқарилган мактаб, болалар боғчалари, коллежлар лойиҳалари мисолида кўриш мумкин.

Шулар баробарида Фарғона шаҳридаги Корея халқаро университетининг 2 200 ўринли бош биноси ва шунча ўринли ётоқхонаси, Боғдод туманида бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида маданият саройи, вилоят ҳокимлигининг мажлислар зали, Ёзёвон туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивида қад кўтарган 400 ўринли маданият саройи, Қўқон давлат университетининг асосий бинолари лойиҳаси ҳам жамоа аъзоларининг меҳнатлари маҳсулидир.

Булардан ташқари, Қўқон шаҳридаги Шохрўҳобод кўчасида жойлашган шаҳар кўп тармоқли поликлиникаси, 95 ўринли туғруқ бўлими, оилавий поликлиникалар, Фурқат туманидаги Навбаҳор шаҳарчасида жойлашган марказий шифохона ҳудудида кўп тармоқли тиббиёт муассасаси, юқумли касалликлар бўлими, 1- ва 2-вилоят руҳий касалликлар шифохоналари, Фарғона ҳамда Қўқон шаҳар наркология диспансери сингариларнинг лойиҳа-сметалари шу жамоанинг изланишлари натижасида ҳар томонлама талабга жавоб берадиган замонавий масканларга айланган.

Қўқон шаҳрининг архитектуравий кўринишини тубдан қайта қуриш ва бу ерда инфратузилма объектларини қуриш юзасидан қабул қилинган қарор ижросини таъминлашда ҳам мазкур жамоа лойиҳачилари катта ташаббус кўрсатган. Уларнинг лойиҳалари асосида бунёд этилган Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси биноси, Шохрўҳобод ва Давронбек кўчалари ке-



сишмасида қад ростлаган 4 қаватли 32 ҳамда 12 хонадонли уй-жойлар, Фурқат кўчасидаги “Камолот”чилар учун 48 хонадонли турар жой биноси, Имом Исmoil Ал-Бухорий кўчасидаги “Кўкат” савдо мажмуаси, “Универсалбанк”нинг бош офиси, “Қўқон” меҳмонхонаси, куйловчи ҳамда кимёгарлар майдонидаги фаввораларда атрофида меҳнатдан сўнг ҳордиқ чиқараётганлар, замонавий уйларда яшаётган аҳоли, айниқса лойиҳачилардан жуда миннатдор.

Бугун жамиятимизда фаолият олиб бораётган ҳар бир корхона аҳли 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган давлат дастурлари ижросини амалда татбиқ қилишда ўз ҳиссаларини қўшиш учун астойдил киришган. Халқимизни ҳар томонлама дунёга танитиш имконини берувчи мана шу тарихий жараёнда “Қўқон лойиҳа-қурилиш” МЧЖ корхонаси лойиҳачилари меҳнати билан тайёрланган чизмалар асосида айни кунларда Қўқон шаҳридаги 3- ва 9-сонли ихтисослаштирилган мактабларда реконструкция ишлари бажарилляпти. Шунингдек, Қўқон шаҳрининг Муқимий шаҳарчаси ҳудудида 8 та 12 қаватли, битта 16 қаватли уй-жойлар, улар атрофида мактаб, болалар боғчаси, ёшлар ҳамда катталарга мўлжалланган спорт мажмуалари лойиҳалари тайёрланиб, қурувчилар ишларни жадаллик билан олиб боришмоқда ва аксариятини фойдаланишга топшириш арафасида.

Лойиҳачилар қаламида шаклланган ҳар бир ижодни мўъжизага минггаш мумкин. Чунки уни яратиш учун кези келса бир соат, баъзан, ойлар талаб этилади. Пишиқ-пухта ва мукамал қилинганини эса буюртмачиларнинг ўзлари излаб топишади. Жорий йил бошида Марғилон шаҳридан “Қўқон лойиҳа-қурилиш” МЧЖни излаб келган буюртмачи бунга мисолдир. Гарчи, Марғилонда ҳам лойиҳа корхоналари кўплаб топилса-да, талабгор айнан мазкур жамоадан лойиҳаларни чизиб беришини сўрагани бежиз эмас. Унинг айтишича, вилоятдаги 30 дан ортиқ лойиҳага ихтисослашган корхоналарда қилинган ишларни ўрганган ва охири, мазкур корхонада тайёрланаётган лойиҳаларнинг мукамаллиги ўзига маъқул келган. Шу туфайли Марғилон шаҳри ҳудудида ҳам 9 қаватли биноларни бунёд этишга киришилган. Ҳозирда уларнинг 4 таси қуриб битказилди, қолганларида ҳам бунёдкорлик ишлари жадаллик билан борапти.

Эътиборли томони шуки, жамоа аҳли лойиҳа бўйича муаллифлик назоратига алоҳида эътибор қаратиб, ҳар бир объекта бажарилган ишларни ўз ўрнида лойиҳада кўрсатилгани билан таққослаб боради. Камчиликлар ёки қўшимчалар киритилса, дарҳол зарур чораларни кўради. Шунинг учун ҳам ўн тўққиз йилдирки, экспертлар томонидан жамоа бажарган лойиҳаларда бирорта эътирозлар бўлмагани корхонанинг қандай салоҳиятга эгаллигидан далолатдир.



Сув зар – сувчи заргар

Сув – ҳаёт манбаи! Таассуфки, сўнги йилларда дунёда иқлимнинг кескин ўзгариб бораётгани, айниқса, минтақамизда мавсумлар қор ва ёмғирларсиз ўтаётгани нафақат қишлоқ хўжалиги тармоқлари, балки жамиятимиздаги бошқа соҳаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатяпти. Буниси етмагандай, ён-атрофимизни ўраб турган тоғларда ҳам захиралар камайгани сабабли сунъий сув захираларини яратиш эҳтиёжи кескин ошмоқда. Эндиликда бу долзарб муаммога ечим топиб, сув билан боғлиқ эҳтиёжни талаб даражасида қондириш учун жойлардаги мутасадди корхоналар жиддий саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Мана шу йўналишга қаратилган ишларни кўнгилдагидек қарор топтириш ва сув таъминотида узилишлар бўлмаслиги учун “Фарғонамахсуссупудрат” масъулияти чекланган жамияти корхонаси ҳам кўплаб истиқболли лойиҳалар бўйича катта ишларни амалга оширяпти. Корхона раҳбари Ҳалимжон Ҳасановнинг таъкидлашича, иш самарадорлигини ошириш мақсадида, энг аввало, ишчиларнинг моддий таъминотини яхшилаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиб беришга эътибор қаратилди. Шу билан бирга, корхонанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун имтиёзли кредитлар олиниб, энг сўнги русумдаги бульдозер, экскаватор ҳамда бошқа турдаги замонавий техникалар харид қилинди.

Жамият раҳбарининг айтганича бор, қаерда ишчи-ходимлар зарур шароитлар билан таъминланган бўлса, ўша жойда ҳамжиҳатлик қарор топиб, белгиланган режалар ҳам ортиғи билан удаланаверади. Бу жиҳатдан “Фарғонамахсуссупудрат” МЧЖ жамоаси амалга оширган ишлар турдош корхоналарга ибрат бўляпти. Жумладан, сув хўжалиги бўйича Олтиариқ, Ёзёвон, Фарғона ҳамда Қўштепа туманларида йиллар давомида ишлов берилмагани сабабли издан чиқиш даражасига келиб қолган канал ва зовурлар-

га қайта ишлов берилиб, талаб даражасига келтирилди.

Халқимизда, “Сув зар – сувчи заргар”, деган ибора бекорга айтилмаган. Эндиликда оби-тобига келтирилган иншоотларда сув ҳеч қандай ортиқча тўсиқларсиз, ёзнинг иссиқ кунлари эса кам парланишсиз барча тармоқлар қаторида истеъмолчиларга етиб боряпти. Шунингдек, қайси соҳа бўлишидан қатъи назар сувдан қай тартибда фойдаланаётганлик ҳам корхона мутахассислари томонидан назоратга олинган. Бу борада белгиланган қоидаларга риоя қилмаганларга тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Шуни ҳам айтиш керак, корхона жамоаси фақат канал ва зовурларни тозалаш ишлари билан чекланмасдан янги каналларни бунёд этиш ҳамда кўприклар қуриш борасида ҳам кўплаб лойиҳаларни амалга оширяпти.

Кўпчилик яхши билади, Ёзёвон туманининг асосий қисми чўл ҳудудини ташкил қилади. Шунга қарамай, туман аҳлининг ташаббускорлиги туфайли бошқа кўплаб тармоқлар сингари агросаноат мажмуи кенг ривожлангани сабаб суғориш билан боғлиқ талаб ҳам ўзига лойиқ. Сўнги даврда бу талаб бўйича, ҳудудда сув кам сарфлашга мослашган

тўртта янги канал қазилиб, фойдаланишга топширилди. Фойдаланувчиларга қулайлик бўлиши учун уларнинг ҳар бирида бештагача замонавий кўприклар қуриб берилди.

Бундан ташқари, юқорида айтилганидек, мавсумларда, айниқса, баҳор ёмғиридан унумли фойдаланиш мақсадида икки йил аввал корхона жамоаси вилоят ҳокимлигига бир таклиф билан чиқди. Унга кўра, Ёзёвон туманидаги сув омборида захираларни янада кенгайтириш учун янги канал қазитиш лозимлиги назарда тутилган эди. Мутахассислар бу ташаббусни батафсил таҳлил этгандан кейин бу лойиҳа бўйича жамоа қисқа муддатда канални қазитиб битказди. Айни пайтда сув омборида максимал даражадаги сув захираси йиғилишида унинг тутаётган ўрни беқиёсдир.

Давлат дастурлари бўйича Фарғона вилоятида 2022 – 2026 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган ишларнинг ўз муддатида бажарилиши учун “Фарғонамахсуссупудрат” корхонаси ишчи-хизматчиларининг зиммаларида ҳам катта масъулият турибди. Яъни, вилоятнинг иккита туманида қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” массивларида ирригация ва мелиорация ишларини талаб даражасида бажариш, келгусида ана шу жойларда бу борада муаммолар бўлмасликка эришишдир. Зиммадаги вазифани бажариш учун шу кунларда зарур чоралар кўрилиб, белгиланган жойларда каналлар ва бошқа ишлар охирига етказилмоқда.

Бу ишларда Абдуғани Исоқов, Муҳиддин Турдиев, Қаҳрамонжон Охунов, Лиана Гуллина, Зарифжон Матмусаев каби экскаваторчи, бетончи, иш бошқарувчи ва ҳисобчилар иш самарадорлиги бўйича ҳамкасбларига ибрат бўлмоқдалар.

Давлат дастурлари бўйича Фарғона вилоятида
2022 – 2026 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган
ишларнинг ўз муддатида бажарилиши учун
“Фарғонамахсуссупудрат” корхонаси
ишчи-хизматчиларининг зиммаларида ҳам катта масъулият
турибди. Яъни, вилоятнинг иккита туманида қад ростлаётган
“Янги Ўзбекистон” массивларида ирригация ва мелиорация
ишларини талаб даражасида бажариш, келгусида ана шу
жойларда бу борада муаммолар бўлмасликка эришишдир.



“ФАРҒОНАМАХСУССУВПУДРАТ” МЧЖ

Асосий мақсад – кўркамлик яратиш

Ярим тунда тинимсиз жиринглаган телефон овозидан сесканиб уйғонган Аҳрорбек Ибрагимов, “Ким бўлди экан?” дея гўшакни оҳиста кўтарди. Қўнғироқ қилган киши ўз ходими эканини билгач, бироз тинчлангандан сўнг:

– Нима гап, тинчликми, шу пайтда қўнғироқ қилишингизнинг сабаби нима? – дея сўради ҳалигача ҳаяжонини босолмай.

– Аввало, минг бор узр, вақт кутиб турмагани учун қўнғироқ қилавердим. Сабаби, ўзимга бириктирилган объектда тунги смена курувчиларининг ишларини бир кўриб қайтай, деган мақсадда келган эдим. Улар назоратчи йўқлигидан фойдаланиб, кўп қаватли бинонинг учинчи қаватини лойиҳада кўрсатилгани сингари бажариш ўрнига, ўзларича, ўзгартириш киритаётган экан. Бу ноқонуний ишни тўхтатишга ҳаракат қилиб кўрдим, вақти келиб ташвиш келтиришини тушинтирдим, бироқ ўз билганларидан қолишмаяпти, – деди ушбу бинонинг лойиҳа муаллифи Иқболжон.

Аҳрорбек шу заҳотиёқ апил-тапил кийиниб, айтилган манзилга етиб борди. Ростдан ҳам курувчилар ишни осонлаштиришни кўзлаб хатоликка йўл қўйишган, лойиҳада кўрсатилганлар мутлақо ўзгартирилганди. У дарҳол ишни тўхтатиб, буюртмачини топтирди ва шартнома шартлари бўйича лойиҳада белгиланган ҳар қандай нарсага ўзгариш киритиш аввалида ўзаро келишилиши назарда тутилганини эслатди ва ноқонуний амалга оширилган ишни буздириб ташлатди.

“FARG’ONA LOYIHA QURILISH TA’MIR-LASH” масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти тўғрисида батафсил тўхталиш аввалида мазкур мисолга эътибор қаратганимиз бежизга эмас. Чунки ҳозирги кунда ана шу вилоят ҳудудларида саксондан ортиқ турдош корхоналар бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига ҳисса қўшишмоқда. Улар орасида чизган лойиҳалари билан водий вилоятлари орасида обрў-эътибор қозонганлари бармоқ билан санарли. Мазкур корхона ташкил қилинганига унча кўп бўлгани йўқ, бироқ қисқа вақт оралиғида айнан шундай эътирофга муяссар бўлганлардан бири.

Ютуқларга эришиш замирида бунёдкорлик ишларининг асосини яратувчи тажрибали лойиҳа ижодкорлари жам-



лангани ва ўз соҳасини пухта ўрганиб, катта тажриба тўплагани ҳамда корхона раҳбарининг савий-ҳаракати натижасида зарур асбоб-ускуналар билан таъминлагани туради. Ана шундай имкониятлар жамоа ёшларини (айни пайтда ташкилотда 40 нафардан ортиқ ёшлар ишлайди) изланишлар қилиб, бири иккинчисини такрорламайдиган замонавий лойиҳалар тайёрлашларига йўл очиб берди. Уларнинг меҳнатлари самараси Фарғона вилоятининг барча шаҳар ва туманларида қурилган, шу кунларда ҳам жадаллик би-


лан қад ростлаётган турли кўринишдаги бинолар, кўчалар, ижтимоий объектлар ва ободонлаштириш ишларида яққол кўзга ташланиб турибди.

Жумладан, вилоят марказида қад ростлаган Халқ қабулхонасининг биноси, Темурийлар мактаби, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида бунёд этилган Ўзбекистон Республикаси Асаричилар уюмлари бинолари, Марғилон шаҳри ҳамда вилоятдаги барча туманлар марказида фаолият юритаётган Ҳунармандлар маркази, шунингдек, “Обод қишлоқ”,

“Обод маҳалла” дастурлари бўйича ҳудудлардаги 40 дан ортиқ кўчалар, қишлоқлар, 50 дан ортиқ ижтимоий объектлар лойиҳа ижодкорлиги соҳасида катта тажрибага эга аҳил жамоанинг фуқароларимиз обод турмуш кечиришлари йўлида қўшаётган ҳиссаларидир.

Халқимизда, “Қоғоздан иморат қуриб бўлмайди”, деган гап бор. Бунинг маъноси шуки, қоғозда чизилгани билан у амалиётда қўлланилмаса, чанг босиб ётади, ҳеч нарсага ярамайди. Жамоа аҳли корхона ташкил қилинган кундан бошлаб мана шу ақидага жиддий эътибор бериб, бизнес-режада ҳам алоҳида банд билан белгилаб қўйган ва ҳар бир ижодий маҳсулот қурилишда қўлланилиши даврида уни муаллифлик ҳоқидалари асосида охиригача назорат қилиб борапти. Ана шу тартиб иш жараёнига айлангани учун корхонада тайёрланган бирорта ҳам лойиҳа бўйича буюртмачи ёки бошқа дахлдор ташкилотлардан эътирозлар бўлмаганининг ўзи жамоанинг меҳнатларига берилган муносиб баҳодир.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифи чоғида бошқа соҳаларда олиб борилаётган янгиланишлар баробарида шаҳар ва туманлардаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечираркан, “Фарғона, юртимиз гавҳари” деб эътироф қилганича бор. Чинданга, бу ерда қилинаётган барча ишлар асрлар билан бўйлашмоқда, халқимиз қаторида хориждан ташриф буюраётган сайёҳларни ҳам лол қолдираётгани бор гап. Мана шундай эътирофларга муносиб ишларнинг бир бўлагида “Фарғона лойиҳа қурилиш-таъмирлаш” МЧЖ жамоасининг ҳам ҳиссаси бор. Президентимизнинг Фарғона халқи ва бунёдкорларининг жасоратли меҳнатларига берган баҳоси шу кунларда уларни янада ташаббуслар кўрсатишга чорламоқда. Мазкур лойиҳа ташкилоти айни пайтда 20 дан ортиқ янги лойиҳаларни тайёрлаб, улар бўйича бунёд этиладиган объектлар келгусида вилоят кўркига янада кўрк қўшиши турган гап. Зеро, кўплар қаторида аҳил жамоанинг асосий мақсади ҳам айнан шундай.



Сирдарё вилоятидаги «СОБИРЖОН ДАВРОНЖОН ҲАМКОР» МЧЖ

**АЗИЗ ҚУРИЛИШ
СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИ!**

Барчангизни
касб байрамингиз
билан табриклаб,
эзгу фаолиятингиз
ва шахсий ҳаётингизда
янги ютуқ ва омадлар
тилаймиз.

БАЙРАМ МУБОРАК БЎЛСИН!

Унитар корxonанинг кеча ва бугуни

– Мустақилликка эришганимизга ўттиз йилдан ошди, у турмуш тарзимиз, ҳаётимиз ва фаровонлигимизни қанчалик даражада ўзгартириб юборганини жиддий ўйлаб кўрмасдан, баъзи жузъий камчиликка рўбару бўлганида уни ўзи ҳал этиш ўрнига, айрим одамларнинг нолиётгани қулоққа чалиниб қолади. Шундай вақтларда “Эҳ ношукр банда, дорилмон кунларда яшайсан-у, ёшинг бир жойга бориб қолишига қарамай, ҳануз унинг мазмун-моҳиятига етмабсан”, дегим келади, – деди Урганч шаҳридаги “Жанубгаз бутлаш ва қурилиш қурилмалари” унитар корхонаси темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корxonанинг бош ҳисобчиси Кўпалбой ака. – Ростдан ҳам, бошдан дўппини олиб, фикр юритадиган бўлсак, ўша даврда қандай турмуш кечиргандик, ишлаб чиқариш тармоқларидаги аҳвол қай даражада эди, муҳтожларни турар жой билан таъминлашга бирор киши эътибор қаратганмиди, аксинча, сал-пал кўзга кўринарли иморат қурган киши текширувлар ва савол-сўроқлардан боши чиқмасди.

Бугунги кунда, кўз ўнгимизда шаҳар ва қишлоқларимиз жамоли тубдан ўзгар-япти, замон талаблари даражасидаги кўп қаватли уйлар қурилиб, муҳтожларга берил-япти. Янги ишлаб чиқариш корxonалари, кичик цехлар бунёд этилиб, ишсиз-лик муаммосига чек қўйилмоқда. Ўша даврларда кам таъминланган, боқувчи-сини йўқотган ва қарамоғида бирон-бир яқини йўқ кишилар ҳам жамиятда ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшаши тўғрисида бирор кимса ўйлаганмиди? Шу сингари фикрлар хаёлдан ўтганда “Ким эдигу, ким бўлдик”, деб шундай кунларга етказгани-га шукроналар айтаман.

Жамиятимиз бўғинларида ҳар сония-да бўлаётган ўзгаришларни ўзим узок йиллардан буён меҳнат қилаётган корхона мисолида таққослагим келади. Ўша кезларда ташкилотимизнинг номи улуғ бўлгани билан ишлаб чиқариш салоҳияти анча чекланган, қурилишбоп маҳсулотларнинг кўпгина хомашёси бошқа жойлардан олиб келинарди. Бу эса, ушовидан тушови қиммат, деганларидек, тайёр маҳсулот даражасига етказишда таннарх ошиб кетар, бунинг таъсири туфайли вилоят миқёсида узок борса, йилига 5-6 та иншоот қурилар, айримлари эса материалларнинг қимматлигидан йиллар давомида чалакам-чатти бўлиб ётарди.


Мана шундай даврларда ҳам сабр-тоқат билан меҳнат фаолиятини тўхтатмасдан, келажакка умид-ишонч билан қараган жамоа бугунги кунда орзу-ниятларига эришгандан фахрлиниб, нафақат Урганч шаҳрида, балки республикамиз жанубидаги кўплаб шаҳар ва туманларда бунёд этилаётган турли кўринишдаги иншоотлар, мактаб, боғча, йўллар ҳамда ишлаб чиқариш корxonалари учун шартномалар бўйича плита, бетон ва темир-бетон сингари бир неча турдаги қурилишбоп маҳсулотларни етказиб бермоқда.

Айтиш жоизки, корxonанинг бугунги даражага эришиши осон кечмади. Ишлаб чиқариш ташкилотларини модернизациялашга қаратилган қонунлар ташкилот раҳбари Р. Абдуллаев, иқтисодчиси С. Турниязов, бош муҳандис ва бошқа фидойи кишилар учун асосий дастуруламал бўлди. Ташкилот унитар корхона сифатида фаолиятини бошлаши билан биринчи навбатда ўз муддатини аллақачонлар ўтаб, яроқсиз ҳолга келиб қолган техника ва технологияларни янгилашга эътибор қаратди. Бу борада қанча маблағ зарур бўлса, аялмади. Шу билан бирга, ишчи-ходимлар замонавий технологияларни бошқариши учун улар қайта тайёргарликдан ўтказилди. Маҳсулот чиқарила бошланган дастлабки кундан уларнинг сифатини яхшилаш масаласи назоратга олинди.

Ана шу ишлар тўла шакллантирил-гач, тайёрланаётган маҳсулотларга талаб ҳам шунга лойиқ бўлди. Вилоятдаги қурилишга ихтисослашган корxonалар қаторида, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро вилоятидаги туман ва шаҳарлардан ҳам буюртмалар туша бошлади. Бунинг сабаби тайёрланаётган маҳсулотларнинг фақат сифати яхшилиги эмас, балки уларнинг арзонлиги ҳам эди.

Жамоа аҳли шимолнинг совуқ шиддати ва жазирама иссиғига қарамай фидойилик билан қилаётган меҳнатлари натижасида бугун корхона тўла-тўқис қаддини тиклаб олди. Яқунланган йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 6 млрд сўмдан зиёдни ташкил қилиб, уларнинг ўртача таннархи бир сўмлик харажатдан 94 тийинга тушган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида чиқаётган маҳсулотлар бундан ҳам арзонлашиб, режа 122 фоизга бажарилди, соф даромад ҳам шунга яраша бўлди. Бу кўрсаткичлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, ислохотлар бераётган имкониятлар бошқалар сингари, бу ерда меҳнат қилаётган ишчиларни ҳам эртамик янада порлоқ бўлиши, фуқароларимиз бугундан кўра, эртага яна ҳам яхши яшашлари учун изланишлар сари ундаётгани барчамизга ибратдир.

Ташкилот унитар корхона сифатида фаолиятини бошлаши билан биринчи навбатда ўз муддатини аллақачонлар ўтаб, яроқсиз ҳолга келиб қолган техника ва технологияларни янгилашга эътибор қаратди. Бу борада қанча маблағ зарур бўлса, аялмади. Шу билан бирга, ишчи-ходимлар замонавий технологияларни бошқариши учун улар қайта тайёргарликдан ўтказилди. Маҳсулот чиқарила бошланган дастлабки кундан уларнинг сифатини яхшилаш масаласи назоратга олинди.



Барча қурувчиларни, лойиҳачи ва меъморларни
Ўзбекистон Республикаси
қурилиш соҳаси ходимлари кунини
билан муборакбод этамиз.

“ЖАНУБГАЗ БУТЛАШ ВА ҚУРИЛИШ ҚУРИЛМАЛАРИ” УК

Юртимизнинг янги қиёфасини яратаётган жамоа



Буларнинг барчаси заҳматкаш бунёдкорлар билан бир қаторда маҳоратли лойиҳачиларнинг ҳам хизмати эканини таъкидлаш ўринлидир. Зеро, пухта лойиҳа ҳамisha мустақкам ва иморат асоси бўлиб ҳисобланган.

2018 йилдан буён пойтахтимизда фаолият юритиб келаётган “Orginal” МЧЖ лойиҳа ташкилоти ҳам бугун соҳада ўз услуби ва имижини яратиб улгурган, десак муболаға бўлмайди. Айни пайтда 25 нафар малакали мутахассислардан иборат жамоа юртимиздаги қатор ижтимоий объектлар ва турар жойлар қиёфасини яратишга ҳисса қўшиб келяпти.

Албатта, ҳеч ким ўз-ўзидан зўр архитектор ёки моҳир қурувчи бўлиб қолмайди. Бу соҳанинг ўз усталари бўлиб, улар олий таълим муассасаларида ўқиётган ёки эндигина битириб келган ёшларга ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, касбнинг сир-асрорларини ўргатишади. Азалдан қадрият саналган бу устоз-шогирдлик анъанаси “Orginal” МЧЖ жамоасига ҳам бегона эмас.

Жамоадаги мутахассисларнинг аксарияти Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Турин политехника институтининг битирувчилари ҳисобланади. Қолаверса, айни пайтда ТАҚИда таълим олишни давом эттираётган олти нафар талаба ҳам иш билан таъминланган. Улар дарсдан кейинги вақтидан унумли фойдаланиб, лойиҳалар юзасидан тақлифлар ишлаб чиқишда фаол иштирок этиб келмоқда. Талабалар институтни битиргунларича бемалол тайёр кадр бўлиб етишадилар. Ташкилотда уларнинг ўз лойиҳа ва тақлифларини ишлаб чиқишлари учун барча керакли шароит ва қулайликлар яратилиб, мутахассислар замонавий компьютерлар, “AutoCAD” ва “3dsMax” каби дастурлар ёрдамида лойиҳа тақлифларини тайёрлашади. Лойиҳа қийматлари ва иш турини ишлаб чиқишда эса “ABC” ва “TNqurilish” дастурларидан фойдаланилмоқда.

Дарҳақиқат, яқиндагина Президентимиз раислигида ўтказилган архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик масалалари бўйи-

ча видеоселектор йиғилишида ҳам соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини ўзгартириш лозимлиги таъкидланиб, бу борада бир қатор вазифалар белгилангани бежиз эмас. Хусусан, йиғилишда Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти фаолияти трансформация қилиниб, уларга академик ва молиявий мустақиллик берилиши таъкидланди. Энди Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти урбанизация, архитектура, дизайн, маданий мерос объектлари тиклаш, Тошкентдаги институт эса муҳандислик, архитектура, қурилиш ва қурилиш материаллари технологиялари, рақамли қурилиш йўналишларига ихтисослашади. Талабалар етакчи лойиҳа-қидирув институтлари ва қурилиш кластерларига бириктирилади. Ушбу икки олийгоҳда жорий йилнинг 1 сентябрдан халқаро таълим дастурлари асосида ўқитишни йўлга қўйишга кўрсатма берилди.

Демак, келгусида нафақат қурилиш соҳаси, балки архитектура, айнан лойиҳачилар фаолияти ҳам замонавий билимларни пухта эгаллаган кадрлар билан таъминланади. Бу эса юртимиз қиёфаси янада янги имижда яратилиши учун асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Кимгадир баҳо бериш керак бўлса, энг биринчи навбатда унинг бажарган амалларига эътибор қаратамиз. Сўнгги йилларда барча ҳудудларда барпо этилган бир-бирдан ажойиб иншоотларга қараб, буларнинг лойиҳалари қайси ташкилот ёки қайси архитектор томонидан яратилгани ҳақида ўйлаймиз. Чунки бугун архитекторларимиз томонидан яратилаётган лойиҳалар аввалгидек бир-бирини такрорлаб турувчи бир хил иморатлар эмас-да.

Шу боис, “Orginal” МЧЖ мутахассислари томонидан яратилган объектлар орасида пойтахтимизга чирой бағишлаб турган иншоотлар ҳам талайгина. Жумладан, 2021 йилда Олмазор туманидаги Қариялар уйига қўшимча бино, Шайхонтоҳур туманидаги Бандликка кўмаклашиш маркази

Бундан ўн йиллар илгари қурилган уй-жойлар билан юртимизнинг бугунги қиёфасини асло солиштириб бўлмайди. Бир пайтлар хориж фильмларидагина кўрган ажойиб қиёфадаги бинолар бугун Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудларида қад ростламоқда. Биргина мисол, “Tashkent city” ёки унинг ҳудудидаги “Hilton” меҳмонхонаси биносини оладиган бўлсак. Атиги беш йил олдин ҳам ким ўйлабди пойтахтда шундай ажойиб мажмуа қурилади деб. Аммо бугун бунга ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз.



150 ўринли замонавий боғча



Республика пансионати



Bukhara city

биноси лойиҳалари яратилган. Сергели туманидаги Спутник-5 мавзесида 11 қаватли турар жой биноси лойиҳаси ҳам ўтган йили яратилган бўлиб, айни пайтда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Тошкент вилоятида қурилган маҳалла маркази биноси лойиҳаси ҳам 2021 йилги ижод намуналаридан ҳисобланади.

Бу йилги лойиҳалар ҳақида гапирадиган бўлсак, 2022 йил ҳам жамоа учун баракали бошланди. Хусусан, Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида шу йилнинг май ойида фойдаланишга топширилган “Дўстлик уйи” ҳамда Бухоро шаҳрида қурилаётган “Bukhara city” мажмуаси таркибидаги меҳмонхона ва савдо марказининг лойиҳаси ҳам жамоа меҳнатининг маҳсулидир. Шунингдек, Юнусобод туманидаги 4-сонли фтизиатрия диспансери ва Чилонзор туманидаги 7-сонли мак-

табгача таълим ташкилоти биносининг реконструкция ишлари ҳам “Orginal” МЧЖ лойиҳалари асосида олиб борилаяпти.

Айни пайтда “Orginal” МЧЖ мутахассислари пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида қурилаётган Президент мактаби лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан банд. Лойиҳага кўра, 672 ўқувчига мўлжалланган мактабнинг ўқув хоналари барча зарур жиҳозлар билан таъминланиши кўзда тутилган. Лойиҳада ўқув режаси, ўқув дастури, ўқув синфларининг таркиби ва ҳажми ҳам ҳисобга олинган. Синф хоналари ва махсус фан кабинетлари юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган меҳнат ва техникалар билан тўлиқ таъминланиши белгиланган.

Мактаб биноси дизайни Шаҳарсозлик норма ва қоидаларига мувофиқ (ШНҚ 01-04) “Ўрта

мактаблар ва мактаб-интернатлар” қоидалари асосида яратилган. Лойиҳанинг технологик қисми топшириқ асосида ишлаб чиқилган бўлиб, усқуналар ўқув режаларининг бажарилишини таъминловчи комплект сифатида қабул қилинади. Мактаб 5-11 синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, бинода 24 ўринли 16 та ўқув хонаси мавжуд.

Шунингдек, 360 ўринли ошхона, спорт зали, ўқув-лаборатория хоналари, мажлислар зали, ўқитувчилар хонаси, директор хонаси, қабулхона, кутубхона ҳам лойиҳаланган. Буюртмачи Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси ҳисобланади.

Жамоа мутахассисларининг айтишича, ҳар қандай лойиҳа энг аввало, пухта ўрганиш ва изланишлар натижасида яратилиши керак. Шу боис, лойиҳага буюртма олинган, энг аввало, объект синчковлик билан ўрганиб чиқилади. Масалан, баланд қаватли бино қурилиши лозим, аммо унинг атрофидаги иморатлар бир қават бўлса, бу вазиятда буюртмачи билан келишган ҳолда, Шаҳарсозлик норма ва қоидаларига мувофиқ лойиҳага бошқа ечим топилади.

– Асосан, замонавий қурилиш материалларидан фойдаланиб, бино ва иншоотлар учун сифатли, мустақкам ва арзон лойиҳалар яратишга ҳаракат қиляпмиз, – деди жамият раҳбари Жавоҳир Жўрабоев. – Бугун юртимизда илгари фақат хориждан топиб олиб келиш мумкин бўлган қурилиш материалларининг деярли барчаси ишлаб чиқариляпти. Қолаверса, замонавий энергиятежамкор материалларни қўллаган ҳолда лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш давр талаби эканлигини юртбошимиз ҳам маърузаларида кўп такрорлайди. Шу боис, ишлаб чиқилаётган лойиҳа ҳужжатларида фақатгина маҳаллий қурилиш маҳсулотларидан фойдаланилмайди. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Мени бу соҳага қизиқтирган ҳам, эришган барча ютуқларимнинг асосий сабабчиси ҳам устозим – Орифжон Жўраевдир. У кишидан архитектура ва лойиҳалаш соҳасида ўрганганларим бугун фаолиятимда асқатмоқда.

Юртимизнинг янги қиёфасини яратишга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган ушбу лойиҳачилар жамоасининг кейинги ишларига муваффақият тилаб қоламиз. Касб байрамингиз муборак бўлсин!

ТЕХНОПАРК – бунёдкорларга мададкор

Бугун ўзбек брендлари остида жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган миллий маҳсулотлар билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Ана шундай маҳсулотларни яратишда сифат ва сон жиҳатдан ҳам юртимизда етакчи ўринда турувчи корхоналардан бири бу – “ТЕХНОПАРК” МЧЖдир.



ТЕХНОПАРК – 2019 йилдан буён таркибидаги мавжуд йирик корхона ва заводларда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали Ўзбекистон номини дунёга танитишга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатда юқори технологиялар, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи саноат, электротехника ва қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича топширигининг амалий ифодаси ҳисобланган ТЕХНОПАРК 105 гектар майдонда қурилган. Режага кўра, 17 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Бор-йўғи 3 йил мобайнида 13 та катта завод фаолияти йўлга қўйилиб, айна пайтда йирик ҳажмдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш авжиди.

Энг асосийси, яратилаётган ҳар бир маҳсулот халқаро ва маҳаллий сертификатларга эга. Шу боис, барча маҳсулотлар рақобатбардош бўлиб, айна пайтда дунёнинг бир қатор давлатларига ҳам экспорт қилиняпти. Хусусан, бир неча турдаги лифтлар, саноат совутиш тизимлари, ақлли газ ҳисоблагичлар, иситиш тизими радиаторлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, ТЕХНОПАРКда сервис маркази фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, ҳар бир маҳсулотга тегишли кафолат муддати белгиланган. ТЕХНОГАРАНТ маркази доимий равишда юқори сифатли сервис хизмат кўрсатишга шай.

ТЕХНОПАРКда айна пайтда қуйидаги маҳсулотлар бир қатор брендлар остида ишлаб чиқарилмоқда:

- + металл конструкциялар (“AVANT” бренди);
- + PIR қатламли сендвич панеллар (“AVANT” бренди);
- + лифтлар ва эскалаторлар (“OSTEN” бренди);
- + саноат совутиш тизимлари ва кондиционерлар (“SHIVAKI” бренди);
- + сув насослари (“LEO” бренди);
- + панел радиаторлар (“LIDER” бренди);
- + электрон газ ҳисоблагичлар (“OSTEN” бренди);
- + эшик ва дераза ромлари учун фурнитура ва аксессуарлар;
- + штамплар ва пресс-формалар (“ТЕХНОМOLD” бренди);
- + маший совутгичлар (“SAMSUNG” бренди);
- + саноат музлатгичлар ва савдо совутгичлари (“SHIVAKI FRIGO COOL” бренди);
- + кир ювиш машиналари (“SHIVAKI”, “SAMSUNG”, “ARTEL” брендлари);
- + мис қувурлар ва мис маҳсулотлари ишлаб чиқариш (“UZCOPPER” бренди).

Шунингдек, ТЕХНОПАРКда қўйма чўян ва алюмин маҳсулотлари, бўяш линиялари ва полимер маҳсулот-

лари ишлаб чиқариш бўлимлари фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Шу йилнинг сентябрь ойида яна учта янги лойиҳа ишга туширилиши режалаштириляпти. Булар – газ қозонлари (“ФЕРРОЛИ” бренди, Италия), базалт тошидан иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ҳамда HPL панеллари. Қолаверса, тўлиқ автоматлаштирилган логистика маркази ҳам ташкил этилиши кўзда тутилган.

Корхонанинг яна бир муҳим хусусияти шуки, бу ерда Марказий Осиёда ягона бўлган лифтларни махсус тестдан ўтказувчи 60 метрли синов минораси мавжуд. Ушбу минорада масалан, юк ташувчи лифтлар маълум миқдордаги юкларни ортиш орқали халқаро стандартларга мувофиқ синовдан ўтказилиб, махсус сертификат берилади. Шунингдек, эскалаторлар ҳам Марказий Осиёда фақатгина шу ерда – OSTEN бренди остида ишлаб чиқарилади.

Юқорида ТЕХНОПАРК универсал маҳсулотлар макони, дея бежиз таърифламадик. Боиси, ундан енгил конструкцияли бинолар учун лойиҳа ишлаб чиқаришга рухсат берувчи лицензиядан тортиб, то бино ишга тушгунча бўлган барча маҳсулотларни топиш имкони мавжуд. Масалан, бир мижоз завод қуриш ниятида мурожаат қилди. ТЕХНОПАРК унга лойиҳани ишлаб чиқиб, металл конструкциялар ёрдамида бино каркасини кўтариб, энергия тежамкор маҳсулот сифатида сендвич панеллар билан деворини қоплаб беради. Сўнгра, сув учун насос, иситиш қозонлари ва радиаторлари, совутиш ва иситиш тизимлари, лифт билан таъминлаш имконига ҳам эга.

Демак, ТЕХНОПАРК ёрдамида ҳар қандай мурожаатга комплекс ечим топиш мумкин.

– Фурсатдан фойдаланиб, Янги Ўзбекистоннинг барча қурувчиларини касб байрами билан табриклаймиз. ТЕХНОПАРК маҳсулотлари айна пайтда юртимиз ва хориждаги турли йирик объектларда ўрнатилгани ва йирик қурилиш майдонларида ишлатилиши бизга фахр бағишлайди, – деди жамоатчилиги ва ОАВ билан алоқалар бўйича директор ўринбосари Наргиз Шоисламова. – Хусусан, “OSTEN” бренди остида ишлаб чиқарилаётган лифтларимиз “IT-PARK”, “MAGIC CITY”, “OLMAZOR CITY”, Технопарк, “Эко бозор”, Фарғона вилоятидаги “GREAT SILK ROAD” меҳмонхонаси, турар жой комплекслари, Мудофаа вазирлиги госпитали, Наманган вилоятидаги кутубхонада ўрнатилган. Бундан ташқари, “AVANT” бренди остида яратилаётган металл конструкциялар, “LEO” сув насослари, “OSTEN” газ ҳисоблагич ҳам юртимиздаги кўплаб йирик объектларда ишлатилмоқда. “SHIVAKI” бренди билан яратилаётган саноат ва ярим саноат совутиш тизимлари Темирийўлчилар санъат саройи, кафе

ва ресторанлар, Миллий банкнинг Наманган филиали ва мономарказда, Андижондаги кўнгилочар савдо марказида, “Akfa” университети ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг янги қурилган биноларида ишлаб турибди.

Ҳозирда ТЕХНОПАРКда фаолият юритаётган беш ярим минг нафар ишчининг 70 фоизи ёшлардир. Улар орасида хориж давлатларининг йирик компанияларидан, жумладан, Туркия, Хитой, Россия, Италия ва Жанубий Кореядан келган мутахассислар ҳам бор. Улар ТЕХНОПАРК ходимларига иш ўргатиб, маҳсулотни яратиш технологияси билан батафсил таништирмоқда.

Металл конструкциялар заводи



Лойиҳа 2021 йилнинг апрель ойида ишга туширилган. Ишлаб чиқариш қуввати йилига 12 минг тонна. Ишлаб чиқариш майдони 24 минг квадрат метрни ташкил қилади. Иш ўринлари 250 та. Корхонада конструкцияларнинг LSTK, PSPK, QMK турлари ишлаб чиқарилади.

LSTK – енгил пўлатдан ишланган юққа девор тузилмаси. Бу маҳсулот 1,5 дан 3,5 мм гача қалинликдаги рух билан қопланган пўлат профиллардан ташкил топган комплекс тизимдан иборат бўлган бино тузилмаларининг бир туридир. Улар ўзига хос енгил вазнга эга, логистикада транспорт ташиш-еткизиш ишларида қулай, профилларнинг геометрик ўлчамлари барқарор ва аниқ, осон монтаж қилинади.

PSPK – деворлар орасидаги бўшлиқни тўлдириш учун ишлатилади. Бу тизим ҳар қандай ҳажм ва муаммони ҳал қилишга имкон берувчи кенг шакланувчи қобилиятга эгалиги билан аҳамиятлидир. Мархи тизимлари (PSPK) аҳоли ва саноат ишлаб чиқаришида кенг қўлланади. Хусусан, улардан ангарлар ва бошқа мураккаб лойиҳалар қуришда фойдаланилади.

QMK – қора металл конструкциялар пайвандланган элементлар ва прокат профиллар асосидан иборат. Бу маҳсулот юқори мустаҳкамлик хусусиятига эга. Ушбу хусусияти пўлатнинг сифат даражасига боғлиқ бўлиб, оғир юкларга бардошлилик, механик шикастланиш ва бошқа ташқи таъсирларга чидаш хусусиятига эгалиги билан ажралиб туради. Шунингдек, мавсумий ўзгаришларга барқарор, осон ўрнатиш мумкин.

PIR қатламли сендвич панеллар заводи



Лойиҳа 2022 йил апрель ойида ишга туширилган. Ишлаб чиқариш қуввати йилига 1 000 000 квадрат метр. Айна пайтда лойиҳа доирасида 3 хил (қалинлиги 50, 75

ва 100 мм) сендвич-панеллар ишлаб чиқарилмоқда. Булар – том ёпиш, девор ва совитиш камералари учун мўлжалланган.

PIR сендвич панелларидан қурилган объектлар юқори даражадаги иссиқлик ва шовқин изоляцияси, намликка чидамлилиги билан ажралиб туради. Панелларнинг лаборатория ва техник синовлари материалнинг 150 даражагача бўлган ҳароратда ёнғинга чидамлилигини кўрсатади. Шунингдек, PIR сендвич панеллари юқори иссиқлик изоляцияси кўрсаткичи, механик бардошлиликнинг юқори даражаси, 50 йилдан ортиқ бўлган хизмат муддати, ўрнатиш осонлиги каби қўшимча қулайликларга эга.

ТЕХНОПАРКда ишлаб чиқарилаётган PIR панеллари қишлоқ хўжалиги объектлари, ишлаб чиқариш ва оморхоналар, савдо майдончалари, станция мажмуалари, фармацевтика sanoати учун бинолар, спорт иншоотлари ва музлатгичлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.

Корхона Италиянинг "Ekosystem" компаниясининг замонавий ва тўлиқ автоматлаштирилган ишлаб чиқариш линияси билан жиҳозланган. ТЕХНОПАРК объектларни лойиҳалаштириш бўйича ҳам сертификатга эга бўлиб, "AVANT" металл конструкцияларини ишлаб чиқариш билан бирга ҳар қандай мураккабликдаги объектни қуриш учун ўз ҳиссасини қўшишга тайёр.

"OSTEN" лифт ва эскалаторлар заводи



Лойиҳа 2021 йилнинг сентябрь ойида ишга туширилган. Заводнинг қуввати "OSTEN" бренди остида йилига 2 000 та лифт ва 500 та эскалатор ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Европа стандартларига тўлиқ жавоб беради ҳамда энергия тежамкор ҳисобланади. Ўзбекистонда илк бор автоматлаштирилган ва роботлаштирилган линияларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, ва бошқа Марказий Осиё ва МДХ давлатларига экспорт қилинмоқда.

Дунёнинг етакчи лифт ва эскалатор ишлаб чиқарувчи "Shanghai Mitsubishi" компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу заводда энг илғор, замонавий технология ва ускуналар ўрнатилган. Лифт эшикларни роботлаштирилган тарзда "Auto door line" автоматик равишда ишлаб чиқариш линиясида тайёрланади. Заводда лифтларнинг йўловчи ташувчи, касалхона учун, юк ташувчи ҳамда панорамик турлари ишлаб чиқарилади.

Қолаверса, завод ҳудудида замонавий синов маркази ҳам ташкил этилган. Бу маҳсулотни синовдан ўтказиш ва сертификатлашга мўлжалланган. Синовларни лифт ускуналари билан шуғулланадиган ва натижаларнинг объективлиги учун масъул бўлган техник жиҳатдан малакали лаборатория ходимлари амалга оширадидлар. Текшириш тугагандан сўнг, лифтни техник ҳолати ва унинг Ташкилот Стандарти (TS), Давлат Стандарти (ГОСТ) ва Европа EN стандартларининг талабларига мувофиқлиги тўғрисида баённома тузилади.

"OSTEN" лифтларга масофадан бошқариш имкониятларига эга бўлган замонавий диспетчерлик хизматини ҳам кўрсатади. Бу хизматнинг афзаллиги, лифт кабинаси ички бошқарув панелидаги махсус тугмани босиш орқали диспетчерлик марказига 24/7 реал режим форматда боғланиш мумкин. Лифт кабиналарида ўрнатилган видеокамералар йўловчига қўшимча қулайлик яратади. Бу реал режимдаги видео ёзув бир ой мобайнида махсус серверларда сақланади. Диспетчерлар лифтларни масофадан бошқаришни ҳам амалга оширадидлар. Масалан, улар лифтни ёқишлари ёки ўчиришлари, эшикларини очишлари ёки ёпишлари ҳамда бошқа қаватга йўналтиришлари мумкин. Йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида 22 тилда овозли хабар бериш тизими мавжуд.

"SHIVAKI" sanoat совутиш тизимлари ва кондиционерлар заводи



SHIVAKI бренди энг замонавий технологияларни тақдим қилади. Лойиҳа 2020 йилнинг ноябрь ойида ишга туширилган. Sanoat ҳаво кондиционерлари ва совутиш тизимларини ишлаб чиқариш бўйича режалаштирилган ишлаб чиқариш қуввати бир йилда 80 000 донани ташкил этади.

Заводда иссиқлик алмашувчиларни ишлаб чиқариш участкаси, модулли чиллерларни йиғиш линияси, металл қисмларни бўяш линияси, кондиционерларни ички блокинни йиғиш линияси, кондиционерларни ташқи блокинни йиғиш линияси, сплит тизимли совутгичлар йиғиш линияси, AHU (Air Handling Unit) йиғиш линияси, металлга ишлов бериш участкаси, пенополиуретан қуйиш участкаси ҳамда иқлим (климатик) лаборатория мавжуд.

Ҳозирги кунда корхонада 8 хил турдаги маҳсулотлар, жумладан чиллер, фанкойл, марказлашган ҳаво кондиционерлари, совутиш агрегатлари, мульти-сплит кондиционерлари, канал ва устунбоп турдаги ҳамда кассетали кондиционерлар ишлаб чиқарилмоқда.

Масалан, устунли кондиционерлар унумдорлиги 24~100 BTU (British Thermal Unit) оралиғида. Ушбу турдаги кондиционер замонавий дизайн ва юқори функционалликка эга. Канал туридаги кондиционерлар унумдорлиги 18~100 BTU оралиғида. Уларнинг афзаллиги уй, ишхона ёки офисни бир маромда совутиш ёки иситиб бериш қуввати мавжудлигидир. Кассетали кондиционерлар унумдорлиги 24~60 BTU оралиғида. Улар кам шовқинда ишлаши, юқори унумдорлиги ва ҳаво оқимини ҳамма йўналишларда бир хил миқдорда тақсимлай олиши билан фарқланади. Мульти-сплит кондиционерларнинг ташқи блок унумдорлиги 18~42 BTU оралиғида. Бу турдаги кондиционерларнинг афзаллиги турли хил ички блоklar билан мутаносиб ишлай олиш қобилиятидир. Чиллерларнинг унумдорлиги 65~440 кВт бўлиб, асосий афзалликлари иссиқликни тўлиқ қайта тиклаши, хизмат кўрсатишга қулайлиги, атроф-муҳитга зарарсизлигидир. Фанкойллар унумдорлиги 1,3~15 кВт оралиғида. Чиллер-фанкойл тизимидаги элементлар орасидаги масофа анча узунлиги ушбу қурилмаларни исталган жойга ўрнатиш имконини беради. AHU (Air Handling Unit) унумдорлиги 1500~15000 м³/с оралиғида бўлиб, бу қурилмалар тиббиёт, фармацевтика ишлаб чиқаришида, нисбатан катта майдонларни тоза ҳаво билан таъминлашда кенг қўлланилади. Совутиш агрегатлари унумдорлиги 1,7-39.6 кВт оралиғида. Ушбу қурилмалар ёрдамида мева ва сабзавотларни узоқ муддатга сақлаш имкони мавжуд.

"LEO" сув насослари заводи



Лойиҳа 2020 йилнинг ноябрь ойида ишга туширилган. Ишлаб чиқариш қуввати 550 000 донани ташкил этади. Сув насослари тоза сув ёки шунга ўхшаш физик ва кимёвий хусусиятларга эга бўлган бошқа суюқликларни ўтказиш учун мўлжалланган. Улар sanoat ва шаҳар сув таъминотида,

юқори қаватли бинолар ва ёнғиндан ҳимоя қилиш тизимлари учун мўлжалланган сув босимини оширувчи қурилмаларда, боғларни суғоришда, узоқ масофали сув ўтказмаларида қўлланилади.

Шунингдек, ушбу насослардан боғдорчиликда сувни қияликларга етказиб бериш учун ҳам фойдаланилади. Қудуқдан сувни кўтаришда, суғоришда, сув таъминоти тизимларида, турли хил ёрдамчи иншоотларда сув босимини оширишда ҳам бу насослар анча қулайлиги билан аҳамиятлидир.

"LIDER" панел радиаторлари заводи



Лойиҳа 2021 йилнинг апрель ойида ишга туширилган. Ишлаб чиқариш қуввати 640 000 донани ташкил этади. Лойиҳа доирасида 5 та модификациядаги радиаторлар ишлаб чиқарилади. Панел радиаторнинг афзалликлари юқори иссиқлик чиқиши (иссиқлик тарқалиши), ўрнатиш қулайлиги, турли хил конфигурация, чиройли ташқи кўриниши, кенг ассортимент ва ранглар палитрасига эгаллиги билан белгиланади.

Панел радиаторларнинг ранги ўрнатилиши мўлжалланган бино ички қисмига мос тушиши билан ҳам аҳамиятлидир. Бундан ташқари, радиаторни ички интерьер деталлари сифатида ҳам ишлатиш мумкин. Барча панеллар темир пўлатдан ишлаб чиқарилади ва технологик жараён бир неча босқичда амалга оширилади. Бу эса маҳсулот сифатини таъминлайди. Бугунги кунда панел радиаторлар Шарқий Европада, хусусан Руминияга, экспорт қилинмоқда.

"OSTEN" электрон газ ҳисоблагичлар заводи



Лойиҳа 2020 йилнинг февраль ойида ишга туширилган. Қуввати йилига 3 000 000 донани ташкил қиладиган заводда Италиянинг "Pietro Fiorentini", "Euro Impianti", "Motan" ва "Inotech" (Германия) корхоналари томонидан технологик жиҳозларнинг мувофиқлаштирилиши натижасида метрологик ва қиёсий ишлар олиб борилган. Заводда "Terranova" (Италия) компаниясининг дастурий таъминотидан фойдаланилади. "Ақлли" газ ҳисоблагичларни ишлаб чиқариш буйруғини 4 миллион донани қабул қилиш ва қайта ишлаш имконияти мавжуд.

"OSTEN" электрон газ ҳисоблагичлари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Озарбайжон давлат метрология хизматларининг тегишли экспертизасидан муваффақиятли ўтган. Ушбу экспертиза натижалари асосида "OSTEN" электрон газ ҳисоблагичлари давлат реестри таркибига киритилди. Бугунги кунда ушбу газ ҳисоблагичларни Россия Федерацияси ва Беларус Республикаси ўлчов воситаларининг давлат реестри ихтиёрига киритиш ишлари олиб борилмоқда.

Демак, ТЕХНОПАРК – 16 та ишлаб чиқариш объекти ҳамда логистика марказини бирлаштириб, маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқаришга йўналтирилган кенг турдаги sanoat, техник, электрон, қурилиш ва маиший маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёдаги энг илғор ва истиқболли корхона деган номга ҳар жиҳатдан муносибдир.

**Ўзбекистоннинг қурилиш соҳасидаги барча ходимларини
касб байрами билан табриклаймиз.
ТЕХНОПАРК – сиз билан ҳаммиша ҳамкорликка тайёр!**

“DIZAYN TARAQQIYOT” ХК – юртдошларимиз ишончини қозониб келмоқда

“DIZAYN TARAQQIYOT” хусусий корхонаси 2005 йил 26 октябрда ташкил топган. Корхона таъсисчиси ва директори Баҳодир ака қурилиш соҳасида катта тажрибага эга мутахассислардан. Объектдаги иш жараёнини кузатиб, Баҳодир акани “Қўли гул қурувчи”, “Ўз ишига виждонан ёндашадиган инсон”, “Ҳалол қурувчи” дея бежиз таърифлашмаганига амин бўлдик. Ташкил этилганидан буён корхона томонидан барпо этилган объектлар ўзининг сифати, пишиқ-пухталиги, мукамал лойиҳаси, кўрам кўриниши билан ажралиб туради.



– Корхонамиз айна пайтда Қурилиш вазирлиги томонидан жорий этилган рейтинг тизимида ВВ категорияни эгаллаб турибди, – деди Баҳодир Саматов. – Фаолиятимиз давомида турар жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини қуришдан ташқари, жорий ва капитал таъмирлаш ишлари билан ҳам шуғулланиб келямиз. Доимий ишчиларимиз 90-110 нафар бў-

либ, уларнинг 22 нафари олий маълумотли мутахассислардир. 90 фоиз ишчилар бизда доимий ишлайди, 10 фоизини эса шартнома асосида таклиф қиламиз. Корхона моддий-техник базасида автокран, юк машинаси, бульдозер, самосвал каби керакли техникалар мавжуд. Ўзимизда йўқларини шартнома асосида ижарага олиб ишлатамиз.

Қабул қилинган ҳар қандай лойиҳа устида дастлаб муҳандис-техник жамоа, яъни, ишлаб чиқариш муҳандислари – Ж. Бурханов, Б. Қодиров, директор ўринбосари Д. Бобоев, катта иш бошқарувчи Б. Жўраев, бош таъминотчи Н. Дадамирзаев, етакчи мутахассислар – сантехник А. Боймирзаев, бош энергетик М. Муҳитдинов, вентиляциячи О. Қаюмов билан биргаликда умумий муҳокама ўтказилади. Қурилишга жалб қилинадиган ишчилар, техникалар, ишлатиладиган қурилиш материаллари, қурилиш муддати, яъни, иш жадвали, техник ҳужжатлар узил-кесил ҳал қилингандан сўнг, иш бошланади ва лойиҳа ниҳоясига етгунига қадар давомли назорат остида бўлади.

Қурилиши 2019 йилда бошланган шаҳар клиник 1-сон шифохонасининг янги корпусидаги биринчи қаватда тўлиқ қабул бўлими бўлиб, унда раҳбар, шифокорлар ва лаборатория хоналари жойлашади. Шунингдек, шошилич равишда келтирилган беморларни қабул қилиш хонаси ва электрон база ҳам шу қаватда бўлиши лойиҳаланган. Бинонинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қаватлари палаталар учун мўлжалланган бўлиб, ҳар бир қаватда 30 тадан койка ўрнатилади. Бешинчи қават эса операция бўлими ҳисобланади. Бинонинг ертўла қисми ҳам мавжуд, унда гардероб, архив ва инженер-техник ходимлар учун хоналар мавжуд.

– 2014 йилдан буён корхонада ишлаб келяман, – деди иш юритувчи Шарофиддин Бобоев. – Мутахассислигим бўйича техник муҳандисман. Тошкент политехника институтининг Бино ва иншоотлар қурилиши факультетини тугатганман. Қурилишдаги фаолиятим оддий ишчиликдан бошланган бўлиб, бугунги кунда жамоадаги ёшларга билганларимни ўргатиб келмоқдаман. Ҳар бир объектада қурилишни бошлашдан

аввал унинг лойиҳаси билан батафсил танишамиз. Жамоамизда ҳар бир соҳанинг ўз усталари бор. Кимдир ғишт теришнинг ҳадисини олган бўлса, кимдир моҳир бетон қуювчи. Қолаверса, устоз-шоғирдлик анъанасини ҳам йўлга қўйганмиз. Ўз ишининг усталарига бириктирилган ёшлар ҳам тез орада яхши қурувчи бўлиб етишади. Битта бригадада камида 6-8 нафар ишчи-ходим бўлиб, улар ўзларига бириктирилган жамоа раҳбари билан ҳамжиҳатликда ишлашади.

Ибн Сино номли шаҳар 1-сонли клиник шифохонасининг барча корпусларини деярли “DIZAYN TARAQQIYOT” хусусий корхонаси қурувчилари қурган. Чунки 2011 йилдан буён шифохонанинг барча бўлимлари айнан шу корхона ишчи-ходимлари томонидан навбатма-навбат қайтадан бунёд этиб келинмоқда.

Айни пайтда даволаш корпуси билан бирга алоҳида бир қаватли бино қад ростлапти. Бу ерда рентген, МСКТ, МРТ, УЗД каби юқори кучлинишда ишлайдиган тиббий хоналар жойлашади. Бугун тиббиёт соҳасида ҳам кластер тушунчаси қўлланилмоқда. Муассасага қўшимча равишда барпо этилаётган ушбу бино ҳам ўз навбатида турли бўлимлардан келадиган беморлар навбат кутиб қолмаслиги ва бино ичида одам кўпайиб кетмаслигини олдини олади.

Ҳозирда шифохона қурилишида 146 нафар қурувчи ишляпти. Ишчилар махсус кийим, ётоқ ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Ҳар бир жамоа ўзига буюрилган ишни маромига етказмагунча тинчмайди. Хусусан, бир неча йиллардан бери ишлаб келаётган пардозчи Иброҳим Ваҳобов, кафелчи Носиржон Дадамирзаев, сантехник Ойбек Боймирзаев, электрик Дилмурод Муҳиддинов, ишчилар етакчиси Неъмат-

жон Даминов, пайвандчи, бетончи каби мутахассислар меҳнати туфайли неча йилдирки жамоа юртдошларимиз ишончини қозониб келмоқда.

Бугун юртимиз кўркига кўрк қўшиб турган юзлаб иншоотлар корхона ишчиларига нафақат кадрли, балки уларга чексиз фахр туйғусини ҳам бағишлайди. Хусусан, Юнусобод туманидаги 840 ўринли 98-мактабнинг капитал реконструкцияси, Чилонзор туманидаги “Метроқурувчи” спорт мажмуаси қурилиши, Тошкент тиббиёт академиясининг ўқув корпусини капитал таъмирлаш, Сергели туманидаги 7 қаватли турар жой бинолари ва 61-оилавий поликлиника қурилиши, Юнусобод туманидаги 56 ва 64-сонли оилавий поликлиникалар, Янги ҳаёт туманидаги 51-сонли мактабга таълим ташкилотининг барпо этилиши, Олмазор туманининг Нурафшон кўчаси, Себзор даҳасидаги 5 қаватли ҳамда Сағбон массивидаги 3 ва 7 қаватли турар жой бинолари шулар жумласидандир.

Шунингдек, корхона томонидан ёрдамчи пудратчи сифатида ўтган йили пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Самарқанд дарвоза ҳамда Юнусобод туманидаги Янги Юнусобод кўчаларида ҳам ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Кўчалар асфальт қилиниб, йўл четида пиёдалар ва велосипед йўлакчалари қурилди ҳамда тунги ёриткичлар ўрнатилди.

Айни пайтда “DIZAYN TARAQQIYOT” хусусий корхонаси бунёдкорлари Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги Шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонасининг маъмурий биносини мажлислар зали билан бирга қуриш ишларини олиб боришмоқда.

Ҳалол меҳнати билан юртимиз бунёдкорлигига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган ушбу жамоага касб байрами муборак бўлсин!



ҚУРУВЧИЛИК – эзгу ва шарафли касб

Андижонлик тадбиркор Улуғбек Маматқулов ўқувчилик пайтлариданоқ келажакда қурувчилик касбини эгаллашни астойдил ният қилган эди. Аъло баҳоларга ўқийдиган Улуғбекнинг бу қарори кўпчилик синфдошларини ҳам ҳайрон қолдирганди, ўшанда. Шу зайл барча битирувчиларнинг аксарияти турли олий ўқув юртларида ўқишга интилган дам у Андижон шаҳридаги қурилиш ташкилотларидан бирига бетончи бўлиб ишга кирганида унинг қарори қатъий экани янада аён бўлди.

дан буён кузатиб юраман, бажараётган ишларинг пухта, мана шундай шашт билан меҳнатга ёндашсанг, келажакда сендан яхши қурувчи чиқади, – деб далда бергани уни руҳлантириб юборади.

У шу кундан бошлаб соҳада қандай муаммога дуч келса, Раҳмонберди акага учраб, билмаганларини сўраб олишдан орланмади. Ўрганганларини эса бирини ёдда сақлаб қолса, бошқасини эринмасдан ён дафтарчасига ёзиб борди. Кейинроқ бошқа бир объектни тиклашда участка раҳбари уни устозига бириктириб қўйди. Биргаликда фаолият кўрсатган тўрт йиллик фаолияти танлаган касбини мукамал ўзлаштириши ва давлатимиз томонидан ишбилармонларга яратилаётган шароитлар туфайли бунёдкорлик соҳасида тадбиркорлик қилишига имкон берди. Қурилиш корхонаси ташкил қилиш истаги борлигини устозига айтганида, у киши биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади.

Шу тариқа “Анемон элит” МЧЖ корхонасини ташкил қилиб, тажрибали қурувчилар қаторида чаққон, ҳар ишни сифатли бажаришида қаноти остида турадиган ёшларни жалб қилди. Корхона жамоасининг дастлабки бунёдкорлик ишлари Хўжаобод туманида 1 та беш қаватли ва 1 та 7 қаватли турар жойни сифатли бунёд этганида яққол кўзга ташланди. Вилоят қурилиш бош бошқармасида мазкур корхонанинг ҳам номи қайд этиладиган ва тендерларда иштирок этиш учун таклиф қилинадиган бўлди. Натижада шу туманда яна битта 5 қаватли уй-жойнинг қурилиши ҳам уларга ишониб топширилди.

Қурилиш соҳасида сифат масаласи биринчи ўринда туриши ҳеч кимга сир эмас. Шу боисдан жамоа аъзолари бунга масъулият билан қараётгани ишларнинг жадал юришида асосий омил бўлди. Масалан, Булоқбоши туманида уларнинг меҳнати билан қурилган мактабгача таълим ташкилоти, “Обод қишлоқ” ва

“Обод маҳалла” давлат дастурлари доирасида бунёд этилган намунавий уй-жойлар шунинг самарасидир. Айни пайтда ана шу ерларда истиқомат қилаётган аҳоли қурувчилар бажарган ишларнинг сифатидан миннатдор.

Маълумки, кўп йиллар давомида республикамизнинг бошқа жойларидаги сингари Андижон вилоятида ҳам уй-жойга бўлган эҳтиёж анча катта эди. Айниқса, Андижон шаҳрида ушбу масала долзарблигича қолаётган эди. Давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифидан бирида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб, “Янги Андижон” шаҳрини бунёд этиш бўйича ташаббусни илгари сурди.

“Анемон элит” МЧЖ жамоаси ҳам “Янги Андижон” қурилиши жараёнида фаол қатнашиб, турдош корхоналардан ортда қолмасликка ҳаракат қилмоқда. Шу кунларда мазкур объектда жамоа томонидан 2 та етти қаватли уй-жойлар бунёд этилапти.




Қурилиш соҳаси осон йўл эмаслигини дастлабки кундан-ноқ қалбан ҳис этди. Вақт ўтгани сайин меҳнатда тобланиб, бетончиликдан бошқа ишларга ҳам ҳаваси ортиб, барчасини ўзлаштиришга интилаверди. Айниқса, лойиҳалаш сирини жиддий ўрганишга киришди.

Ана шундай кезлари қайси соҳа бўлишидан қатъи назар уни батафсил ўрганиш ва ўзлаштириш учун албатта, тажрибали устозларга таяниш кераклигини англаб етди. Бир

куни тушлик пайти тутнинг соясида дам олиб турганида уйқу элтибди. Орадан қанча вақт ўтганини билмайди, кимдир чақирганини эшитиб, хушёр тортди. Қараса, тепасида соҳада узоқ йиллар меҳнат қилаётган уста Раҳмонберди ака турибди. Бироз хижолат тортган эди:

– Қурилиш ишлари оғир, унинг нони қаттиқ бўлади, аммо тотли, шу боис ҳамма ҳам бу касбда узоқ вақт ишлолмаганининг сабаби шундан. Анча вақт-

*Ўзбекистон Республикаси
қурилиш соҳаси ходимлари кунини
билан табриклаймиз!*



MIMAR

GROUP

VATANIMIZNING YANGI QIYOFASINI YARATISH SARI

MIMAR GROUP yirik ko'p tarmoqli qurilish kompaniyasi bo'lib, yurtimizning yangi qiyofasini barpo etish, vatanimizning yuksak taraqqiyotini ta'minlash, xalqimiz hayotini yanada obod va farovon etish yo'lida o'z hissasini qo'shib kelmoqda.

So'nggi yillarda MIMAR GROUP qurilish kompaniyasi bir nechta yirik shaharsozlik loyihalarini muvaffaqiyatli amalga oshirdi.

2 500


yuqori malakali
xodimlar soni

2 000 000 m²

loyihalarning
umumiy maydoni


20 dan ortiq

amalga oshirilgan
loyihalar soni



QURILISH SOHASI XODIMLARI KUNI MUBORAK BO'LSIN!

*Barcha quruvchilarga yurtimiz kelajagini
yaratayotganliklari uchun tashakkur!*



Бараканинг ишлари янада баракали бўляпти

– Ҳамма ишларимиз режалаштирилгани бўйича кетяпти-ю, бироқ бетон қоришмаси масаласида бироз муаммо чиқиб турибди. Уни олиб келган машинадан ҳозирча юкни туширганимиз йўқ, сабаби, қоришмага қўшилган цемент меъёрида эмас экан, – деди объект иш бошқарувчиси Абдишукур Рўзматов.

– Мана шундай эътиборли бўлганингиз жуда яхши, акс ҳолда, бажарган ишимиз талабга жавоб бермасдан ортиқча маблағ сарфлаб, ишни қайтадан қилишга тўғри келарди. Бу масалани ўзим заводга бориб ҳал қилиб келаман, сиз эса қолган ишларнинг бажарилишини назорат қилиб тулинг, – деб корхона раҳбари Аҳрорбек бетон тайёрлаш заводига йўл олди.

Аниқланишича, қоришма-ни тайёрлашга масъул бўлган ишчи тажрибасизлик қилиб керакли ускунани тўғри бошқара олмаган экан. Агар бу масалани у вақтида ҳал қилмаганида бошқа объектларда ҳам худди шундай ҳолат такрорланиши ва кўплаб иморатларнинг бетон билан боғлиқ ишлари сифатсиз чиқиши мумкин эди.

Бугунги кунда ҳар қандай ишга киришган киши, “Олма пиш оғзимга туш”, деган қабилда иш тутса, ютқазини аён. Буни Аҳрорбек ўз тажрибасида кўп бор кўряпти. Давлатимиз тадбиркорларга зарур шароитлар яратиш бераётган бўлсада, бироқ айрим ишлаб чиқарувчилар ҳануз бундай имкониятларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англамаётгани натижасида шартномалар ва келишувларга қарамасдан зарур маҳсулотларни ўз вақтида, сифатли қилиб тайёрлаб, жойларга етказишда камчиликлар учраб турибди. Анча кеч уйга келган Аҳрорбек бир пиёла чойни хўшлаб, шу фикрларни хаёлидан ўтказар экан,



чарчоқ уйқуга элитсада, хаёллар уни ёшлиги сари етаклади.

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йиллар эди. Бошқа вилоятлардаги сингари Андижонда ҳам фуқароларнинг турмуш тарзи айтарли даражада яхши эмас, одамларнинг аксарияти истиқлол, эрк ва озодлик деган сўзларнинг маъзани чақиб, истеъмол-

га киритмаган пайтлар эди. Ўзи ҳам ёш бўлгани сабабли бундай янгиликларга тиши унчалик ўтмагани учун беъэтибор бўлган. Қурилиш ишларидан доимо ҳориб келиб, баъзида кечки овқатни ҳам емасдан ухлаб қоладиган отасини у ҳеч қачон хурсанд ҳолда кўрмаганди. Тўғри, баъзан маош олган кунлари бироз жилмайганини ҳисобга олмаса, бундай ҳолат бўлмаганди.

Оила аъзолари биргаликда овқатланишгач, падарибузруквори гап бошлаб қолди:

– Ота-боболаримиз асрлар давомида орзу қилиб ўтган даврларга эришдик, бундан буюги халқимиз, оиламиз ҳеч нарсага муҳтож бўлмасдан фаровон ҳаёт кечирамиз. Бунинг учун сизлар мактабда аъло баҳоларга ўқисангиз, келажакда яхши бўлади, – деди.

Аҳрорбекка отаси авваллари бундай гапларни деярли айтмаганди. Шу кундан бошлаб у ўйинқароқликни йиғиштирди, оиладаги ишларга кўмаклашиб, зарурат бўлганда отаси меҳнат қилаётган қурилишга бориб, ғишт териш, эшик-ром ясаш ва бошқа ҳунарларни муккамал ўзлаштиришга ҳаракат қилди. Бу жараён унинг қалбига қурувчилик касбига меҳрни олиб кирганди. Шундан бўлса керак, кечки пайтлари мактаб дарсликларидан ташқари, қизиққан касбига оид китобларни ўқиб ўрганди. Йиллар ўтиб, мактабни тугатгач, ўзи танлаган йўналишдаги олий ўқув юртига кирди ва мутахассислик бўйича зарур билимларни олди. Билмаган ва тушунмаганларини қай-



та-қайта сўрашдан оғринмади. Талабалар ўртасида фанлар бўйича ўтказилган республика миқёсидаги танловларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни олишга ҳам муваффақ бўлди.

Олий даргоҳни битиргач, вилоятдаги қурилиш ташкилотларида билимларини янада мустаҳкамлади. Унинг ишбилармон ва фаоллигини билган раҳбарият меҳнатларини қадрлаб, турли лавозимларга кўтарди. Давлатимизда ишбилармон ва тадбиркорларга кенг йўл очилганидан фойдаланиб, ўз маҳоратини синаб кўриш учун у ҳам “Ҳамкор транс барака” масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. Иш бошлаш аввалида айтарли ҳеч вақоси йўқ бўлгани учун банкдан имтиёзли кредит олди. Тежамкорликка алоҳида эътибор қаратиш шioriга айлангани туфайли бугун ҳар жиҳатдан иқтисоди мустаҳкам корхонаси бор. Хаёлларга берилиб, тонг ёришганини ҳам сезмай қолган Аҳрорбек шоша-пиша нонуша қилди-ю, кадрдон корхонаси ва жамоаси томон йўл олди.

Таърифлаётганимиз, “НАМКOR TRANS BARAKA” МЧЖ жамоасининг Андижон вилоятидаги туман ва шаҳарларида ислохотларнинг амалга оширилишида муносиб ҳиссаси бор. Сўнги беш йил оралиғида уларнинг шижоати ва келажакка ишонч-эътиқоди самараси туфайли Андижон шаҳрида 9 қаватли, 98 хонадондан иборат уй-жой фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган Чўлпон номи боғда Кўзи ожизлар жамияти учун замонавий лойиҳа бўйича 3 қаватли бино қуриб берилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Давлат дастури доирасида “Янги Андижон” шаҳрини бунёд этишда ҳам корхона жамоаси ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида тендерда иштирок этиб, 8 та 7 қаватли турар жойлар ва улар

атрофида яшовчи ҳамюртларини учун зарур инфратузилмани яратиб беришни ўз зиммасига олган. Шу кунларда мазкур объектда ишлар қизғин, 2 та кўп қаватли уй тўлиқ битказилиб, тайёр ҳолга келтирилган, қолганларида ҳам бунёдкорлик ишлари жадал олиб бориляпти.

Корхона раҳбари Аҳрорбек Рустамовнинг айтишича, жорий йил охиригача объектдаги барча қурилиш ишлари ниҳоясига етказилади. Ҳозирги кунда бошқа кўплаб буюртмачилардан таклифлар тушиб турибди. Мустақиллик байрамигача яна иккита кўп қаватли турар жойни қуришга киришилади, бунинг учун зарур куч ва воситалар етарли. Муҳими, ишчи-хизматчиларда иштиёқ баланд, жамоада қурилиш соҳасининг барча турдаги мутахассислари жамланган. Маҳаммадjon Азимов, Акбарjon Махсумов, Абдишукур Рўзматов, Иброҳимjon Расулов, Шукрилла Халилов, Сайдулла Халилов, Омаджон Ашуров, Хайрулла Исоқов сингари ишнинг ҳадисини олганлар ёшларга ибрат кўрсатиш баробарида уларга касбнинг нозик сирларини ҳам ўргатишяпти.

Айни пайда ишни энгиллатиш ҳамда ортиқча харажатларни қисқартириш мақсадида жамият таркибида қурилишбоп материалларни ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Бу эса, биринчи навбатда, янги иш ўринлари яратиш баробарида, маҳаллийлаштириш дастурини ҳаётга кенг қўллашга қаратилган интилишдир. Азму шижоатли жамоанинг бажараётган ишларидан яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо гап фақат қилинаётган ишларда эмас, балки эртанги кунга умид ва ишонч билан интилиб, бугундан кўра, эртага янада фаровон ҳаётни таъминлашга қаратилаётганида ҳамдир. Жамоада ана шундай муҳит шаклланиши учун ишлар ҳам шунга муносиб бўлмоқда.



Бу корxonани Бухорода хамма билади

Бухорода “Ғиждувон техстройпрогрес плюс” масъулияти чекланган жамиятини билмаган қурувчи бўлмаса керак. 2007 йилда ташкил топган корхона бугунги кунда нафақат вилоятда, балки мамлакат миқёсида ўзига хос қурувчилик аънанаси ва илғор қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғига эга. Корхона раҳбари Зокир Бафоев бошчилигидаги жамоа шу кеча-кундузда ўнлаб реконструкция жараёнлари ва камёб қурилиш материалларини ишлаб чиқариш билан машғул.

Албатта, шубҳа йўқки, Бухоро жаҳоннинг энг қадимий ва тарихий-меъморий обидаларга бой гўзал шаҳарларидан бири бўлиб, у азалдан шарқ оламида юксак нуфузга эга бўлган. Қадимда шаҳар Нумижкат ва Фахира, деб ҳам аталган. Бу шаҳарнинг ҳар бир гўшасида бой тарихга эга миноралари, осори-атиқалари, муқаддас қадамжолари ва обидаларида олис ўтмишнинг акс-садоси, қолдирган изи бор. Шунингдек, у Шарқу Ғарбда “очиқ осмон остидаги музей, шавкатли тарихнинг жилвакор кўзгуси” номини олган. Шундай муборак шаҳарнинг ўтмишига монанд

бугуни ҳам кўп ўзига хослик касб этади. Жумладан, ўлкада олиб борилаётган қурилиш-реконструкция жараёнлари амалда ўша шонли меъморчиликка қаратилган ўтмишнинг давоми сифатида намоён бўлмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Мазкур улуғвор меъморлик қадриятларини, юксак ишбилармонлик ва илмий қарашлар билан бойитган кишилар Бухорода кам эмас. Айтиш керакки, “G’IJDUVON TEXSTROYPROGRESS PLYUS” МЧЖ жамоаси ҳам амалда шундай тажрибага эга кишилардан ташкил топган.



– Корхонамизнинг фаолият тури бино-иншоот қурилиши ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, – деди Зокир Бафоев. – Жумладан, қурилишда кенг қўлланиладиган плиталар учун ВР типидagi симлар ишлаб чиқарамиз. Бу жараёнда керакли маҳсулотларни Хитой Халқ Республикасидан импорт қиляпмиз. Ўзимизнинг корхонамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган корхоналарга етказиб берамиз. Ўзим кўп йиллик қурилиш соҳаси вакили сифатида Бухоро вилоятидаги қурилиш-бунёдкорлик жараёнларига ҳайрихоҳлик билдираман. Шунингдек, корхонамиз қурилиш материаллари ишлаб чиқаришдан ташқари бино-иншоотлар қурилиши билан ҳам шуғулланиб келади. Жумладан, Бухоро шаҳри, Ғиждувон тумани, Қоровулбозор ва Қорақўл туманларида аҳоли учун турар жой бинолари, ички йўлларнинг реконструкцияси билан шуғулланиб келмоқдамиз.

“G’IJDUVON TEXSTROYPROGRESS PLYUS” МЧЖ ҳозирги кунда Ғиждувон туманида иккита турар жой биносининг қурилишини тугаллаш арафасида бўлиб, вилоятнинг Қорақўл туманида қўшимча 3 та кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши олиб борилмоқда. Жумладан, 2019-2020 йиллар ораллигида бир неча миллиард сўм ҳажмдаги маблағлар эвазига Ғиждувон бозори ҳудудида икки қаватдан иборат 3 та савдо-сотиқ дўконлари тармоғи қуриб битказилди. Шунингдек, ўтган даврда корхона Ғиждувон туманида “Корзинка” савдо марказининг янги биносининг қурилишига муаллифлик қилди.

Шунингдек, корхона Бухоро шаҳридаги ички йўлларда таъмирлаш ишларини олиб бориб, шаҳарнинг инфратузилмасига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Таъкидлаш ўринлики, “G’IJDUVON TEXSTROYPROGRESS PLYUS” МЧЖ томонидан амалга оширилган лойиҳалар орасида Қоровулбозор туманида қурилиши давом этаётган цемент заводи алоҳида ўрин тутди. Мазкур лойиҳа 29 млн доллар маблағ ҳисобига амалга оширилаётган бўлиб, жорий маблағларнинг 15 млн доллари корхона маблағлари ҳисобидан қопланмоқда. Қолган 14 млн доллар улуши банк кредити маблағлари ҳисобига тўғри келади. Цемент заводининг биринчи босқичи ишга туширилиш арафасида. Мазкур цемент заводи ҳозир-

да бутун Бухоро вилоятидаги энг йирик лойиҳалардан бири бўлиб, заводнинг тўлиқ ишга туширилиши натижасида самардорлик бир неча карра ортиши кўзда тутилмоқда.

Қурилишда кластер шаклидаги тизимнинг жорий этилиши, одатда қурувчи ташкилотлар учун харажатларнинг минимал даражада иқтисод қилишда муҳим аҳамият касб этади. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғининг ривожлантирилиши эса, нафақат бир корхонанинг, балки бошқа корхоналар қатори қурилиш материаллари бозорида нархлар мувозанатини сақлашда ҳам катта аҳамият касб этади. “G’IJDUVON TEXSTROYPROGRESS PLYUS” МЧЖ корхонасининг қурилиш материаллари тармоғида ўнлаб автоуловлардан таркиб топган моддий-техник базаси мавжуд. Хусусан, 6 дона самосвал, 13 метр узунликдаги икки дона плитавоз, 25 ва 55 тонналик 3 дона автокран, бир нечта миксерлар корхонанинг иш жараёнида асосий кўмакчи вазифасини бажариб келмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳанинг негизида маҳаллийлаштиришга асосий урғу берилмоқда. Шунингдек, ташкил этилаётган ишлаб чиқариш заводлари ва корхоналар учун иш ўринлари ташкил этиш талаби ҳам алоҳида аҳамият касб этади. “G’IJDUVON TEXSTROYPROGRESS PLYUS” МЧЖ корхонаси ҳам бу борада катта натижаларга эришиб, кўплаб иш ўринларининг ташкил этилишига сабабчи бўлмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда мазкур корхонада 150 дан ортиқ доимий ишчи ўз фаолиятларини олиб бормоқда. Шунингдек, қурилиш корхонасининг мавсумий иш тартибига қараб яна юзлаб ёлланма ишчилар меҳнатидан фойдаланилмоқда.

Бугунги ўзгаришлар, халқимизнинг фаровонлигини юксалтириш, ҳаёт даражасини ошириш ва фуқароларимизнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда асосий ўрин тутди. Бу борада “G’IJDUVON TEXSTROYPROGRESS PLYUS” МЧЖ томонидан амалга оширилаётган эзгу ҳаракатлар таҳсинга сазовор. Зеро, халқимиз орасида уй қурган, йўл очган кишиларнинг эъзозланиши ажиб қадрият сифатида кўрилади. Қурувчилар кўни байрами арафасида эл-юртнинг хизматида бўлиб келаётган мазкур корхонанинг келажак лойиҳаларида унум ва муваффақият тилаймиз.



Лойиҳалаш – ўзига хос назоратни талаб этади



Бухоро ҳақида гап кетганда, шаҳарнинг улуғвор ўтмишидан қолган осори-атиқалару, кўркам обидалар ақлга келади. Мазкур улуғвор меъморлик қадриятларини янада бойитиб бораётган Бухорода кам эмас. “EVRO-VOSTOK STROY PROEKT” масъулияти чекланган жамияти лойиҳачиларини бунга мисол қилиш мумкин.

2014 йили ташкил топган “EVRO-VOSTOK STROY PROEKT” масъулияти чекланган жамияти бугунга қадар Бухородаги кўплаб ижтимоий соҳа, саноат ва расмий ташриф ҳамда учрашувлар учун турли объектлар лойиҳаларини ишлаб чиққан. Корхона ходимлари бетакрор лойиҳалари билан ҳудуднинг кўринишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

– Асосий фаолиятимиз лойиҳалашдир, – деди корхона раҳбари Олимжон Бақоев. – Шунингдек, мазкур фаолият туридан ташқари бевосита лойиҳа-қидирув, техник назорат ишларини олиб борамиз. Бугунги кунда Бухоро вилоятида аввалги даврларга нисбатан қурилиш даражасининг ўсганлиги яққол сезилади. Албатта, бу ҳолат қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар учун буюртмаларнинг ортишига ва ўзаро рақобат муҳитининг ривож топишига хизмат қилади. Жумладан, корхонамиз ҳам шундай вазиятда бир қанча объектлар ва олий даражадаги ташрифлар учун тасдиқланган лойиҳаларни ишлаб чиқмоқда. Корхонамизда фаолият олиб

бораётган ходимлар юқори иш тажрибаси, касбий кўникма ва иқтидорлари билан мазкур жараёнларда асосий ўринни эгалламоқда.

“EVRO-VOSTOK STROY PROEKT” масъулияти чекланган жамияти бугунги кунда “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК объектлари лойиҳаларини шакллантириб келмоқда. Корхона шу кунга қадар Бухоро вилоятидаги кўплаб ижтимоий объектларнинг, саноат зоналари биналари, шунингдек, давлат доирасидаги учрашув ва ташрифларнинг тасдиқланган лойиҳаларини ишлаб чиқди. Жумладан, ўтган даврда вилоятнинг Олот туманидаги мактабгача таълим ташкилоти лойиҳаси, “Парвоз Ҳумо Равнақ Транс” корхонаси буюртмасига биноан Ғиждувон туманидаги йирик текстил биноси лойиҳаси муваффақиятли якунланди.

Қурилиш-архитектура соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз навбатида, республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Миллий иқтисодийёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини

фаоллаштириш, иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб бериш учун асосий омил ҳисобланади.

“EVRO-VOSTOK STROY PROEKT” масъулияти чекланган жамияти ҳам бу борада кўплаб тадбирларга қўл уриб, янгидан-янги объектларнинг қурилишида асосий ишлардан бирини бажариб келмоқда. Жумладан, 2021 йилда Бухоро вилояти прокуратураси ҳомийлигида 180 ўринли мактабгача таълим ташкилоти лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, Транспорт вазирлиги ҳомийлигида Олот туманига қарашли “Буржоқ” МФЙ ҳудудида, қолаверса, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳомийлик маблағлари ҳисобидан “Қиртон” МФЙ ҳудудида янги мактабгача таълим ташкилотлари лойиҳалари тайёрланди.

Лойиҳани шакллантириш қурилишнинг энг нозик соҳаларидан биридир. Ҳозирда қурилиш-архитектура соҳасининг айна шу йўналишида фаолият олиб бораётган кўплаб корхоналар мавжуд. Улар ўзларининг турли типдаги лойиҳалари билан қурилиш жараёнларида иштирок

этноқда. Мазкур корхонада ҳам ҳозирги кунда 16 нафар ишчи-ҳодим сеvimли соҳалари билан шуғулланиш баробарида ўлкамизнинг қурилиш соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

– Ҳар бир лойиҳалаш ишлари ўзига хос назоратни талаб этади, – деди Олимжон Бақоев. – Жумладан, биз ҳам ишлаб чиққан лойиҳамизга муаллифлик назоратини амалга оширамиз. Ўз навбатида, агар лойиҳа қурилишида бирор камчилик кўзга ташланса, бу ишни бевосита техник назорат билан бирга амалга оширамиз. Жараён то қурилиш бекаму-кўст битгунга қадар шу тахлит давом этади.

Айтиш керакки, “EVRO-VOSTOK STROY PROEKT” лойиҳа ташкилоти фаолияти фақатгина Бухоро вилояти билан чекланиб қолмай, ҳозирда Тошкент ва Навоий вилоятларида ҳам хизмат кўрсатмоқда. Айни дамда, вилоятнинг Пешку ва Ғиждувон туманларида қурилиши режалаштирилган Президент мактабларининг лойиҳалари устида қизгин амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда.



**ОБОД ВАТАНИМИЗНИНГ
ЗАҲМАТКАШ
ҚУРИЛИШ СОҲАСИ
ХОДИМЛАРИГА
КАСБ БАЙРАМИ
МУБОРАК БЎЛСИН!**

“EVRO-VOSTOK STROY PROEKT” МЧЖ

Бухоронинг бугуни шонли ўтмишига муносиб

Бухоро – ўзининг маданият ва илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси билан бутун шарқ оламида улкан ўринга эга. Кўп асрлик иморатлари шаҳарсозлик қадриятлари ўлкада минг йиллар давомида иншоотсозликнинг ривожланиб келганидан дарак беради. Ҳозирги кунда ҳам муқаддас шаҳар янгиликлар қуршовада.

Янги ўқув бинолари, турар жойлар, равон йўллар Бухоронинг бугунидан сўз очаётгандек гўё. Жорий ўзгаришларга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган “Qoraun inshoot qurilish” масъулияти чекланган жамияти шаҳарнинг мингйилликларга туташ қурилиш анъаналарини замонавий кўринишда давом эттириб келмоқда.

Бухоро аҳли қадим замонлардан бағрикенглик намунаси бўлган. Қадимда кўплаб миллат ва элатлар, турли ирқ вакиллари айнан шу заминда паноҳ топганлар. Буюк Ипак йўлида жойлашган ушбу шаҳарда минглаб кишилар истиқомат қилиб, доимо аҳил бўлган. Ҳозирги кунда Бухоро қурувчилари ота-болаларининг маданияти ва санъатини сақлаш, анъаналарини бойитишда ҳам пешқадамлик қилишмоқда. Минг йиллар аввал қурилган иморатлар бугун ҳам сайёҳлар ва меҳмонлар назаридан қолмаяпти. Бу замонавий қурилиш санъатини ҳам мутаассир этмоқда,

“Qoraun inshoot qurilish” масъулияти чекланган жамияти 2010 йилда ташкил этилган. Корхона раҳбари Музаффар Шоимов бошчилигидаги қурувчилар жамоаси шу кунга қадар Бухородаги кўплаб қурилиш жараёнлари – турар жойлар, таълим масканларининг ўқув биноларини қуриб битказди. Ҳозирги кунда корхонада 74 та доимий ва 190 дан ошиқ мавсумий ёлланма ишчилар меҳнат қилади.

– Бухоронинг шонли ўтмишига туташ бугуни бор, – деди корхона раҳбари Музаффар Шойимов. – Бу ишларда бизнинг “Qoraun inshoot qurilish” корхонамизнинг ҳам ҳиссаси борлигидан мамнунмиз. Ўтган даврлар-

да Қоракўл туманидаги 16-сонли умумтаълим мактабининг қурилиши билан шуғулланиб, мукамал таъмирлаш ишларини олиб бордик. Шунингдек, ҳозирда Қоракўл туманидаги 19-сонли мактабни реконструкция қилиш, қўшимча янги 540 ўринли ўқув биносини қуриш ва мавжуд 320 ўринли ўқув биносини мукамал таъмирлаш, Қоракўл туманидаги “Човли” МФЙда 50 қатновли қишлоқ врачлик пунктини қуриш, “Мирзақалъа” МФЙда Мирзақалъа қишлоқ врачлик



пунктини реконструкция қилиш, “Дўрмон” МФЙда 100 қатновга мўлжалланган оилавий поликлиника биносини қуриш, “Дўрмон” МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилган “Янги Ўзбекистон” массивида 2 та 5 қаватли 23 хонадондан иборат уй-жойлар биносини қуриш, Жондор туманидаги “Довуд” МФЙда Довуд ҳамда “Занги” МФЙда Занги аҳоли пунктларини 2022 йил “Обод қишлоқ” дастури доирасида ичимлик суви билан таъминлаш учун ташқи сув тар-

моқларини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари:

2019 йилда Қоракўл туманидаги “Қоракўл” МФЙда Дўрмон аҳоли пунктида янгиланган лойиҳалар асосида 1 та 4 қаватли 24 хонадонли уй-жой қуриш, “Кораун” МФЙда 26-мактаб биносини капитал таъмирлаш, туманидаги 15-мактаб биносини капитал таъмирлаш, “Бухоро нефтбаза” Қоракўл филиали буюртмаси бўйича қурилиш-монтаж ва таъмирлаш;



Корхона фаолияти давомида “Қизилқумцемент” АЖ, “Когон йиғма сервис” МЧЖ, “Elcab” МЧЖ, “Li Xiang” МЧЖ, “Ishonch” ХК, “Next lin” ХК каби ишлаб чиқариш корхоналарининг қурилиш материалларидан фойдаланилади. Шунингдек, “Бухоро проект” МЧЖ, “Архстройдизайн” МЧЖ, “Бухоро жамоа лойиҳа” МЧЖ, “Қурилиш лойиҳа” МЧЖ, “Бухоро-грант проект” МЧЖ, “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖ, “Архстрой проект плюс” МЧЖ каби лойиҳа ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

II” русумли автокран, “ХГ931Н” русумли фронтал юклагич, пишиқ гишт ишлаб чиқариш заводи, 2 та шлакоблок ва пеноблок қуйиш цехлари ва бошқа қурилиш механизм ҳамда асбоб-ускуналари мавжуд.

“Qoraun inshoot qurilish” масъулияти чекланган жамиятида корхона ишчиларининг ижтимоий ҳимояси учун ҳам кўплаб тадбирлар кўрилган. Жумладан, ишчилар махсус иш кийимлари, шунингдек, корхона ҳисобидан текин иссиқ овқат билан таъминланади. Бундай умумий кўмак ортида ишлаб чиқариш, қурилиш-реконструкция жараёнларида унум сезилмоқда. Айтиш керакки, корхона фаолияти давомида “Қизилқумцемент” АЖ, “Когон йиғма сервис” МЧЖ, “Elcab” МЧЖ, “Li Xiang” МЧЖ, “Ishonch” ХК, “Next lin” ХК каби ишлаб чиқариш корхоналарининг қурилиш материалларидан фойдаланилади. Шунингдек, “Бухоро проект” МЧЖ, “Архстройдизайн” МЧЖ, “Бухоро жамоа лойиҳа” МЧЖ, “Қурилиш лойиҳа” МЧЖ, “Бухоро-грант проект” МЧЖ, “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖ, “Архстрой проект плюс” МЧЖ каби лойиҳа ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бунёдкорлик ҳар даврда юксак маданий ривожланишнинг бир кўриниши бўлиб келган. Жумладан, қурилишлар ортида ишлаб чиқариш тармоқларида ўсиш кузатилиб, кўпдан-кўп иш ўринлари ташкил этилади. Қуриб битказилган турар жойлар, ижтимоий объектлар халқнинг фаровон яшаши учун бир маскан бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда мамлакатимиз ривожига, халқимизнинг фаровон ҳаёти йўлида хизмат қилиб келаётган корхона жамоасига зафарлар тилаймиз.



2020 йилда Қоракўл туманидаги “Қоракўл” МФЙ Дўрмон аҳоли пунктида янгиланган лойиҳалар асосида 1 та 4 қаватли 24 хонадонли уй-жой қуриш, “Пахтакор” МФЙ ҳудудида ипотека кредити асосида 5 қаватли 4 подъездли уй-жой қурилиши ишлари, “Бухоро нефтбаза” Қоракўл филиали буюртмаси бўйича таъмирлаш ишлари, “Шарқ плюс” МЧЖ буюртмаси бўйича Қоракўл туманидаги Халқаро математика мактаби қурилиши доирасида 200 ўринли ётоқхона биносининг қурилиш-монтаж ишлари;

2021 йилда Қоракўл туманидаги “Қоракўл” МФЙ Дўрмон аҳоли пунктида янгиланган лойиҳалар асосида 1 та 5 қаватли 30 хонадонли уй-жой қуриш, тумандаги 6-сон мактабни реконструкция қилиш ва 420 ўринли янги ўқув биносини қуриш,

“Пахтакор” МФЙ ҳудудида ипотека кредити асосида 5 қаватли 4 подъездли уй-жой қурилиши ишлари амалга оширилган.

Корхона балансида 1 дон “MAN” ўзигадагич (самосвал), “ДонФенг” экскаватори, “ГАЗ-53” русумли самосвал, “ХСМГ Q25К-

Тадбиркорни ўзи қурган бинолар тоблади

Буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз Шаҳрисабз ҳамда Самарқанд шаҳарлари ва бошқа жойларда бунёд эттирган муҳташам бинолар асрлар ўтса ҳам дунё халқларини миллатимизнинг меъморчилиқ санъатига лол қолдириб келяпти. Шаҳрисабз шаҳридаги Оқсарой биносидан битилган ва бобомиз тузукларидан жой олган: “Кимлигимизни билмоқчи бўлганлар, биз қурган иморатларга боқсин!”, деган ҳикматли сўзлари кўп нарсани англади.



Жиззах вилоятидаги “QURILISH TA'MINOTI” хусусий корхонасини ташкил қилган Шуҳрат Баҳриддиновнинг фаолиятига назар ташлаш аввалида юқоридаги мисолга бежизга тўхталганимиз йўқ. Кейинги йилларда давлатимизда яратилаётган шароитлар туфайли қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида тадбиркорларимиз жиддий изланишлар қилиб, боболаримизнинг меъморчилиқ бобидаги ютуқларини давом эттиришга ҳаракат қилишаётганини эътироф этиш керак.

Шуҳрат Баҳриддинов ҳам қурилиш соҳасида тўплаган тажрибаларига таяниб мустақил равишда уни ҳаётга татбиқ этишни ният қилди. Ўн етти йил аввал вилоятда биринчилардан бўлиб қурилиш соҳасида иш юритувчи корхонасини ташкил этди. Ўша кезлари соҳага энди эътибор берилган сабабли тадбиркорларга ишни бошлаш осон кечмаганини бугунги кунда Шуҳрат ака яхши эслайди. Қурилиш объектлари бармоқ билан санарли, қурилишбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар вилоят ўрамада камлиги учун уларни республиканинг турли ҳудудларидан олиб келишга тўғри келарди.

“QURILISH TA'MINOTI” корхонасининг аҳил жамоаси ана шу сингари синовларда раҳбарнинг ташаббуси-ю, ташкилотчилигига таянишди. Иккита туманда намунали уй-жой қурилишини зиммаларига олган корхона ишчи-хизматчилари ҳар қандай муаммо писанд эмаслигини кўрсатди. Уйларни қуриш ва ён-атрофларини ободонлаштиришга кетган сарф-харажатлар тадбиркорни чўчитмади. Банк кредитларини олиш масаласи чўзилиб кетганида, яқинларидан қарз кўтариб, бошлаган ишини сифатли қилиб бажаришга эришди.

Бу интилиш ва натижадан сўнг, тадбиркорга тан бериб, унга таянувчилар, муҳим ҳамда катта-катта объектларга буюртма берувчилар сони орта борди. Шу кунгача вилоятнинг туман ва шаҳарларида бунёд этилган ўнлаб мактаб, йўллар, ишлаб чиқариш корхоналари, маъмурий бинолар, болалар боғчалари ва бошқа кўплаб корхоналар қурилиш соҳасида ишбилармонлиги билан обрў қозонган тадбиркорнинг саъй-ҳаракатлари натижасидир.

Жиззах вилоятида 2022-2026 йилларга мўлжалланган давлат дастурлари ижросини амалда татбиқ этишда турдош корхоналар қатори “QURILISH TA'MINOTI” хусусий корхонаси ҳам масъ-

улият билан ёндошмоқда. Жамоа ишчи-хизматчилари маҳаллийлаштириш дастури асосида қурилишбоп материалларни ишлаб чиқариш билан бирга Жиззах шаҳрида қад ростлаётган муҳим объектлардан бири, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг буюртмасига кўра, “Prime Tower Group” МЧЖ лойиҳаси асосида умумий қиймати 65 507,880 млн сўмлик Жиззах вилояти судлари (маъмурий, иқтисодий, жиноий ва фуқаролик судлари) биносини қуришни зиммаларига олишган. Бунёдкорлар шу кунгача 52 539,814 млн сўмлик ишларни сифатли бажаришди. Бинони жорий йилнинг охиригача топшириш учун 200 нафардан ортиқ қурувчилар икки сменада меҳнат қилишмоқда.

Ташкилот прораби Сайфулла Абдуллаевнинг таъкидлашича, белгиланган режани уддалаш учун имкониятлар етарли. Зарур материаллар пешма-пеш олиб келиняпти, мавсумда кўшимча ишчи кучи жалб қилиниб, уларга устозлар бириктирилган. Касбни мукамал ўзлаштирган ёшлар корхонада доимий ишлашга қолиб, уларга меҳнат дафтарчалари юритилади. Асосийси, улар ҳам доимий

Жамоа ишчи-хизматчилари маҳаллийлаштириш дастури асосида қурилишбоп материалларни ишлаб чиқариш билан бирга Жиззах шаҳрида қад ростлаётган муҳим объектлардан бири, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг буюртмасига кўра, “Prime Tower Group” МЧЖ лойиҳаси асосида умумий қиймати

65,5 млрд

сўмлик Жиззах вилояти судлари (маъмурий, иқтисодий, жиноий ва фуқаролик судлари) биносини қуришни зиммаларига олишган.

Бунёдкорлар шу кунгача 52,5 млрд сўмлик ишларни сифатли бажаришди.

Бинони жорий йилнинг охиригача топшириш учун

200 нафардан

ортиқ қурувчилар икки сменада меҳнат қилишмоқда.

ишчи-хизматчилар қатори корхонада яратилган имтиёزلардан баҳраманд бўлишяпти.

– Вақтинчалик ишсиз бўлиб қолгандим, Жиззах шаҳрида ўтказилган меҳнат ярмаркасида ҳозир ишлаётган корхонамга таклиф қилишди, – деди Раҳимжон Қидиралиев. – Ўзимга бирикитилган устоздан ғишт териш касбини ўрганиб, яқиндан бошлаб ўзим бу ишни мустақил бажаряпман. Хунар ўрганиш баробарида рўзгоримга барака кирди, ҳар ойда 3 миллион сўмга яқин маош оляпман. Ишларимни кузатиб юрган иш бошқарувчимиз доимий ишга қабул қилишини айтгани янада яхши меҳнат қилишга ундамоқда.

«ЎЗБЕККОММУНАЛЛОҲУНАҚУРІЛІШ» давлат унитар корхонаси жамоаси

қурилиш соҳасининг
барча ишчи-ходимлари,
фидойи меҳнаткашларини касб айёми
билан муборакбод этади.



Байрамингиз муборак бўлсин,
азиз ҳамкасблар!

Мақтовга муносиб “Мамажоновлар”

Бугун ўлкамизнинг барча ҳудудларида қурилиш ва бунёдкорлик жараёнлари жадал олиб борилмоқда. Ижтимоий объектлар, турар жой бинолари, кўнгилочар бинолар-у равон йўллар юртимизнинг кўркига кўрк қўшмоқда. Жиззах вилоятида ҳам бу борада кўплаб ижобий ҳаракатлар бажарилмоқда. Бундай ўзгаришларни вилоят марказининг ҳар бурчида ҳис этиш мумкин.

– Бу қанақа объект?

– Бу Жиззах шаҳрига қарашли 22-мактабнинг янги биноси. Бизнинг “Мамажоновлар” корхонаси қурган.

Мамлакатимиз марказида жойлашган Жиззах бир томондан Сирдарё вилоятининг Сардоба тумани чегараларидан бошланиб, жанубий-ғарбий тарафда Нурота ва Туркистон тизма тоғлари, шимолда Арнасой, Айдарқўл оралиғини қамраб олган ҳолда Самарқанд вилоятининг Булунғур тумани сарҳадларига қадар бўлган заминда ястаниб ётади. Вилоят ҳудуди икки томони тоғлар билан ўралган, ўртаси текисликдан иборат узун йўлакни эслатади. Унинг маркази Жиззах шаҳри ана шу йўлакда қад ростлаган.

Бугун Жиззах қурилишлар домида. Қурилиш ва бунёдкорлик ишларига қаратилган юксак эътибор натижасида соҳада беқиёс ютуқлар қўлга киритилмоқда. Вилоятдаги барча шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий қиёфаси тубдан янгиланмоқда. Улар замонавий шаҳарсозлик та-

лаблари асосида ривожлантирилаётир. Аҳолининг уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани самарали натижалар бермоқда.

Азиз Комилов Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тугаллаб, 1997 йил қурилиш соҳасида ўзининг “Мамажоновлар” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этади. Мазкур корхона 25 йиллик фаолияти давомида 70 дан ортиқ объектларда қурилиш ишларини бажарди. Жамият таъсисчиси Азиз Комилов кўп йиллик қурилиш соҳаси фахрийларидан ҳисобланиб, у кишининг тажрибаси ортида “Мамажоновлар” масъулияти чекланган жамияти ҳудуддаги энг илғор қурилиш корхоналаридан бирига айланди.

– Жиззах вилоятидаги ўзгаришлар бугун бошланган эмас, ҳудудда кўп йиллик қурилиш маданияти шаклланиб улгурган, – деди корхона раҳбари Азиз Комилов. – Қизиги, бу жараёнларда бизнинг корхо-

намиз ҳам фаол иштирокчи сифатида ўз ўрни ва нуфузига эга дея оламиз. Жиззах вилояти маркази ва туманлардаги умумий ижтимоий объектларнинг қурилишида бизнинг фирмамиз ҳам муносиб иштирок этиб келмоқда. Жумладан, Жиззах шаҳридаги мактаб ва болалар боғчалари, таълим ташкилотларининг бинолари шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда Жиззах шаҳрида Президент мактаби қурилишини бошлаганмиз. Мазкур мактаб 4 қаватли 1 200 ўринли янги бинолардан иборат бўлиб, ўқув масканининг қурилиши жорий йилнинг сентябрь ойида тўла тугалланиши назарда тутилган. Айтиш жоизки, вилоятимизда бундай мактабларнинг қурилиши, энг аввало, ёш авлоднинг маънавий ўсиб-улғайишида улкан ютуқ бўлса, уларнинг бунёд этишида эса, биз каби қурилиш корхоналари учун ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Корхона ўз фаолияти давомида кўплаб ижтимоий объектларнинг қурилишида катта ўрин эгаллади. Жумладан, ўтган 2021 йил давомида Жиззах вилояти прокуратураси бинолари реконструкция этилиб, қўшимча янги бинолар билан бойитилди.

Жамиятда 50 дан ортиқ доимий ишчи бўлиб, мавсумга қараб қўшимча 250-300 нафаргача ёлланма ишчилар қабул қилинади. Корхона, айтиш мумкинки, асосий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни Жиззах шаҳри ва Зомин туманларида олиб боради. Йиллик 100 минг куб бетон шлакоблок, плита маҳсулотлари, фишт каби ўнлаб қурилиш материаллари

ишлаб чиқариш қувватларига эга ишлаб чиқариш тармоғи, ҳозирги кунда корхонанинг жами қурилиш ишларида асқатмоқда.

“Мамажоновлар” масъулияти чекланган жамияти айни дамда Зомин туманида корхона томонидан 400 ўринли икки қаватдан иборат янги мактаб биноси ҳамда 670 ўринли ўқув биноларининг жорий таъмирлаш ишларини олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда 62 миллиард сўмлик қурилиш ҳажмига эга корхонанинг келажак режалари орасида яна бир қанча ўхшаш турдаги объектлар ўрин олган бўлиб, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, Жиззах вилоятининг ландшафт кўринишини юксалтириш умумий мақсад этиб белгилаб олинган.

Ҳар бир қурилиш корхонасининг таянч кучларидан бири, албатта, қурилиш техникаларидир. “Мамажоновлар” корхонасининг ҳам бу борада кенг техник базаси мавжуд. Кранлар, 4 та самосвал, 3 та экскаватор корхонанинг қурилиш ишларида беминнат кўмакчи вазифасини бажариб келмоқда.

Жиззах – узоқ йиллик тарихга, ўзига хос маданиятга эга юрт. Шаҳарнинг шу кеча-кундуздаги кўриниши аҳолининг фаровонлик даражаси билан боғлиқ ҳолда олиб борилаётгани ютуқли ҳолат. Бу жараёнларда “Мамажоновлар” корхонаси каби ишбилармон ташкилотларнинг иштироки ортаётгани, ҳудудда эркин иқтисодий муносабатларни шакллантирмоқда. Албатта, булар келажакда ўз самарасини беради.

Юртимиз ободлиги, тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлиги йўлида ўзларининг муносиб улушларини қўшаётган қурилиш соҳаси ходимларини касб байрами билан қутлаймиз. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, қилаётган меҳнатингиз роҳатини кўриб юришингизни тилаймиз, азиз бунёдкорлар!

“МАМАЖОНОВЛАР” МЧЖ

Архитектура – қурилишнинг асосидир

Қурилишда ҳам бошқа соҳаларда бўлгани каби бир қанча босқич мавжуддир. Шубҳасиз, лойиҳа ишлаб чиқиш ва унинг экспертизаси каби жараёнлар қурилишнинг қисмидир. Таъкидланганидек, ҳар бир қурилиш ишлари бевосита лойиҳа ҳужжатлари асосида олиб борилади. Демак, иншоот қурилишида даставвал лойиҳа-конструкторлик ишлари олиб борилади ва бино учун лойиҳа тайёрланади. Бўлажак лойиҳа асосидаги бинога қўйиладиган талаблар узоқ йиллик фойдаланишга яроқлилик ва хавф-хатар ҳолатларидан кафолатланганлигидир.



Соҳалар ичида энг қадимий ва нафис соҳалардан бири бу архитектурадир. Архитектура қурилиш санъатининг олий даражаси, бироқ ҳар қандай қурилишни ҳам архитектурага тенглаштириш ёки ўхшатиш мумкин эмас. Чунки қурилиш жуда кенг қамровли сўз бўлиб, архитектурага мос бўлмаган айрим соҳаларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, темир йўл қурилиши, ер ости қувурлари ёки шахталар қурилиши ва ҳоказо. Демак, ҳар қандай қурилиш ҳам архитектура бўлмайди, лекин ҳар қандай архитектура негизда авваламбор қурилиш ётади. Қурилишнинг архитектурага айланиши учун у юқори даражадаги санъат намунаси ёки асари тарзида яратилиши керак. Архитектурани инсон амалий фаолиятининг бошқа турларидан, шу жумладан, қурилишдан фарқи шундаки, у фойдалилик масалаларидан ташқари муайян тарихий,

ижтимоий-маънавий муҳит, давр эҳтиёжларини қондирувчи мафқуравий ва бадиий эстетик вазифаларни ҳам бажаради. 2016 йил ташкил топган "GOLD PROJECT SERVICE" лойиҳа ташкилоти ҳозирда Жиззах вилояти ҳудудидаги қурилган бино-иншоотларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланиб келмоқда. Айтиш жоизки, корхона томонидан тайёрланаётган конструкция ва лойиҳалар аҳолининг ижтимоий ҳимояси, фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси объектлари, Тошкент шаҳар "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамиятига қарашли бино-иншоотлар, шунингдек, Сирдарё ва Самарқанд вилоятидаги бир қанча хизмат кўрсатиш объектлари лойиҳалаштирилган.

Корхонада 16 та доимий ишчи фаолият олиб бормоқда.

– Ўзим Жиззах политехника институтининг Бино ва иншоотлар қуриш факультетини тугатганман, – деди корхона раҳбари Ислон Тўйчиев. – Қурилиш соҳасидаги фаолиятим бевосита ушбу институтда ўқиган даврим билан боғлиқ. Мазкур олий ўқув юртини тамомлаб, иш фаолиятим давомида амалиётини оширдим. Бунинг натижасида ундан кейинги йилларда ўзимнинг лойиҳалаш ишларига ихтисослашган корхонамни ташкил этдим. Ҳозирда корхонамиз бир қанча давлат ва хусусий ташкилотларнинг биноларини лойиҳалаштириб келмоқда. Айтиш керакки, ўз корхонамни ташкил этгунга қадар Жиззах вилояти Газ таъминоти бошқармаси, шунингдек, "Ўзгазлойиҳа" ташкилотида фаолият юритиб, мазкур соҳаларнинг қурилиш-архитектура ечимларига қизиқишим ортди. Шубҳасиз, лойиҳа – қурилишнинг асоси. Асосий фаолиятимиз билвосита лойиҳалаш тартиблари билан боғлиқ бўлса-да, бу жараёнларда четлашиб, қурилиш ишлари билан ҳам шуғулландик. Албатта, кейинчалик бевосита қурилиш соҳасида фаолият бошлаганимдан сўнг соҳада бир қатор ишларни амалга оширдик. Хусусан, лойиҳалаш ишларидан ташқари Жиззах вилоятидаги "Хуаксин Цемент" заводида бир қанча қурилиш ишларини бажардик. Завод ишчилари учун ётоқхоналар, офис ва лабораториялар қурилиши ишларида иштирок этдик.

Жиззахнинг олис ўтмиш тарихи хусусида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ривоятлар, археологик материаллар, турли ёзма маълумотлар мавжуд. Уларда Миллоддан олдинги уч мингинчи йилликлардан бу ерда одамларнинг ўтроқлашиш, яшаш жараёнлари бошланганини намо-

2016 йил ташкил топган "Gold project servis" лойиҳа ташкилоти ҳозирда Жиззах вилояти ҳудудидаги қурилган бино-иншоотларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланиб келмоқда. Айтиш жоизки, корхона томонидан тайёрланаётган конструкция ва лойиҳалар аҳолининг ижтимоий ҳимояси, фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқда. Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси объектлари, Тошкент шаҳар "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамиятига қарашли бино-иншоотлар, шунингдек, Сирдарё ва Самарқанд вилоятидаги бир қанча хизмат кўрсатиш объектлари лойиҳалаштирилган.

ён этувчи Пишоғордан топилган тош деворлардаги расмлар, петроглиф ёзувлар ашёвий далиллар ҳисобланади. Антик давр тарихчилари асарларида бу ўлка "Сўғд орти саклар ўлкаси" номи билан юритилади. Бу ўлкада етти та шахар бўлгани, улар орасида Зомин, Жиззах, Сабот, Нужкат, Новкат каби қалъалар мавжудлиги тилга олинади. Кейинги давр муаррихлари асарларида бу ўлка Уструшона, деб аталади.

Сўнгги йилларнинг жўшқин ислохотлари билан Жиззахда қайта қуриш, бунёдкорлик, уни миллий ва замонавий шаҳар сифатида янгидан барпо этиш ишлари кенг қўламда олиб борилмоқда. Бунда вилоятдаги иқтисодий юксалиш, ишлаб чиқаришнинг тараққиёти муҳим омил бўляпти. Шаҳар экологиясини яхшилаш, уни обод ва кўркем масканга айлантириш борасида бошқа хайрли ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Шаҳарда яшил ҳудуд, боғ ва гулзорлар ташкил этиб келиняпти.

Маълумки, Жиззах шаҳри кичик тоғ ёнбағрида ва унга туташ текисликда жойлашган. Одатда, бундай жойларда барпо қилинган шаҳарлар ниҳоятда обод ва кўркем бўлади. Юксаклик, паст-баландликлар ва текисликлар бағрида шаҳар ўзига хос гўзаллик касб этади. Шаҳар бағридан оқиб ўтган дарё, канал ва сойлар унга алоҳида файз бағишлайди.



“Бунёдкорлик ишларига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз!”

Кўп ажиб шаҳарларимиз бор. Буларнинг орасида Жиззахнинг ўз ўрни бор. “Иштихон транс сервис” МЧЖ корхонаси вакили билан кетарканман, гап қўшдим.
– Тоғлар орасидаги шаҳар экан!
– Тоғлардан қолишмайдиган биноларимиз ҳам бор, – дея кулимсиради корхона вакили. – Жиззахнинг кўрки ҳам шуларда аслида.

Ҳақиқатда, Жиззах ҳақида гап кетганда улғувор тоғлар-у хушмаъво манзиллар хаёлга келади. Шаҳарнинг бугунги шакл-шамойили аввалгисидан фарқ қилади. Бунда ҳудуддаги улкан қурилиш ва реконструкция жараёнлари катта аҳамият касб этади. Олиб борилаётган бундай ҳаракатлар Жиззах вилоятининг ташқи кўринишини буткул ўзгартириб, аҳолининг яшаш шароитларини ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Айтиш керакки, жорий бунёдкорлик жараёнларида “Иштихон транс сервис” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам ўз ўрни бор.

этилди. Айтиш керакки, Жиззах шаҳрининг “Сўғдиёна” футбол клубининг футбол академияси биноларини тиклаш ишларини олиб боряпмиз. Маълумки, Жиззахда шу пайтга қадар “Сўғдиёна” футбол клубининг алоҳида мактаби йўқ эди. Мазкур спорт таълим масканининг қурилиши 2021-2022 йилларга мўлжалланган. Шунингдек, Зомин туманидаги “Ғаллакор” МФЙ ҳудудида коммуникация тармоқларини тортиш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бордик.

“Иштихон транс сервис” масъулияти чекланган жамия-



“Иштихон транс сервис” масъулияти чекланган жамияти нафақат қурилиш-реконструкция жараёнларида, балки ўзининг илғор техник базасига эга қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғига ҳам эга. 20 та самосвал, 9 та кран, 6 та юк ташувчи автомашина, 1 дона слон ва бошқа кўплаб қурилиш ускуналари корхонанинг ютуқларида асосий ўринни эгаллаб келмоқда.

қурилиш ускуналари корхонанинг ютуқларида асосий ўринни эгаллаб келмоқда.

Ҳозирги кунда корхонада 83 нафар доимий ишчи фаолият юритиб келаётган бўлса, мавсум ва иш ҳажмига қараб 300 нафаргача ёлланма ишчилар фаолият юритади. Шу кунга қадар “Иштихон транс сервис” масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилган бинолар Жиззах шаҳри ва вилояти аҳолисининг ижтимоий ҳимояси ва турмуш даражасининг ўсишига туртки бўлиб келмоқда. Мазкур корхона аҳоли учун турар жойлар қуриш билан бирга давлат идора ва ташкилотларининг буюртмалари асосида ҳам кўп-

лаб хизмат уйларини қуриб, фойдаланишга топширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Мудофаа вазирликлари ходимлари учун Жиззах шаҳрида қуриб битказилган хизмат уйлари шулар сирасидан.

Жиззах вилоятининг жўғрофий жойлашуви, табиати, иқлими, ландшафти ўзига хос. Бу ҳудудда осмонўпар тоғлар ҳам, чеки-чегараси йўқ сув ҳавзалари ҳам, бепоён экинзорлару, оёқ боссанг куйдирадиган қум барханлари ястаниб ётган даштлар ҳам бор. Ҳар бири туманда одамнинг эътиборини ўзига тортадиган, диққатга сазовор обида, зиёратгоҳ, узоқ-яқин

тарихдан қолган ёдгорликлар мавжуд. Жиззах вилоятининг Арнасой, Бахмал, Ғаллаорол, Шароф Рашидов, Фориш, Янгиобод, Дўстлик, Зарбдор, Зафаробод туманлари ўзининг табиий компонентлари ва қулайликлари билан ҳам туризм объектлари қурилиши рағбатлантиради. Бу борада “Иштихон транс сервис” корхонаси Бахмал туманида иккита мактаб ва битта туризм объекти қурилишини давом эттирмоқда.

– Бахмал тумани нафақат Жиззах вилоятида, балки бошқа ҳудудларда ҳам ўзининг бетакрор табиати билан ном қозонган, – деди Аброр Шарапов. – Корхонамиз ҳозирда мазкур туманда янги туризм объекти қурилиши ишларини олиб бормоқда. Мазкур объект Туризм ва маданий мерос вазирлиги буюртмасига биноан қурилмоқда. Мазкур бино ахборот маркази, намозхона, сельфи майдончалари, ён-атрофдаги манзарани томоша қилиш учун 400 метр баландликда зина платформалари қуриб битказилди. Айтиш жоизки, мазкур туризм объекти меҳмонларни қабул қилиш ва улар учун миллий туризм салоҳиятимизнинг имкониятларини кўрсатишга хизмат қилади.

Жиззахликларни унумдор ер, қазилма бойликлари, иқлим шароити жиҳатидан ҳам табиат сийлаган. Энди эса ҳудудда қурилиш соҳасининг ҳам ривожланиб бораётганини кўриш мумкин. Жиззахнинг ўтмишига, табиатига яраша улғувор, кўркам бинолар-у иншоотларнинг қурилиши ҳудуднинг янги қиёфаси бўлиб хизмат қилмоқда. Серсув кўллар, бебаҳо табиий имкониятлар Жиззахда бир қатор тармоқларнинг ҳам униб ўсишига замин ҳозирламоқда. Бундай улғу ҳаракатларга ўзининг ҳиссасини қўшиб келаётган “Иштихон транс сервис” корхонаси ҳам амалда ҳудуддаги бунёдкорликларнинг муҳим иштирокчисига айланиб улгурган.



Ҳар бир нарсанинг ўзига хос ибтидоси бор. Хусусан, “Иштихон транс сервис” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам таъсис этиш тарихи бирмунча қизиқарли. Асли Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидан келган Анвар Самиев 2014 йили Жиззах шаҳрида янги корхонани ташкил этди. Бугун мазкур корхона Жиззах шаҳри ва вилоятга қарашли туманларда кўплаб бунёдкорлик ишлари билан машғул. Малакали, ишбилармон ва қурилишнинг сир-синоатини пухта эгаллаган бунёдкорлардан таркиб топган корхона жамоаси Жиззахдаги қурилиш корхоналари орасида ўз ўрнига эга.

– Корхонамиз томонидан 2017 йилдан буён Жиззах шаҳрида 20 дан ортиқ 7 қаватли турар жой бинолари қуриб битказилди, – деди корхона раҳбари Аброр Шарапов. – Шунингдек, бу муддат оралиғида 9 та беш қаватли уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2021-2022 йилларда вилоят марказида 3 та 9 қаватли бино қуриб, халқимизга тақдим



Сурхондарё вилоятидаги «SHUHRAT INVEST SERVIS» МЧЖ жамоаси

*Ҳурматли қурилиш
соҳаси ходимлари,
барчанизни
касб байраминиз
билан самимий
қутлаймиз!*



Қашқадарёда бир қурилиш корхонаси бор...



Ҳа, Қашқадарёда қурилиш корхоналари бисёр, аммо бу корхонанинг ўрни бўлакча. Ҳақиқатан ҳам, “DASHT QURILISH TA'MIRLASH FAYZ” хусусий корхонаси вилоятнинг кўзга кўринган корхоналаридан бири. У 2010 йил таъсис этилган бўлиб, шу кунга қадар кўплаб қурилиш ишларига муаллифлик қилди. Корхона таъсисчиси Қаҳҳор Отамуродов кўп йиллик тажрибаси ортида ўзига хос жамоани шакллантира олди.

Корхона ҳозирги кунда вилоятда қурилиш-архитектура соҳасининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Қаршининг иссиғи бир ёнга-ю шаҳардаги қурилишларнинг тадрижи бир ёнга экан. Шаҳарнинг кенг кўчалари бўйлаб юрар экансиз, асосан яқин йиллар ичида қуриб, битказилган янги биноларга ростланасиз. Бу эътиборимни тортиб, ёнимда бораётган “DASHT QURILISH TA'MIRLASH FAYZ” корхонаси вакилини сўроққа тутдим.

– Бу мактаб ҳам янги қурилган экан-а? Корхона вакили кулимсиради.

– Бу Қарши шаҳрига қарашли 41-мактаб биноси, – деди мактабга ишора қилиб. – Тўғриси, шу мактаб ҳам бизнинг корхона томонидан қуриб битказилган.

Корхона ижтимоий объектлар қурилишларида бир қанча объектларнинг реконструкциясида бирламчи вазифани бажарди. Ўнлаб мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари бинолари, турар жойлар бу жараёнларнинг натижасидир.

Албатта, Қашқадарё – қадимий ва табаррук замин, мард ва бағрикенг, меҳнатқаш ва лафзи ҳалол, ғурури баланд инсонлар юртидир. Бу воҳа ўзининг ноёб табиий бойликлари, улкан sanoat салоҳияти билан юртимизнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ривожига беқиёс

ҳисса қўшиб келаётгани эл-юртимизга яхши маълум. Қашқадарёдаги қурилишларнинг ўтмиши узоққа бориб тақалади. Бу заминда бир замонлар бутун дунёнинг кўзини қувонтира оладиган

зодагонлари ҳам Оқсаройни кўрганида ҳайратдан лол қолаётган эди”. Қизиғи ўтмиш бунёдкорликлари ҳавоси бугунга келиб Қашқадарёга қайтгандек. Худудда қурилиш корхоналари юзлаб муаллифлик ишларининг устида фаолият олиб боришмоқда. “DASHT QURILISH TA'MIRLASH FAYZ” хусусий корхонаси ҳам ўтган 2021 йил ҳисобиди 18 млрд сўм ҳажмдаги қурилиш ишларини бажарди. Жорий йилда бу кўрсаткични икки баробарга оширишни кўзда тутган корхона, айна дамда ҳам кўплаб реконструкция жараёнлари билан машғул бўлмоқда.

– Ҳозирги пайтда Касби туманининг Юксалиш массивида 330 ўринли мактаб биносини қуряпмиз, – деди Қаҳҳор Отамуродов. – Шунингдек, 12х24 ўлчамли спорт залининг қурилиши ҳам параллел олиб борилмоқда. Албатта, ижтимоий объектларнинг қурилишлари корхонадан юқори малакалиликни талаб этади. Бизнинг корхона жамоаси ҳам бу борада яхши кўрсаткичларга эга, деб ўйлайман.

кур қурилиш ишлари тендер савдолари орқали ютиб олинган бўлиб, келажакда 20 хонадондан иборат турар жой биноси аҳолимизнинг уй-жойга муҳтож қатлами учун тақдим этилади.

Шунингдек, ҳозирги кунда корхона томонидан Деҳқонобод туманида ичимлик суви тармоқларини тортиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳа жорий йил тўлиқ тугалланиши натижасида аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлиш бахтиги мушарраф бўлади.

“DASHT QURILISH TA'MIRLASH FAYZ” хусусий корхонасида 70 нафар ходим доимий иш билан таъминланган бўлиб, ўз ўрнида мавсумий 100 га яқин ёлланма ишчи фаолият олиб боради. Корхонанинг иш жараёнларида асосий ўринни эгаллаб келаётган автокранлар, кранлар ва юк ташишга ихтисослашган автоуловлар доимий қизғин иш жараёнида бўлиб келмоқда.

Қашқадарё вилоятининг Нишон тумани худудидаги Нуристон массивида 5 қаватли 30 хонадондан иборат турар жой биноси корхона фаолияти давомида амалга оширган йирик ишларидан бири ҳисобланади. Ушбу лойиҳа “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси тарафидан молиялаштирилган бўлиб, мазкур турар жойлар халқимизга тақдим этилди.

Қарши шаҳрининг кечмиши қадимий Насаф манзилларидан ўтган. Шундай муборак ва қадим ўтмишга туташ шаҳарнинг бугуни ҳам янгилашларга бой. Ушбу бойликка муносиб ҳисса қўшиб келаётган, келгусида яна кўплаб иншоотлар барпо этиб, минглаб юртдошларимизни нафақат уй-жой, балки иш билан ҳам таъминлашга ҳисса қўшишга аҳд қилган Қашқадарё вилоятидаги энг фаол қурилиш ташкилотларидан бири “DASHT QURILISH TA'MIRLASH FAYZ” хусусий корхонаси жамоасига касб байрами муборак бўлсин!

“DASHT QURILISH TA'MIRLASH FAYZ” хусусий корхонаси
ҳам ўтган 2021 йил ҳисобиди

18 млрд

сўм ҳажмдаги қурилиш ишларини бажарди.

Жорий йилда бу кўрсаткични икки баробарга оширишни кўзда тутган корхона, айна дамда ҳам кўплаб реконструкция жараёнлари билан машғул бўлмоқда.

даражадаги бино-иншоотлар қурилиши давом эттирилган. Бунга энг чиройли мисол, албатта, бир замонлар Амир Темур ҳузурига ташриф буюрган испан элчиси Клавихонинг шу ибораси бўлган эса не ажаб: “Парижнинг энг нозик дидли

Фуқароларимизнинг ижтимоий ҳимоясида муҳим ўрин тутиб келаётган субсидия маблағлари ҳисобидан Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида 5 қаватдан иборат 1 йўлакли турар жойлар қурилишини ҳам давом эттирмоқдамиз. Маз-

*Юртимиздаги бунёдкорлик
тараёнларида ўзининг
юксак продаси ва меҳнатини
сарф этаётган қурувчиларни
касб байрами билан табриклаймиз.*

Сурхондарё вилоятидаги
«КАФОЛАТ ТЕРМИЗ» МЧЖ

Оилавий анъанага айланган қурувчилик касби...



Қашқадарё воҳасида қурилиш-бунёдкорлик анъаналари кўп асрлик тарихга эга. Ўлкада олиб борилаётган қурилиш-реконструкция ишларининг салмоғи бунга мисол бўла олади. Йўл қурилишдан тортиб, йирик ижтимоий объектларгача бўлган узун қурилиш тармоғи Қашқадарёнинг бугунги кўркини таъминловчи унсур бўлмоқда. Миришкор бошқарувчи Учқун Эшқобилов бошчилигидаги 2012 йилда ташкил этилган “Юксак замин” масъулияти чекланган жамияти ҳудуднинг меъморий ландшафтининг хилма-хиллигига ҳисса қўшиб келаётган серғайрат корхоналардан биридир.

тун-у кун қурувчиларнинг хизматига шай бўлмоқда. Бундай суронли қурилиш жараёнлари ўз ўрнида кишиларнинг ижтимоий ҳимояланиши, фаровонлигининг оширилиши ва воҳанинг иқтисодий салоҳиятининг ўсишига муносиб туртки бўлмоқда.

2021 йилда 7 млрд сўм ҳажмдаги лойиҳа амалга оширилди. Нишон ту-

аҳолининг тиббий саломатлигини оширишга мўлжалланган мўъжаз масканини барпо этди.

– Ҳозирги кунда корхонада 60 нафар ходим фаолият олиб бормоқда, – деди Учқун Эшқобилов. – Аммо қурилиш ҳажми ва мавсумга қараб ёлланма ишчилар кучидан фойдаланилади. Умуман, қурилиш ва бу анъана оиламизнинг иш фаолиятига айланиб улгурган. Фарзандларим ҳам қурилиш ва архитектура соҳасида билим олиб, ҳозирги кунда хорижий компаниялар иштирокидаги инвестициявий лойиҳаларнинг реконструкциясига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда ҳам “Юксак замин” масъулияти чекланган жамиятига қарашли қурилиш майдонларида ишлар қизғин давом этмоқда. Ёзнинг иссиғида ҳам корхонанинг меҳнаткаш жамоаси энг юқори савияда реконструкция жараёнларига урғу бермоқда. Хусусан, Қарши шаҳридаги Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳудудида 14 млрд сўм маблағ ҳисобига туғруқхона биноси қурилиши бошлаб юборилган. Ҳозирда мазкур қурилиш объектларининг биринчи ва иккинчи босқичлари давом этмоқда.

Мамлакатнинг ривожига қурилишларнинг алоҳида ўрни бор. Бу айниқса,

Юртнинг ободлиги, халқнинг фаровонлиги маҳалла ва қишлоқлардан бошланиши бор гап. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан чекка-чекка ҳудудлардаги аҳоли пунктларида барпо этилаётган замонавий уй-жойлар, таълим муассасалари, маҳалла бинолари ва тиббиёт муассасалари, қатор хизмат кўрсатиш шохобчалари янгича қиёфа касб этмоқда.

Қурилиш индустрияси негизини давлат, акциядорлик жамиятлари, пудрат қурилиш-монтаж ташкилотлари, шунингдек, ўз моддий-техника базасига, малакали ишчи ва мутахассис кадрларга эга бўлган корхоналар ташкил этади. Ўзбекистонда қурилиш компаниялари, корпорациялари, қурилиш акциядорлик жамиятлари ва бирлашмалари, қўйи пудрат ташкилотлари, кичик корхоналар, қўшма корхоналари фаолият кўрсатади. Қурилиш ишларининг деярли барчасини ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари амалга оширади. Бу каби компаниялар ўз ўрнида миллий қурилиш тизимининг ҳаракатлантирувчилари ҳисобланади. Шубҳасиз, “Юксак замин” масъулияти чекланган жамияти шундай ташкилотлардан бири ҳисобланади.

Яқин ўтган даврларда “Юксак замин” масъулияти чекланган жамияти Шўртан нефть-газ акциядорлик жамиятига қарашли ёқилғини қайта ишлаш заводи ходимлари учун 200 ўринли ётоқхона қурилишини якунлади. Ҳузур туманидаги Қовчин қишлоғида болалар мактабгача таълим ташкилоти қурилиши тўлиқ тугатилди. Шунингдек, касалхоналар, мактаблар ва бошқа турдаги ижтимоий объектларнинг қурилишларини амалга ошириб келмоқда.

– Ҳозирги даврда Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида ўрта таълим мактабининг қурилиш ишларини олиб бораёмиз. – деди корхона раҳбари Учқун Эшқобилов. – Шунингдек, Косон тумани ҳудудида ўз маблағларимиз ҳисобидан аҳоли учун турар жой биноларининг қурилишини давом эттирмакдамыз. Мазкур қурилиш ишлари бевосита тендер савдолари орқали ютиб олинган объектларда олиб борилмоқда. 20 хонадондан иборат 6 қаватли бинолар келажакда Косон тумани учун муносиб яшаш ҳудудига айланишига аминмиз. Айтиш жоизки, корхонамизнинг алоҳида тармоғи ҳисобланадиган ишлаб чиқариш тармоғимиз орқали нафақат ўзимизнинг қурилиш



Қарши шаҳридаги
Қашқадарё вилояти болалар
кўп тармоқли тиббиёт
маркази ҳудудида

14 млрд

сўм маблағ ҳисобига
туғруқхона биноси қурилиши
бошлаб юборилган.
Ҳозирда мазкур қурилиш
объектларининг биринчи
ва иккинчи босқичлари
давом этмоқда.

объектларига, балки бошқа қурилиш корхоналари учун ҳам зарур материалларни етказиб бермоқдамиз.

“Юксак замин” МЧЖга қарашли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғида қурилишнинг таянчи ҳисобланмиш ғишт, темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бу корхонанинг мавжуд қурилиш жараёнлари учун том маънода таъминловчи унсур бўлиб хизмат қилмоқда. Улкан кранлар, юк ташувчи автомобиллар, бетон қоритиш ускуналари



маннинг Қори Ниёзий ва Ўзбекистон кўчаларида велоўлақлар қуриб битказилди. Ушбу қурилиш-ободонлаштириш жараёнлари учун корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган бетон маҳсулотларидан фойдаланишга ўтилди. Шунингдек, корхона Қашқадарё воҳасининг Касби туманига қарашли Қамаш қишлоғида 8-оилавий поликлиниканинг реконструкция-таъмирлаш ишларини олиб бориб,

ҳозирги давр учун айтилгандек. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлигининг бир кўриниши ҳам бевосита қурилиш ва замонавий биноларнинг барпо этилгани ҳисобланади. Ўйлаймизки, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг энг чекка ҳудудларида ҳам олиб борилаётган қурилиш ишлари келажакда мамлакат иқтисодиётининг двигателларидан бирига айланади.

Юртимиз бунёдкорларининг ҳақиқий таянчи

Навоий юртимиздаги энг гўзал ва кўркам вилоят ҳисобланади. Бошқа вилоятларга нисбатан “ёш” бўлса-да, замонавий иншоотлар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, шинам турар жойлар ва ижтимоий соҳа объектлари бу ҳудудга ўзгача салобат бағишлаб турибди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби бугун Навоий вилоятида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари авжида. Бу улкан бунёдкорлик ишларига 2015 йилдан буён “Тayanch qurilish servis” МЧЖ жамоаси ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Рустам Саломов таъсисчилигида ташкил этилган жамоа қурувчилари асосан ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш билан шуғулланади. Улар томонидан бунёд этилган замонавий типдаги мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари, барча шароитлари мужассам поликлиника биноларидан тортиб махсус шифоналардан бугун вилоят аҳли унумли фойдаланиб келяпти.

Ўтган йилларда барпо этилган объектлар орасида Навоий вилояти теританосил касалликлари шифонасининг янги биноси бетакрор қиёфаси билан ажралиб туради. “Тayanch qurilish servis” МЧЖ меҳнаткашлари махсули сифатида Инвестиция дастури асосида бунёд этилган мазкур муассасанинг умумий қиймати 17 млрд 900 млн сўм бўлиб, йилдан-йилга

ўтувчи ушбу объектда 8 млрд сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилган.

Натижада “Тayanch qurilish servis” МЧЖ томонидан шифонанинг 110 ўринли диспансери ҳамда 55 қатновли поликлиника биноси янгидан бунёд этилди. Энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт муассасасида тажрибали шифокорлар томонидан беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Шу йиллар мобайнида МЧЖ меҳнаткашлари томонидан Қизилтепа туманида яна 2 та замонавий шифона ҳам қуриб, фойдаланишга топширилган. Ушбу объектлардан бири – соматик касалликлар шифонаси бўлиб, 80 ўринга мўлжалланган. Бир неча йил илгари сил касалликлари диспансери сифатида фаолият юритган, аммо кейинчалик бу касалликнинг кескин камайиши натижа-сида бўшаб қолган мазкур бино 4,5 млрд сўм маблағ эвазига мукамал реконструкция қилиниб, замонавий кўринишга келтирилди. Шифона таркибида неврология, кардиология, эндокриноло-

гия, терапия бўлимлари, жонлаштириш терапия пости, марказий лаборатория мавжуд. Шу билан бирга, ушбу масканда Бўстон маҳалласи аҳолиси учун янги қишлоқ оилавий поликлиникаси ҳам иш бошлади.

Бундан ташқари, “Стандарт диагностика” хусусий клиникаси ҳам барпо этилган. Тадбиркор Алишер Атоев раҳбарлигидаги клиникада стационар даволаниш учун 30 та ўрин яратилиб, жарроҳлик ва жонлаштириш бўлими фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу шифо масканида травматолог, стоматолог, гинеколог, уролог, жарроҳ, лор, кардиолог, эндокринолог, невролог каби 15 га яқин мутахассислар фаолият олиб бориши кўзда тутилган. Шунингдек, бу ерда беморларга туманда биринчилардан бўлиб озонотерапия, физиотерапия, лазеротерапия, ЭФГДС, колоноскопия, 4D ўлчамли УЗИ, скрининг каби бир қатор хизматлар кўрсатилади. Ушбу замонавий клиникани тадбиркорнинг 2 миллиард 756 млн сўм ўз маблағи ва 207 минг АҚШ доллари қийматидаги кредит ҳисобидан барпо этди. Клиниканинг ишга тушиши 25 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлади.

Бугун бу шифо масканларида ўз дардларига даво топаётган ҳар бир инсон нафақат шифокор ва ҳамширалардан, балки улар учун шундай замонавий кўринишдаги шифона қуриб берган қурувчилардан ҳам миннатдор бўлса ажаб эмас.

“Тayanch qurilish servis” МЧЖ жамоаси бундай савобли ишни бугун янада катта ҳажмда давом эттирмоқда. Хусусан, Қизилтепа туманидаги 2-мактаб биноси реконструкцияси, Навоий архитектура ва қурилиш техникуми биноси, шошилинч тез тиббий ёрдам масканлари қурилиши шулар жумласидандир.

Қурилишда энг муҳими нима?

Пухта лойиҳа, сифатли қурилиш материалари ёки малакали қурувчилар...

Аслини олганда мустаҳкам ҳамда замонавий типдаги шинам иншоотнинг қад ростлаши учун юқоридагиларнинг барчаси бирдек муҳим ҳисобланади. Бу масалалар яқинда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида яна бир карра муҳокама қилинди. Йиғилишда сўнги беш йилда қурилиш соҳаси иқтисодиётимизнинг “драйвер” йўналишига айлангани таъкидланиб, бу даврда 250 минг хонадонли 8 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар, 21 минг сервис-хизмат кўрсатиш ва 10,5 минг ижтимоий соҳа объекти қурилгани ҳамда 31 минг корхона ташкил этилгани айтилди.

Мана шу рақамларнинг ўзиёқ бугун юртимиз қай даражада улкан бунёдкорликлар маконига айланганидан далолат бериб турибди. Бу бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган навоийлик қўли гул қурувчиларга ҳам касб байрами муборак бўлсин!

Қурилиш соҳасининг барча ишчи-ходимларини касб байрами билан самимий табриклайди.

Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, амалга ошираётган эзгу ва шарафли меҳнатларида куч-қувват, янгидан-янги зафарлар тилайди. Юртимиз ҳамиша тинч, меҳнатсевар ва меҳмондўст халқимиз доимо омон бўлсин!

“Тayanch qurilish servis” МЧЖ



“Sharq qurilish servis” МЧЖ Навоий вилоятидаги энг фаол қурилиш ташкилоти



Бугун юртимизнинг бирор гўшаси йўқки, қурилиш ҳавоси кириб бормаган бўлса. Бу жараёнлар сўнгги йиллардаги миллий ислохотларнинг очиқ кўриниши бўлмоқда. Кўпдан-кўп турар жой бинолари, ижтимоий объектлар ва равон йўллар мамлакатнинг иқтисодий ўсиб бораётганидан далолат. Навоий вилоятида фаолият олиб бораётган “Sharq qurilish servis” масъулияти чекланган жамияти ўзининг йирик қурилишларию, ишлаб чиқариш тармоғи билан вилоятдаги энг илғор жамиятлардан бири ҳисобланади.



Мазкур корхона томонидан бажарилган ишларни санаб санабга етиб бўлмайди. Жумладан, корхона Навоий шаҳрида ихтисослашган Олимпия захиралари мактаб-интернатига 300 ўринли ётоқхона ва Навоий вилояти халқаро аэропорти ҳудудида ёпиқ мажлислар залини қуриш, Кармана гидроузелини, Қизилтепа тумани Ўртачўл массивидаги “Юлдуз” мелиоратив насос станциясини, Зарафшон шаҳри sanoat ҳудудида жойлашган 7551-ҳарбий қисм биноларини реконструкция қилиш, Қизилтепа тумани Гулбоғ маҳалласига янгидан ичимлик сув тармоғини тортиш каби қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатли бажарилиб, фойдаланишга топширилди.

Ғишт маҳсулотларини тайёрламоқда. Шунингдек, тайёр бетон маҳсулотлари ҳамда жамият тасарруфидаги хўжалик юртувчи субъектларда қурилишда ва чинни маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган кум, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда иссиқхона фаолиятлари йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда “Sharq qurilish servis” МЧЖ корхонасида 522 киши фаолият юритмоқда. Кор-

Корхона таркибидаги тармоқ ва цехлар бугун тўлиқ қурилиш-монтаж ишларини бажариш, бўёқ ва темир-бетон маҳсулотлари, акфа ва ёғочдан ишланган эшик, дераза ромлари, уй ва офис жиҳозларини (мебель) ишлаб чиқариш, турли фракциядаги шебен, металл конструкциялар, бетон



хона шу кунга қадар тажрибали раҳбар бошчилигида кўплаб қурилиш-таъмирлаш ишларини ҳам бажарди.

– 2022 йилда Навоий ЭИЗ ҳудудида қишлоқ хўжалиги ерларини томчилаб суғориш тизими лойиҳаси ҳамда жамиятга тегишли ҳудудда цемент, гранит плиталари ишлаб чиқаришни ташкил этиш режалаштирилган, – деди корхона раҳбари Шуҳрат Шарипов. – Шунингдек, халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳалар доирасида бир қанча қурилиш ишларини бажардик. Жумладан, Осие тараққиёт банки лойиҳаси бўйича Конимех тумани аҳолиси учун ичимлик сув таъминоти объекти, Ислон тараққиёт банки лойиҳаси бўйича Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида

30-сонли 216 ўринли умумтаълим мактаби, Жаҳон банки лойиҳаси бўйича Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида “Сувоқова” унитар корхонаси учун маъмурий, лаборатория ва хўжалик бинолари сифатли қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Жамият томонидан сўнги уч йилда Навоий вилоятидаги “Конимех-1” насос станциясини мукамал таъмирлаш объектида 35 731,3 млн сўмлик, “Навоий” каналини мукамал таъмирлаш объектида 1 721,9 млн сўмлик, Кармана туманидаги “Малик-работ” ҚФЙ ва “Сардоба” МФЙ аҳолиси учун ичимлик суви таъминоти ва сув иншоотини мукамал таъмирлаш объектида 1 874,9 млн сўмлик, Навоий вилояти Марказий банк бошқармаси биносини капитал таъмирлаш объектида 730,5 млн сўмлик, вилоят Жиноят ишлари суди маъмурий биноси қурилиши объектида 5 417,1 млн сўмлик қурилиш ишлари муваффақиятли бажарилди.

Шунингдек, Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 2 000 гектар майдондаги боғдорчилик хўжаликларидан томчилаб суғориш тизимини ташкил қилиш учун отстойник ва қувурлар тармоғини қуриш, Хатирчи туманидаги Оқолтин каналини реконструкция қилиш, Кармана туманидаги “Камолот” уйлари ташқи коммуникациялари, ичимлик ва оқова сув

тармоқлари қурилиши, Хатирчи туманидаги Хўжақўрғон маҳалласи маъмурий биноси қурилиши каби ишлар ҳам жамият аъзолари томонидан бажарилди.

Кармана туманидаги “Талқоқ” МФЙ ҳудудида тармоқлаштирилган прокуратура ва махсус прокуратура биноси қурилиши, гидроузелни реконструкция қилиш, Сирдарё вилоятининг Сардоба туманидаги Қўрғонтепа маҳалласида уйлари мукамал таъмирлаш, Хатирчи ва Кармана туманларида тик қудуқлар қуриш, Учқудуқ, Томди, Конимех ва Нурота туманларидаги чорвачилик хўжаликларидан қудуқлар қуриш, Навоий шаҳрининг Амир Темур кўчасида жойлашган “Микрокредитбанк” АТБ Навоий вилояти минтақавий филиалининг маъмурий биносида олиб борилган ишлар корхонанинг салоҳиятидан дарак бериб тургандек.

Корхонанинг бунёдкорлик йўлида амалга оширган ишлари, реконструкция ва қуриб битказилган иншоотларни яна кўплаб мисол қилиш мумкин. Зеро, бажарилган ишларнинг барчаси аввало, мана шу юрт, унинг меҳнатсевар халқи учун хизмат қилиши биринчи галдаги масала эканини “Sharq qurilish servis” МЧЖ жамоаси жуда яхши билди. Шу сабабли ҳам жамоанинг ҳар бир вакили ўзига берилган вазифани сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилади.

Ота касбини улуғлаган ўғлон

Булунғур туманидаги “Меъмор” хусусий корхонаси 1995 йилдан фаолият юритиб келади. Ўша пайтда қурувчилик соҳасида анчагина тажрибага эга бўлган, Самарқанд вилоятидаги қатор уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектларини қад ростлашида жонбозлик кўрсатган Мамаражаб Тўраев ана шу корхонани ташкил этган эди.

Таъсисчи атрофига тажрибали лойиҳачилар, мутахассисларни йиғиб, аҳолига яқка тартибдаги уй-жойлар чизмаларини тайёрлаш, савдо, маданий-маиший иншоотларни тиклаш, уларнинг меъморий қиёфасига эътибор қаратиш, бунёдкорларга маслаҳатлар бериш билан шуғулланди. Кейинчалик талабдан келиб чиқиб бошқа йирик бинолар, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш ишларини олиб бориш каби вазифалар ҳам аҳил жамоа зиммасига юклатила бошланди.

– Ҳамма нарсанинг ўз вақти бўлар экан, – деди Мамаражаб аканинг ўғли, айни пайтда шу корхона раҳбари Улуғбек Тўраев. – 2015 йилда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тамомлаб, шаҳарда ишламоқчи бўлиб юргандим. Отамнинг тавсиясига биноан у кишининг ишларини давом эттира бошладим.

Ёш, меҳнатга чанқоқ Улуғбек отасининг тавсиясига амал қилиб, кам бўлмапти. Бугун унинг номи туманда эмас, Самарқанд вилоятида кўзга кўринган қурувчилар сафида тилга олинмоқда. Чунки тадбиркор ва ишбилармон йигит ҳамкасблари имконияти, кучига таяниб корхонани янада кенгайтириш, малака-

ли мутахассислар билан тўлдириш, техника паркни янгилаш ва замонавий, механизмлар билан жамлаш каби ҳаракатларга қўл урди. 130 нафар ишчи-хизматчининг шароити, дам олиши, маоши билан қизиқди. Ғамхўрлик, оғизбирлик бор жойда муваффақиятларга ҳам кенг йўл очилар экан. Ёнида Акбар Тўраев, Абдунаби Сулаймонов, Жаҳонгир Раҳмонов сингари яқин елкадош, ҳамфикр кишилар бўлгани учун юки ерда қолмаяпти. Бинобарин, бугунги кун ёшлари ҳар жабҳада фаол ва илғор, доимо олға интилиб яшайди. Давлатимиз раҳбари томонидан очиб берилган имконият эшикларидан унумли фойдаланиб ишонч қозониш улар шиорига айланган.

Айнан ишонч қозониш, раҳбарлар назарига тушиш туфайли “Меъмор” зиммасига йилдан йилга катта вазифалар юклатилмоқда. Корхона бунёдкорлари ўтган йилда инвестиция дастури бўйича Булунғур туманидаги учта мактабни мукаммал таъмирлаш, Ғўбдин массивида 20 хонадонли иккита беш қаватли уй-жойни тиклашга сафарбар этилди.

Жорий мавсумда эса улар Навбахор маҳалласидаги 51-умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва спорт зали қуриш, Чўянтепа маҳалласидаги



14-мактабни мукаммал таъмирлаш ва 150 ўринли янги бино барпо этишга бошқош. Етарли малака ва кўникма тўплаган, ишчи кучига эга жамоа учун бу юмушлар қийинчилик туғдирмаётир. Муҳими, зарур техника воситаларига эҳтиёж сезилмаётгани, асосий бинокорлик материалларини ўзлари ишлаб чиқараётгани жуда асқатмоқда.

– Вилоятда қурилиши режалаштирилган ижтимоий-маданий иншоотлар, мактаб, мактабгача таълим муассасаларига қурувчини танламаймиз, – деди вилоят ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи” инжиниринг компанияси бош муҳандиси Суръат Қурбонов. – Уларга тендерда фо-


либ чиққан пудратчилар эғалик қилишди. Баъзида объект янги ташкилот чекига тушганда “улар қанақа мутахассислар экан”, деб ўйлаб қоламан. Лекин Улуғбекка ўхшаган қурувчилардан кўнглимиз тўқ. Чунки унинг имконияти маълум. Қолаверса, мактаб бунёд этиш, уни таъмирлашнинг лойиҳада кўрсатилмаган ўзига яраша нозикликлари борки, уни ҳамма ҳам илғайвермайди. Шу боисдан баъзи ишларни соҳани чуқур биладиган, тажрибали кишиларга топширган маъқул. Улуғбек ёш, лекин малакали мутахассис, ҳар бир ишнинг белгиланган меъёр ва талаблар асосида бажарилишини назорат қила олишини ёқтираман.

Гўзал юртимизнинг меҳнаткаш қурувчи, меъмор ва муҳандисларини касб байрами билан самимий қутлаймиз.

Сизларнинг фидокорона хизматингиз туфайли юртимиз кундан-кун чирой очмоқда.

Бу йўлда сизларга улкан ғайрат, сўнмас иштиёқ ва омад ёр бўлсин.

Ишингизга ривож, оилангизга қувонч ва соғлиқ тилаймиз!



“Меъмор” ХК жамоаси

Юрт ишқида ёнар қалб

Мамлакатимизда бошланган ислохотлар ҳар бир ҳудуд қиёфасида, аҳоли турмуш тарзида ўз аксини топмоқда. Юртимиз гўзаллашиб, обод манзиллар, кўркам шаҳар ва қишлоқлар кўпаймоқда. Қурилишлардаги янгича ёндашув ва бунёдкорлик соҳа ходимларига жўшқинлик бағишлаётганини сўз билан таърифлаб бўлмайди.

Кейинги беш йилда эришилган ютуқларнинг ўзи ҳар қандай кишини шошириб қўймоқда, дунёга бошқача нигоҳ ташлашга ўргатмоқда. Бунинг устига, “Янги Ўзбекистон” деган муқаддас калима келажгимиз порлоқ эканидан далолат. Қурувчи бўлганим, шу улғу мақсад йўлидаги савий-ҳаракатларда қатнашаётганим боис замонага шукроналар келтираман.

1987 йилда Пайариқ туманида туғилганман. Мактабни тамомлаб, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида таълим олдим. Сўнг, кўп йиллар қурувчи бўлиб ишлаган отам – Зафар Шамсиевнинг маслаҳати билан шу соҳани танлаганимдан фахрланаман. “Қурувчилик шарафли ҳунар, унинг этагини тутсанг, кам бўлмайсан”, деганди ўшанда. Шундан буён отамнинг ишини давом эттириб келаяпман. Тез орада “Мансур сифат қурилиш”, “Бунёдкор шижоат қурувчи” каби МЧЖларга асос солиб, лаёқатли йигит-қизларни ишга таклиф қилдим.

Жамоамиз билан бирга кичик буюртмаларни бажариб, эл назарига тушдик. Жамоани давр талабига мослаштириш, тажрибали ва малакали кадрларни тайёрлаш, машина-техника паркинни кенгайтириш, янгиликларни ўзлаштиришдан сира чарчамадик. Изланган имкон топар экан. Бугун тўлақонли фирма сифатида вилоятдаги қурилишларда фаол қатнашамиз.



Жамоада Авазбек Тошев, Қаҳрамон Халилов, Зафар Салимов, Соҳиб Солиев, Баҳодир Тўхтаев сингари билимдон, меҳнатқаш, тажрибали мутахассисларнинг борлиги астқатмоқда. 2021 йилда


“Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси буюртмаси бўйича иккита 5 қаватли уй-жойни қуриб, фойдаланишга топширдик. Пахтачи туманида 17 километр масофага ўрта қувватли

электр ҳаво линияси тортдик, Ургутда сув объектини ишга туширдик, Пайариқда саломатлик йўлакларини барпо қилдик.

2022 йил жамоамиз учун омадли бўляпти, вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги “Ягона буюртмачи” инжиниринг компанияси томонидан режалаштирилган ижтимоий соҳа объектлари қурилиши бўйича тендер савдосига қўйилган биноларнинг бештасини ютиб олдик. Шу кунларда мазкур иншоотларда ишлар қизиган. Қўшрабтдаги 5-умумтаълим мактаби, 1-МТТ, Пастдарғомдаги 88-ўрта таълим мактаби, Самарқанд туманидаги 5-мактабда таъмирлаш юмушларини сифатли бажаришга ҳаракат қиляпмиз. Бундан ташқари, йўл инфратузилмасини яхшилаш борасида катта режаларга қўл ўрганмиз. Жорий йилда Самарқанд шаҳридаги қатор йўлларни, СамДАҚИ хиёбони, Сартепа маскани кўчаларининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштиришдек масъулиятли вазифа зиммамизга юклатилган.

Ватан равнақи, юрт ишқи шижоатга бошлайди. Шундай тарих яратилаётганидан, бунда жамоамизнинг ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланаман.

Мансур ШАМСИЕВ,
Самарқанддаги “Мансур сифат қурилиш” МЧЖ таъсисчиси.



**Ўзбекистон Республикаси
қурилиш соҳаси ходимлари кунин
билан муборакбод этамиз**

**“МАНСУР СИФАТ ҚУРИЛИШ” МЧЖ,
“БУНЁДКОР ШИЖОАТ ҚУРУВЧИ” МЧЖ
жамоалари**

ТОШКЕНТ ШАҲАР

Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

Барча қурувчиларни,
лойиҳачи ва меъморларни
Ўзбекистон
Республикаси
қурилиш соҳаси
ходимлари кунини
билан муборакбод этади.

Байраминиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

Интиланганга толе ёр

Пахтачи туманида туғилган Жамшиджон Абдуназаров ёшлигидан қурувчилик касбига меҳр қўйган замондошларимиздан. У соҳада тиним билмай изланяпти, ютуқларга эришиш учун дадил қадам ташляпти. Бугун ёш ишбилармоннинг номи нафақат Самарқанд вилоятида, балки республикамизда ҳам довуғ қозонмоқда. У ташкил этган “Жамшиджон универсал савдо” хусусий корхонаси энг намунали қурилиш ташкилотлардан бири сифатида эътироф этилаётир. Корхонанинг келажакдаги режалари борасида мухбиримиз Ҳамза Шукуров Жамшиджон Абдуназаров билан суҳбатлашди.

– Аввало ўзингиз ва корхонанинг ютуқлари тўғрисида гапириб берсангиз.

– Кўп болали оилада камолга етганман. Бинокорлик касбига қизиқишимнинг сабаби отам ҳам, онам ҳам қурилиш соҳасида меҳнат қилиб, беш нафар фарзандни вояга етказишган, қолаверса, шу сеvimли касблари орқали эл ўртасида обрў топишган. Соҳага кириб келишимга улар таъсир кўрсатишган. Қизиқишим туфайли мактабни тамомлагандан сўнг касб сирларини ўзлаштиришга аҳд қилиб, қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хўналар коллежида таҳсил олганман. Шундан кейин Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида ўқишни давом эттирдим. Олий маълумотли мутахассис бўлгач, ўз йўналишим бўйича турли жойларда ишлаб, тажриба орттирдим.

Давлатимиз ишбилармонлиқни ривожлантиришга эътибор қаратаётгани, ёшларнинг ҳаётдан муносиб ўрин эгаллаши учун кенг имкониятлар бераётганидан фойдаланиб, 2010 йилда “Жамшиджон универсал савдо” хусусий корхонасига асос солганман. Мана, ўшандан буён жамоа билан халқимиз хизматида, эл-юрт манфаати йўлида меҳнат қиляпмиз. Барча ютуқларимиз замирида ғайрат-шижонат турибди.

– 2022 йил ижтимоий соҳа объектилари қуриш бўйича ўтказилган тендер корхонангизга омад келтирган экан, шу ҳақда гапириб берсангиз.

– Очиғи, ўзимиз ҳам кутмаган эдик. Тендер савдолари орқали вилоятда барпо этиладиган ва таъмирталаб еттита

ижтимоий соҳа объектини ютиб олишимизни вазирлик томонидан ишга туширилган “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимининг афзаллиги, деб биламан. Тармоқдаги давлат хизматларини тўлиқ рақамлаштириш, ҳужжатларнинг электрон шаклда айланишини таъминлаш, барча маълумотларни автоматик тарзда шакллантириш имконияти яратилгани бизга қанот бағишламоқда. Айти пайтда Каттақўрғон шаҳридаги тиббиёт бирлашмасига қарашли поликлиника биносини 200 ўринли оилавий поликлиникага мослаштириш, 5- ва 8-мактабгача таълим ташкилотларини реконструкция қилиш, Самарқанд давлат университети Каттақўрғон филиалининг 500 ўринли талабалар турар жойи биносини қуриш, Нарпай туманидаги 33-мактаб, Пахтачи туманидаги 27-, 46- мактаблар, 2-мактабгача таълим ташкилотини мукамал таъмирлашда ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

– Ҳозир кўплаб соҳалар каби қурилишда ҳам кластер тизимига ўтилмоқда. Бу борада қандай режаларни амалга ошираяпсизлар?

– Ҳар қандай қурилишда сифатга эришиш учун ишлатилаётган материалларга боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб анча илгари бу ишга киришганмиз. Яъни, айти пайтда ўзимизга тегишли тош-шағал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи, ғишт маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, тайёр бетон ва бетон маҳсулотлари, пайвандлаш цехларини йўлга қўйганмиз. Бу юмушларни амалга оширишда маслаҳатчилар, тажрибали



усталар, акам Шерназар Худойназаров, иш юритувчи Эркин Қурбонов, муҳандислар Эсон Сафаров, Обид Назаров, оператор Аслиддин Ачилов, машинист Азамат Жўраев, шунингдек, Умиджон Шомуродов, Ғайратжон Буранов, Акмал Бобожонов, Расул Шукуров кабилар катта ёрдам беришаётир. Айтиш жоизки, ишимизни энгиллаштиришда 10 дан зиёд техника воситалари асқатмоқда.

– Ишчи-хизматчиларга яратилган ша-роитлар ҳақида гапирсангиз

– Корхонамизда 138 нафар киши меҳнат қилади. Мавсумларда эса 300 нафардан кўпроқ кишини ишга оламиз. Улар билан индивидуал суҳбат ўтказишга алоҳида эътибор қаратаман, техника хавфсизлиги бўйича тушунтириш берамиз. Қолаверса, уларнинг иши, дам олишлари, овқатланиши доимий назоратда бўлади. Маошлар ҳам ўз вақтида бериб борилиши ишга иштиёқини ошириш билан бирга, янги ютуқларга бошлайди.

– Корхона мутахассислари аҳолига уй-жойлар қуриш борасида анча тажрибага эга эканини эшитдик.

– Дарҳақиқат, шундай, қайси қурувчи бу борада ўз салоҳиятини синаб кўрмайди, дейсиз. Туманимиздаги Истиқлол маҳалласида кўп қаватли хонадонлар бунёд этишга киришганмиз. Қолаверса, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманининг Елабод посёлкасида ҳам “Янги Ўзбекистон” массивини қуришга баҳоли қудрат ҳисса қўшяпмиз. Ҳозир бунёдкорларимиз бу ердаги 5 қаватли 30 хонадонли 2 та, 5 қаватли 24 хонадонли 2 та, 5 қаватли 20 хонадонли 6 та турар жойни фойдаланишга топширишга ҳаракат қилишмоқда.

– Ҳамкасбларга байрам табригингиз бўлса керак.

– Албатта, нафақат жамоамизни, балки республикамизда шу шарафли касбни ардоқлаётган ҳамкасбларимни қутлуғ кун билан чин қалбдан муборакбод этаман. Уларнинг келгуси ишларига ривожу раванқ, ҳаётларига бахт-саодат тилайман.



Ўзгаришларда меҳнаткаш воҳаликларнинг ўз ўрни бор

“Термиз-Бойсун қурилиш” масъулияти чекланган жамияти Исломиддин Болтаев таъсисчилигида 2009 йилда ташкил этилган. Қурилиш соҳасида 10 йилдан ортиқ тажриба ва кўникмаларга эга бўлган корхона ҳозирги кунда кўплаб қурилиш-реконструкция ишларини олиб бормоқда. Айти дамда корхонада 150 нафардан ортиқ ходимлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг жанубий қисми бўлган Сурхондарё ўзининг сўлим табиати, бетакрор манзаралари билан ҳар қандай инсонни ўзига ром эта олади. Адирлар, тоғлар, бетакрор тарихий масканлар, ўтмишнинг ҳақиқий юзи бўлган десак муболаға эмас. Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятида қурилиш саноати ҳам ривож топиб бормоқдаки, буни вилоятдаги оддий шаҳарчадан тортиб, марказий шаҳарларгача кириб борган қурилиш-реконструкция жараёнлари орқали тўла англашингиз мумкин.

Исломиддин Болтаев малакали, изланувчан, тажрибали ва фидойи қурувчи сифатида мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги кўплаб бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Қолаверса, қурилиш-таъмирлаш ишларини сифатли ҳамда ўз вақтида амалга ошириш учун 30 га яқин транспорт ва махсус техникаларга эга. Ўтган 2021 йилда корхона томонидан 64,0 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган. Моҳир ва фидойи қурувчи бошчилигида вилоятда кўплаб замонавий бинолар, турар жойлар, ҳарбий иншоотлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, Исломиддин Болтаев таъсисчилигида янги ташкил этилган “Термиз-Темир-Бетон” корхонаси маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлашни ташкил этишни рағбатлантириш, илғор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини диверсификация қилиш, тармоққа инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича белгиланган имтиёзлардан кенг фойдаланган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш борасида йирик лойиҳаларни амалга оширди.

– Бетон маҳсулотлари, қурилиш-таъмирлаш ишларида маҳаллий хом-ашёдан кенг фойдаланиш мақсадида қуруқ қоришмалар, блок ғишт, травертин, ташқи фасад буюқ маҳсулотлари, эшик ва ромлар ишлаб чиқариш цехи ташкил этилган, – деди корхона раҳбари Исломиддин Болтаев. – Ушбу ишлаб чиқариш цехларида 25 нафар иш ўринлари яратилган. Термиз туманидаги Бунёдкор маҳалласида кунлик қуввати 45 минг дона пишган ғишт ишлаб чиқариш заводи ташкил этилиб, 30 нафар

янги иш ўринлари яратилиб, ишсиз юрган ёшлар ишга жалб қилинди. Музработ туманида “Асадбек Музработ” МЧЖ томонидан кунлик қуввати 30 минг дона пишган ғишт ишлаб чиқариш заводи ташкил этилиб, 20 нафар янги иш ўринлари яратилган. Ангор туманида Новшаҳар маҳалласида 96 бош қорамолчилик чорвачилик хўжалиги ташкил этилиб, 10 нафар янги иш ўринлари ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, хусусий соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, шаҳар аҳолиси учун ихтисослаштирилган тиббиёт хизматларидан фойдаланиш имкониятини ошириш борасида “Термиз-Бойсун қурилиш” МЧЖ маблағлари ҳисобидан “AVITSENNA IMPLUS” хусусий клиникаси ташкил этилиб, аҳоли саломатлиги бўйича аниқ ташхис ва самарали даволаш хизматлари йўлга қўйилди. “AVITSENNA IMPLUS” хусусий клиникаси замонавий юқори технологияли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, ҳозирда 13

нафар олий тоифадаги малакали тиббиёт ходимлари фаолият олиб бормоқда.

Исломиддин Болтаев таъсисчилигидаги корхоналарда жами 230 нафардан ортиқ иш ўринлари яратилган. Вилоятдаги Термиз шаҳри, Музработ ва Шеробод туманларида ҳарбий шаҳарча инфраструктураларида ва турли ижтимоий объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширган.

Меҳнат фаолияти давомида кўплаб малакали қурувчи, муҳандис ходимларга касб сирларини чуқур ўргатган. Корхонада ёш ишчилар учун меҳнат муҳофазасини таъминлаш юзасидан доимий амалий машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилган. Олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган кўпгина ёшларни иш билан таъминлаган. Корхона ишчи-ҳодимлари ўртасида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга молиявий ёрдам бериб келмоқда. Бунёдкорлик ишларидаги фидокорона меҳнати билан вилоят фаоллари ва аҳоли ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган.

Сурхондарё ҳақида гап кетганда, кўз ўнгингизга полвонкелбат, танти ва меҳнаткаш одамлар гавдаланади. Бепоян боғу роғлар маскани бўлмиш бу гўзал заминни гуллаб яшнаши, обод ва кўркем бўлишида сурхондарёликларнинг тадбиркорлигию, ишбилармонлиги қўл келтиргани ҳеч кимга сир эмас. Бугунги Сурхондарё жамолига боқиб кўз тўймаслигининг сабаби ҳам бу ерлик одамларнинг барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришаётганини омил қилиб кўрсатиш мумкин.



*Обод юртимизнинг иқтидорли
меъморлари ва қурилиш соҳаси
ходимларини касб байрами билан
муборакбод этамиз.
Касбиниз ортидан эшитадингиз
фақат раҳмат бўлсин.
Халқ фаровонлиги йўлида
хизмат қилишдан
асло ҳарчаман!*

“Термиз-Бойсун қурилиш” МЧЖ

Бунёдкорлик Сурхондарё халқининг азалий қадрияти

Термиз шаҳри ўлкамизнинг жанубида жойлашган бўлиб, ҳудуднинг бугунги кўриниши улкан иншоот майдонлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат зоналарига бой. Қадим ўтмишга эга Сурхон воҳасининг меъморлик маданияти бугунги кунда ҳам замонавий анъаналарга ҳамоҳанг давом этмоқда. Бу жараёнларда Термиз шаҳрида фаолият олиб бораётган “Термиз қурилиш индустрия саноат” инжиниринг компаниясининг ҳам ўрни бор. Компания бугунги кунда Сурхондарё вилоятининг чекка туманларида қурилиш-реконструкция ишларини олиб бормоқда.



– Термиздаги биноларнинг аксари янги экан, – дедим йўл-йўлакай ҳайдовчига.

Ҳайдовчи бошини соллаб гап қўшди.

– Шаҳар охириги йилларда анчайин кенгайди. Илгари қуруқ сайхонликдай бир гўша эди. Бугун бўлса, замонавий иморатлар, турар жойлар ва кўнгличар масканлар қуриб битказилляпти.

Сурхондарё воҳасининг бугуни янглик эмас, ўлкада кўп асрлик тамаддун унсурларини кўриш мумкин. Узоқ ўтмишга туташ бунёдкорлик ва янгиланишлар халқнинг жон-қонига сингиганлигини англатади. Хусусан, эски Термизнинг тарихий манбаларда ёритилиши ниҳоятда қизиқарли ва долзарб бўлиб, унинг ҳар бир қаричи алоҳида бунёдкорлик мавзусидир. Термиз шаҳри аҳолиси босиб ўтган тарихий йўлнинг давоми сифатида шу кеча-кундуздаги улкан янгиланишларни-да мисол келтиришимиз мумкин. Жорий бунёдкорликларга ўз ҳиссасини қўшиб, янги давр Сурхон воҳасининг ривожига ҳисса қўшаётган “Термиз қурилиш индустрия саноат” инжиниринг компанияси каби корхоналар бисёр.

Инсондан нима қолади? Албатта, эзгу амаллар ва ёдгорликлар келажак авлод учун аталган улғ мерос бўла олади. Бугун Сурхон воҳасидаги ёдгорликлар-у, фаровон ҳаёт учун бажарилган амалий тадбирлар сурхондарёликларнинг юз-кўзида намоён. 2007 йилнинг 4 сентябрида Чиннихол Тожибаева томонидан таъсис этилган корхона, ҳозирги кунда қурилиш соҳасининг турли бўлимларида иш юритиб келмоқда. Хусусан, мазкур корхона-

нинг асосий фаолият турлари сифатида қурилиш комплекси ва қурилиш-таъмирлаш ишлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва саноатни ривожлантиришга, аҳолининг турмуш шароитини оширишга фаол ҳисса қўшиш, шунингдек, жамият иштирокчилари ва меҳнат жамоаси аъзоларининг касбий малакасини ошириш каби масалаларни келтиришимиз мумкин.

Мазкур корхонанинг моддий-техник базаси қурилиш тармоғининг таянчи



ҳисобланади. Жумладан, корхонада 2 та пишган гишт ишлаб чиқариш цехи, 1 та темир-бетон ишлаб чиқариш заводи, алюмин ва пластик ромлари ишлаб чиқариш цехи, МДФ эшиклари ишлаб чиқариш цехи, том устига қўйиладиган плита, бетондан тайёрланган девор тўсиқ, чуқурга қўйиладиган темир-бетон маҳсулоти ҳамда унинг қопқоғи, фундаментга қўйиладиган темир-бетон маҳсулоти ва қўшимча 65 турдаги қурилиш мосламалари мавжуд.

“Термиз қурилиш индустрия саноат” инжиниринг компаниясининг 1 дона “HUNDAI”, 3 дона самосвал, 2 та лепхир аппарати, 2 та экскаватор, 1 дона 25 тонналик автокран, 2 дона миноракран, 3 дона тягач, 5 та енгил автомобиль, 1 дона автобус, қолаверса, 72 турдаги йирик қурилиш жараёнларнинг локомотиви ўлароқ кўриладиган юк ташиш ва кўтариш автомашиналари, ускуна ва мосламалар корхонанинг иш жараёнларида қўлланилмоқда.

– Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудуди йирик қурилиш жараёнлари билан қамраб олинган, – деди “Термиз қурилиш индустрия саноат” инжиниринг компанияси раҳбари Абдулваҳоб Абсаторов. – Сурхондарё вилоятида ҳам бу

борада улкан янгиланиш ишлари амалга оширилмоқда. Янги турар жой бинолари, равон йўллар ва кенг қамровли йирик ижтимоий объектлар реконструкцияси вилоят ландшафт кўринишининг ўзгаришига замин ҳозирламоқда. Корхонамиз мазкур жараёнларга ўз ҳиссасини қўшиб баробарида, вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ҳаракатларида бевосита иштирок этмоқда. Компания ўтган 2018-2020 йилларда 33 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Ўзим ҳозирги Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тугатганман. Кейинчалик иш фаолиятим бевосита қурилиш соҳаси билан туташди.

“Термиз қурилиш индустрия саноат” инжиниринг компанияси раҳбари ташкилотчи, ташаббускор ва тажрибали қурувчи сифатида вилоятдаги саҳоват тадбирларида ҳам фаол. Корхона томонидан 2018-2020 йилларда маҳаллаларга саҳоват ва кўмак учун 70 млн сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳомийлик қилинган, шунингдек, ташкилот спортни ривожлантириш ҳамда Термиз шаҳрини ободонлаштириш ишларида ҳомийлик ёрдамлари кўрсатган.

Корхонада иш ўринларини очиш ва малакали қурувчиларни иш билан таъминлаш борасида ҳам бир қанча ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шу кеча-кундузда корхонада 17 нафар бошқарув ходимлари, 21 нафар муҳандис-техник ходимлар ва 146 нафар доимий ишчилар фаолият олиб боришмоқда.

“Термиз қурилиш индустрия саноат” инжиниринг компанияси жамоаси шу кунга қадар Термиз шаҳар Тупроққўрғон маҳалласида 12,5 млрд сўм бўлган 3 қават 48 хонадонли иккита кўп қаватли уйлар бунёд этди. 2019 йилда мазкур шаҳардаги Сурхон соҳили массивида қиймати 16,5 млрд бўлган 40 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилиши, Термиз шаҳар Навбоғ маҳалласида 14,5 млрд бўлган 56 хонадонли иккита кўп қаватли уй-жой массиви қурилди. Шунингдек, Термиз шаҳридаги Мангузор маҳалласида 4 та 152 хонадондан иборат уй-жой қурилиши ишлари бажарилди. Ўз ўрнида, ҳудудда 4 та кўп қаватли уйлар қурилиши битказилиб, соҳибларига топширилди.


“ТАШГИПРОГОР” ДУК жамоаси

Барча қурувчиларни,
лойиҳачи ва меъморларни

**Ўзбекистон
Республикаси
қурилиш соҳаси
ходимлари кун**

билан муборакбод этамиз.

Сизларга сиҳат-саломатлик,
олижаноб фаолиятингиз ва
шахсий ҳаётингизда
омад ва зафарлар,
оилаларингизга аҳиллик,
файзу барака тилаймиз!



Қурилишларда тобланаётган қурувчилар

Ислохотлар ташаббускори Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига ўтирган кундан эътиборан, “Халқимиз ҳеч кимдан кам бўлмасдан фаровон турмуш кечириши керак!” деган шiori бош мақсадга айлантириб, бу ишларни амалда татбиқ қилиш учун барчамизни бир тан ва бир жон бўлиб мақсад сари интилишга чақирди.

Ҳар қандай мақсадга эришиш учун аввало, иштиёқ, ташаббус ва ҳаракатчанликка таянилса, барчаси юзага чиқиши юртимиз ҳудудларида кейинги беш йил оралиғида қурилаётган кўп қаватли турар жойлар, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, мактаб ҳамда болалар боғчалари, маъмурий бинолар, завод-фабрикалар, қўйинги, жамиятдаги барча соҳаларда бўлаётган янгиланишлар мисолида яққол кўряпмиз. Уларни биров четдан келиб яратиб бермаяпти, халқимиз, тадбиркорларимиз ва меҳнатда тобланган қурувчиларимизнинг саъй-ҳаракатлари ҳисобига бунёд этилмоқда.

Дарҳақиқат, таъкидланганидек, бу ишларда айниқса, тадбиркорларга зарур шароитлар яратилиб, уларнинг ҳақ-хуқуқлари қонунлар билан ҳимоялангани учун соҳаларда амалга оширилаётган ишларда ишбилармонлар қандай ишлар-

га қодирлигини амалда исботлашмоқда. Орадан ўтган беш йил унчалик катта сана эмас, шунга қарамасдан Хоразм вилоятидаги тадбиркорлар ҳам бунёдкорлик ишларини юзага чиқариш бўйича бошқа жойлардаги ҳамкасбларидан кам эмасликларини амалда исботлашяпти.

Ободонлаштириш ва бунёдкорликлар қилишда ўз салоҳиятини синаб, катта ютуқларга эришаётган тадбиркор қурувчилар орасида “Саят қурилиш” масъулияти чекланган жамияти ҳам бор. Корхона ташкил этилгандан буён иншоотларни барпо этиш ва таъмирлаш билан чекланиб қолмасдан, бетон ҳамда темир-бетон, турли русумдаги темир эшиклар, дарвозалар, панжаралар, шунингдек, Акфа маҳсулотлари ва мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришни ҳам кенг йўлга қўйган. Бу эса Хоразм ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги қурувчиларнинг меҳнатини

енгиллатиш баробарида, арзонлиги ва сифатлилиги билан асқатмоқда.

Тўғриси, фаолиятининг дастлабки кезлари корхона оёққа турғизиб олиш осон кечгани йўқ. Ишчи кучи етарли бўлгани билан маблағ масаласида анчагина муаммо бор эди. Ана шу синов пайтида корхона раҳбари Улуғбек Болтаев айримларга ўхшаб ортга чекинмади. Излаган имкон топишини амалда исботлаб, Урганч шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди хиёбони ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шу билан бирга, Малайзиянинг Бинори университети филиали биносини реконструкция қилиш, Гурлан туманида эса ёшлар комплексини қуришга киришди. Атрофида тўплаган тажрибали қурувчилар панд беришмади, зиммаларига юклатилган вазифани муддатидан олдин уддалашгани корхона иқтисодий тангликдан олиб чиқиб, вилотга танитди.

Ҳар қандай ишнинг бажарилиши аввалида сифат масаласи асосий ўрин тутди. У қутилганидай чиқса, шунга лойиқ самарадорликка ҳам эришилиши жамоа ишчи-ҳодимларининг шioriга айлангани учун буюртмаларнинг оқими кун сайин кўпаяверди. Масалан, Урганч шаҳри, Саят кўчасида қад ростлаган 16 қаватли монолит турар жой биноси, “Машъал” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 7 қаватли кўп квартирали уй, Хива шаҳридаги Қуйи дарвозадан Ичан қалъага кириш қисми-

нинг Полвон дарвозагача бўлган хиёбон ва очиқ майдон ҳудудини янгидан қуриш объектларида амалга оширилган ишлар, Жалолиддин Мангуберди мажмуасидаги меҳнатнинг буюртмачилар назарига тушгани туфайлидир.

Айни пайтда корхонада меҳнат қилаётган 250 нафарга яқин ишчи-ҳодимларнинг шашти баланд, улар турдош ташкилотлардан ортда қолмасликка ҳаракат қилиб, Урганч шаҳридаги, ал-Хоразмий кўчасида 9 қаватли, Жалолиддин Мангуберди кўчасида битта 7 қаватли, шунингдек, “Ўзбекистон овози” кўчасида иккита 16 қаватли уй-жойларни қуриш юзасидан буюртма олишган. Шу кунларда мазкур иншоотларда пойдевор ишлари бошлаб юборилган.

Корхона аҳлининг бошқалардан ажралиб турадиган жиҳати шундаки, сарф-ҳаражатлардан ташқари, ишлаб топилган соф фойданинг бир қисми ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилса, асосий қисми фаолиятни кенгайтириб, замонавий техника ва технологияларни олиб келиш ҳисобига янги иш ўринларини яратишга қаратиляпти. Жорий йил бошидан буён 40 нафар киши учун доимий ва 25 нафар кишига эса мавсумий иш ўринлари яратилди. Йил охиригача, мавсумда ишлаётганлар ҳам доимий ишга жалб қилинади. Бу борада зарур саъй-ҳаракатлар амалга ошириляпти.

Улкан қурилиш майдонида меҳнат қилаётган қадрли қурувчиларга байрам муборак бўлсин!



“САЯТ ҚУРИЛИШ” МЧЖ

Меҳнат қилган элда эъзоз топади

Фидойи инсонлар эл бошига иш тушса билинаркан. Сирдарё вилоятидаги “Сардоба” сув омборида содир бўлган талафот туфайли юзага келган аянчли воқеалар бошқалар қатори “Шухрат” медали соҳиби, “Хоразм гранит” хусусий корхонаси раҳбари Мансурбек Маҳмудовни ҳам жабр кўрганларга уй-жойлар қуриб бериш орқали ёрдам кўрсатишга чорлади.

Жамоасининг соҳада тўплаган тажрибалари 3 та кўп қаватли уйларни муддатидан олдин қуриб битиришга имкон берди. Ишбилармоннинг бу ерда кўрганлари унга қаттиқ таъсир қилганди. Шу сабабли Хива шаҳрига келиши билан кам таъминланган ва иқтисодий ночор оилалар учун қурилиши режалаштирилган 2 та 5 қаватли иншоотни тендерда ютиб, қисқа вақт оралиғида сифатли қуриб, фойдаланишга топширди.

Саховатпеша кишининг ишлари ҳам шунга яраша юришаверар экан. Мансурбек бу борада вилоятда кўпларга ибрат кўрсатяпти, ҳар йили ишлаб топган даромадининг бир қисмини корхона ривожига сарфлаб, ундан орттирганини Хива шаҳри ва ён-атрофдаги туманларда яшаётган кўп болали, кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотганлар учун сарфлашни одатга айлантди. Бундан ташқари, шаҳарга туташ кўчалардан бир нечасини ўз ҳисобидан таъмирлади. Шу билан бирга, 12 та оилага бир неча йилдан буён ҳомийлик қилиб келади. Ана шулар хусусида ундан сўралганда: “Давлатимиз



тадбиркорларга керагидан ҳам ортиқ шароит ва имкониятлар яратиб берган. Унинг мазмун-моҳиятида кўплаб маъно бор. Тўғри англаган киши ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, янги иш ўринлари яратиш билан чекланмай, муҳтожларга ҳам кўмаклашади. Зеро, Президентимиз айтганларидек, фуқароларимиз ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшаши керак”, дейди у.

Мана шу мақсадга ҳамоҳанг фаолият юритаётган жамоа аъзолари ўтган йиллар мобайнида Урганч ва Хива шаҳарларини боғловчи асосий йўللارни замон талабига мос равишда

реструкциялаш ишларини сифатли қилиб бажарди. Шунингдек, Урганч туманида туғруқхона комплексини қуриб, фойдаланишга топширди. Шу ҳудудда 2 та мактаб ва 2 та мактабгача таълим ташкилотларини пойдеворидан тортиб, бошқа барча юмушларини замонавий тарзда бажарганлар ҳам ана шу жамоанинг ишчи-ҳодимларидир. Шулар баробарида Хива шаҳридаги ёшлар учун барча жиҳозлари билан 9-сонли сунъий футбол майдони қуриб берилди.

Шу ҳудудда яшаётган ёшулли Мадиёр отанинг айтишича, авваллари меҳнатдан сўнг, кеч-

ки пайтлари одамлар қаерда ҳордиқ чиқаришни билишмас, ёшлар эса бекорчиликдан турли ножўя ишларга қўл уриб, тартиб-бузарликларни келтириб чиқаришган экан. Ҳозирги кунда спорт майдонида катталар ҳам бошқа маҳалладагилар билан спорт мусобақалари ўтказишмоқда. Шунингдек, ҳар ҳафтада турли қизиқарли тадбирлар ҳам шу спорт майдонида ўтказилиши аёнга айланган.

“Хоразм гранит” хусусий корхонаси қуриб, фойдаланишга топширган бу сингари кўнгилочар ва фуқароларга наф келтираётган иншоотлар вилоят ҳудудида кўплаб топилади. Бу ишларнинг аввалида корхона жамоасининг нафақат қурувчилиги, балки соҳа бўйича ижодий изланишлари ҳам мужассам.

Бугунги кунда мазкур корхона аъзолари Урганч шаҳрида бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида ҳам қурилиш ишларини олиб боришмоқда. 80 нафардан иборат ишчи-хизматчилар ўзларига корхона томонидан яратиб берилган шароитлардан кўнгиллари тўқ. Ҳар бирига меҳнат дафтарчаси юритилияпти, таътилларида та-

лабга қараб, соғлиқни тиклаш учун республикамиздаги сўлим санаторийларга йўлланмалар олиб берилади, бажарган иши бўйича 2-3 миллион сўмдан маош тўланади. Ваҳоланки, жамоада меҳнат қилаётганлардан бир неча нафари беш-олти йил аввал ишсизликдан бошқа юртларга бориб ишлаб келгани билан бири-икки бўлмасдан, рўзгор тебратиши танг аҳволга тушиб қолганини уларнинг ўзлари эътироф этишмоқда.

Тадбиркор Мансурбек Маҳмудовнинг хусусий корхонани ташкил қилишдан кўзлаган мақсади ҳам аслида бунёдкорлик соҳасида тўплаган тажрибаларини ҳаётга татбиқ этиш орқали юртдошларимиз бошқа жойларда сарсон-саргардон бўлиб юришининг олдини олишга қаратилганди. Бугунги кунда у мақсадига эришаётганидан руҳланиб, яна кўплаб янги иш ўринлари яратишга ҳаракат қилияпти. Ҳозирда эса вақтинча ишсиз юрган 20 нафар ёшларни меҳнатга жалб этиб, уларга иш ўргатяпти, яқин орада корхона яна шунча киши ҳисобига кенгайишига шубҳа йўқ. Чунки бунга аллақачон замин ҳозирланган.

Истиқболи порлоқ корхона

Касблар орасида қурувчидек шарафли, кўпчиликнинг дуосини оладиган, изиллаган совуғу, жазирама кунларда ҳам ўз вазифасига бир хилда киришадигани топилмас керак. Бундай бағрикенг, шижоатли кишиларнинг бугунги кунда амалга ошираётган ишлари айниқса, барчамизни ҳайратга солмоқда. Ростини ҳам, бироз аввал ташландиқ ҳолга келиб қолган жой ўрнида осмонўпар кўп қаватли бинолар ёки ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган завод-фабрикалар, маъмурий бино-ю, мактаб ва болалар боғчалари, спорт майдонлари, қинғир-қийшиқ кўчалар замон талабига мослаштирилипти.

Бундай эврилишларнинг мазмун-моҳияти сўнгги йилларда республикамизда ўтаётган ислохотлар билан боғлиқ. Зеро, унинг шарофати билан фуқароларимиз ишчанлик ва тадбиркорлик қилиб, фаровонлигимизни янада ошириш ҳамда улғайиб келаётган баркамол авлод биздан яхши яшаши учун ҳаракат қилишга ўрганди. Қалбида ана шундай мақсадни жойлаб бунёдкорлик ишларига киришганлардан бири, Хоразм вилоятида яшовчи Умидбек Қуръазовдир.

Урганч давлат университетининг иқтисодиёт факультетини тугатгач, ҳеч иккиланмасдан қурилиш ташкилотида иш бошлади. Иқтисод билан қурувчилик соҳасини бирга олиб боришининг сабаби бор. Кўп йиллар бунёдкорлик ишларида катта тажриба тўплаган отасидан касб сирларини мукамал ўзлаштирганди. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнларида асқатди ва билмаганларини тажрибали қурувчилардан ўрганиб борди. Бўш

вақтларида қурилишдаги айрим оғир меҳнатни қандай қилиб енгиллатиш ва енгил конструкцияли материаллар устида изланиб, лойиҳалар чизиб, отасининг фикрига қулоқ тутди. Кейинчалик падарибузрукворининг тавсияси билан “Хонқа тараққиёт қурилиш” хусусий корхонасини ташкил қилди.

Тендерларда фаол қатнашиб, “Обод қилшоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида туманларда қурилиш режалаштирилган намунали уйлардан бир нечасини қуришни қўлга киритиб, уларни бунёд этишда сифат ҳамда тежамкорликка эътибор қаратди. Қурилиш жараёнида лойиҳачиларга айрим таклифларини айтиб, ўзгаришлар киритишга эришди. Иқтидорли ёш мутахассиснинг ишлари бир неча бор вилоят раҳбарияти томонидан эътироф этилди. Натигада буюртмачилардан кўплаб таклифлар тушадиган бўлди.

Хонқа ва бошқа туман ҳамда шаҳарлардаги ичимлик сув тар-



моқларини замон талаби даражасида реконструкциялаш ишларини пухта бажаргани корхона жамоасини шу соҳа бўйича катта тажрибага эгаллигини кўрсатди. Ишчи-хизматчиларнинг Хонқа туманида мактабгача таълим ташкилоти, битта 650 ўринли умумий ўрта таълим мактабини тўлиқ реконструкциялаш ва 330 ўринли қўшимча

синфхоналар қуришдаги ҳаракатлари ҳам бу ерда истиқомат қилаётган фуқароларни хушнуд этди.

Шу кунларда корхона жамоаси зиммасига катта масъулият юкланган. Улар туманнинг “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этаётган “Янги Ўзбекистон” массивида 5 қаватли, 2 подъездли 2 та турар

жой биносини бунёд этишлари керак. Аҳил ва тажрибали жамоанинг ҳаракати туфайли бинолар кундан-кунга кўкка бўй чўзмоқда. Иншоотларни тиклаш жараёни турдош корхоналарникидан катта фарқ қилади. Ўрни, жамоа қурилиш соҳасида японияликларнинг тажрибасини қўлламоқда. Унга кўра, тикланаётган ҳар бир қаватдаги ишлар бираўла тўлиқ бажарилади. Масалан, биринчи қаватдан уй олган киши бошқа қаватлар битишини кутиб турмасдан, ўз уйига кириб яшайвериш имкони яратилмоқда. Бундай усул хонадон эгаларига қулайликлар яратиш баробарида, қурувчиларнинг масъулиятини янада оширяпти. Чунки биринчи навбатда уни сифатли ва тезроқ битириш бўлса, ишларни бажариш пайти турли ҳолатлар келиб чиқиши ҳам мумкин. Кўнгилсизликлар бўлмаслиги учун кунни тунга улаб ишлаётган 70 нафардан ортиқ бунёдкорлар бу борада ҳам зарур чораларни кўришмоқда.

Хоразм бунёдкорлигида “Шиддат”нинг шашти баланд

Хоразм санъати тўғрисида гап кетса, халқимизнинг кўз ўнгида энг аввало, “Лазги” келади. Неча асрларни ортда қолдирган ва ҳар даврда сайқал топиб, миллий санъатимизда мана шу йўналиш қирраларини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётганлар ҳар қанча эътирофга лойиқдир. Шуни ҳам айтиш керакки, вилоят аҳолиси азалдан ашула ҳамда рақсга ўта ихлосмандлиги билан чекланиб қолмаган. Вилоятнинг исталган туман ёки шаҳарларида бўлган киши бу ерда қад ростлаган ва минг йиллардан буён охори тўкилмай ўзлигини сақлаб турган бири-бирдан гўзал иншоотларни кўради. Айниқса, Хива шаҳридаги тарихий ансамблнинг маҳобати дунё сайёҳлари эътиборини тортиб келмоқда.



Бугунга келиб, бунёдкорлик соҳасидаги бетакрор анъана истиқлол яратиб берган имкониятлар туфайли қайтадан сайқал топмоқда. Қурилишда тадбиркорликни йўлга қўйиб, ота-боболар касбини янада ривожлантираётганлар қаторида Темурбек Норбаев бошчилигидаги “Шиддат монолит” хусусий корхонаси, ҳам бор. Шуни айтиш керакки, яқин яқингача юртимизнинг бошқа ҳудудларидаги сингари Хоразм вилояти ҳудудида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар йўқ ҳисоби эди, борлари эса хомашё етишмаслиги ёки дастгоҳлар замон талабига жавоб бермай қолгани учун ҳам фаолиятини деярли юргазмай қўйганди.

Аммо “Қаловини топсанг, қор ҳам ёғади” деганларидек, Темурбек ҳам излаб, имкони топди. Корхонасига зарур

техникалар сотиб олди ва қурилишларда тажриба орттирган ёшларни қаватига тўплади. Дастлабки фаолиятини мактаб ва болалар боғчасини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, давлат дастури доирасида вилоятдаги кўплаб туманларда намунали уй-жойларни бунёд этиб фойдаланишга топширди. Иш жараёнида турли мутахассисларга эҳтиёж сезгани учун янги иш ўринлари яратиб, ёшларни пайвандлаш, ғишт териш, электр ускуналари билан ишлаш каби ҳунарлар бўйича корхона ҳисобидан қисқа муддатли курсларда ўқитди.

Вилоят аҳлининг уй-жойга муҳтожлик муаммосини ҳал қилиш мақсадида Юртбошимизнинг ташаббуси билан Хоразмда ҳам кейинги йилларда кўплаб кўп қаватли турар жойлар қурилади бошланди. Бунёдкорлик ишларида ўзига хос тажриба

тўплаган “Шиддат монолит” хусусий корхонаси жамоаси ҳам бу борада фаол иштирок этаётганини таъкидлаш лозим. Жумладан, яқунланган йилда уларнинг меҳнати туфайли Урганч шаҳрининг Хонқа кўчасида 1 та 9 қаватли, 54 хонадонга мўлжалланган турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Таъкидлаш жоизки, ана шу иншоотнинг ён-атрофини ободонлаштириш, ташқи ва ички дизайнида қадимдан бинокорликда қўлланиб келинган миллий анъаналар ҳам ўз аксини топди.

Бунёдкорнинг ишлари қурган иншоотлари билан баҳоланади, деганларича бор. “Шиддат монолит” корхонаси ҳам ўн тўрт йил оралиғида эл-норт назарига

тушди, мукаммаллашган жамоа бўлди, иқтисодий жиҳатдан барқарор юксалди. Айни пайтда 2022–2026 йилларга мўлжалланган дастур доирасида Урганч шаҳридаги асосий кўчалардан бирида 2 та 9 қаватли 54 хонадонли, Урганч туманидаги Чўлобод маҳалласи ҳудудида 1 та 9 қаватли турар жой бинолари қурилишида ишлар жадаллик билан бормоқда. Булардан ташқари, вилоятдаги барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида ҳам бу жамоа бинокорлари томонидан 2 та кўп қаватли уйларни қуришга киришилган.

Жамоа аҳли фақат қурилишлар билан кифояланиб қолмасдан ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйган. Урганч шаҳрининг

Хива кўчасида жойлашган бетон қоришмаси ва бетон маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган завод нафақат корхона учун асқатяпти, балки турдош корхоналар ҳам шартнома асосида ундан унумли фойдаланишмоқда. Объектларда ишлар сифатли бажарилиши ва заводда тайёрланаётган ҳар бир маҳсулот белгиланган муддатда ўз жойига етиб боришини таъминлашда Раҳимберган Маткаримов, Одилбек ва Азамат Эшчановлар, Жўрабек Эшбоев каби фидоий ишчи-хизматчиларнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқдир. Улар ўз хизматлари билан бошқаларга намуна кўрсатиш баробарида ёшларга касб ўргатишда ҳам олдинги сафларда туришади.

Барча қурувчиларни, лойиҳачи ва меъморларни

Ўзбекистон Республикаси
қурилиш соҳаси ходимлари куни

билан табриклаймиз.


“Шиддат монолит” ХК



Юртимиз қурилиш соҳасига ўзининг мукаммал лойиҳалари билан катта ҳисса қўшиб келаётган лойиҳачиларни, бир-биридан гўзал бинолар қуришда жаҳонни лол қолдираётган бунёдкорлар ва барча соҳа ходимларини касб байрами билан табриқлаймиз.

Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз туфайли бугун ватанимиз ўзгача чирой очмоқда. Ижодий ишларингиз, машаққатли ва шарафли фаолиятингизга сўнмас ғайрат тилаймиз!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!



“Экспрес Давр Инвест” МЧЖ – Тошкент вилоятининг энг фаол қурилиш ташкилотларидан

Бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотлар бошида энг аввало, қурилиш соҳаси туради десак, муболаға бўлмайди. Зеро, замонавий архитектура ва шаҳарсозлик намунаси сифатида қад ростлаётган бу иморатлар нафақат аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга, балки юртимиз имижини дунёга танитишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Ана шундай мухташам ва мустаҳкам иншоотлар қуриш билан шуғулланиб келаётган тажрибали қурувчилар жамоасидан иборат “Экспрес Давр Инвест” МЧЖни бугун нафақат Тошкент вилояти, балки бутун юртимизда ҳам танишади. Жамият 2016 йилда ташкил этилган бўлиб, 81 нафар доимий ишчисига эга. Уларнинг 17 нафари ўз мутахассислиги бўйича олий маълумотли. Асосан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бино-иншоотлар қураётган ушбу жамоа бугунга келиб кўпчилик юртдошларимизнинг ишончини қозонган.

Корхона қурувчилари қурган ва қураётган объектларни кўрган киши ишчилардан тортиб раҳбаргача ишда сифатни биринчи ўринга қўйишига гувоҳ бўлади. Ҳар қандай бинонинг мустаҳкам қад ростлашида энг аввало, мукамал лойиҳа муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олган жамият аъзолари бу масалага алоҳида эътибор қаратишади. Шу боис, “Ўзоғирсаноатлоиҳа”, “Orginal” МЧЖ, “Elegant Project”, “Caching Art” каби лойиҳа ташкилотлари билан доимий равишда ҳамкорлик қилиб келаётган жамоа Тошкент вилояти ҳудудий назорат инспекцияси қошидаги синов лабораториясининг доимий мижози ҳисобланади.

ниб келмоқда, балки ўзлари ҳам ишлаб чиқармоқда.

– Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасидаги устувор вазибаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида “Қурилиш ресурслари классификатори” платформаси ишга туширилиб, 100 мингдан зиёд қурилиш материаллари ва хизматларининг бозор нархи шакллантирилиши ҳақида гапирилди, – деди ташкилот директори Юнус Аҳмедов. – Демак, юртимизда қурилиш материаллари саноатида катта ўзгаришлар бўлиши ва бу бевосита биз тадбиркорлар қураётган уй-жойлар сифати ва нархига ижобий таъсир кўрсатиши кутилмоқда. Биз ҳам корхонамиз таркибида кластер тизимига мувофиқ эшик-ромлар ишлаб чиқариш цехини ташкил қилганмиз, Дераза ва эшик ромларини ишлаб чиқаришда Шухрат ва Даврон Саидовлар ҳамда Шохрух Йигиталиев каби мутахассисларнинг хизмати катта. Қолаверса, жамиятимизда ишчилар учун барча керакли шароитлар яратилган. Улар махсус кийим-бош, уч маҳал овқат, турар жой билан таъминланган. Пардозчи Абдурашул Дадабоев, иш юритувчилар Равшан Аҳмедов, Алишер Муталибов ва Бахтиёр



тидир. Аслида, қурувчи аҳли учун бундан-да катта эътироф бўлмаса керак.

Хусусан, Мудофаа вазирлигига қарашли Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмлар ва ҳаво кучлари базаси ва Ирригация институтининг 9 қаватли биноси реконструкцияси, Ўрта Чирчиқ туманидаги 7-мактабнинг реконструкцияси ва қўшимча қурилган янги биноси, Миллий университет ётоқхонасини қайта таъмирдан чиқаришда жамоа ўз маҳоратини намойён этган. Хусусан, Миллий университет кутубхонасини хорижлик талабаларга мослаб қайта таъмирлашда жамоа аъзолари катта масъулият билан ишлаган. Бино нолдан бошлаб қайта қурилиб, хорижлик талабаларнинг хусусиятларига кўра жиҳозланиб, тайёр ҳолатда топширилган. Яшнобод тумани прокуратураси биноси ҳам худди шундай мукамал тарзда бунёд этилган бинолар сирасига киради. 70 нафар ишчининг меҳнати эвазига барпо этилган ушбу бино иккита кириш қисми, фуқароларни қабул қилиш бўлиминдан иборат. Беш қаватли бу иншоот алоҳида иситиш, канализация ва совитиш тизимлари билан жиҳозланган.

Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида нодавлат-нотижорат ташкилоти учун қурилган “Дўстлик уйи” эса “Экспрес Давр Инвест” МЧЖнинг шуҳратини янада оширди, десак муболаға бўлмайди. Шу йилнинг май ойида фойдаланишга топширилган ушбу Дўстлик уйи икки қаватдан иборат. Қайта реконструкциядан кейин бутунлай янги қиёфага кирган бино барчага бирдек манзур бўлди. Бино нафақат қайта қурилди, балки мебель ва компьютер билан ҳам тўлиқ жиҳозланиб, барча шароит яратилган ҳолатда топширилди. “Дўстлик уйи”нинг очилиш маросимида вилоят ҳокими томонидан жамият жамоасига ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Юқоридагилар “Экспрес Давр Инвест” МЧЖ томонидан илгари қурилган ва таъмирланган иншоотлар ҳисобланади. Айни пайтда жамоа аъзолари Оҳангарон туманидаги “Қуюн” МФЙда оилавий поликлиника ва тез тиббий ёрдам биносини қуриш ишлари билан банд.

Бино 100 қатновли бўлиб, икки қаватдан иборат. Тез тиббий ёрдам биноси эса бир қават. 28 нафар ишчи меҳнат қилаётган поликлиника биносининг лойиҳаси “Elegant project” лойиҳа ташкилотига тегишли.

Бундан ташқари, жамоа томонидан Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳридаги “Нов” ва “Баҳор” МФЙларида инспекторлар учун хизмат уйлари қурилмоқда. Икки сотихли, уч хонали бу уйлар битгач, ушбу маҳаллаларнинг кўригига кўрк қўшилиши шубҳасиз. Бу объектлар ҳам Мустақиллик байрами арафасида ўз эгаларига топширилиши кўзда тутилган. Шунингдек, Чирчиқ шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг 50 ўринли маъмурий биноси қурилиши ҳам август ойи охирида ниҳоясига етиши режалаштирилган.

Қурилишда техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси биринчи ўринда туради. Қоидаларни билган ва уларга тўлиқ риоя қилган қурувчининг ҳаёти хавф остида бўлмайди. “Экспрес Давр Инвест” МЧЖда ишчилар учун ҳафтада бир мартаба техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича машғулот ташкил қилиш тажрибаси йўлга қўйилган. Машғулотларни техника хавфсизлиги бўйича махсус курсларни битириб келган жамиятнинг малакали мутахассислари ўтишади. Корхонага тегишли объектларнинг барчасида бундай машғулотлар ўтказилиши йўлга қўйилгани боис, қурилиш жараёнида ҳозирга қадар бахтсиз ҳодиса кузатилгани йўқ.

Бошқа ташкилотларга ҳам ўрнатилган арзийдиган тажрибани қўллаб келаётган “Экспрес Давр Инвест” МЧЖда ишчилар доимий ва мавсумий бўлиб, асосан, пардозчилар, сантехниклар, электрик, бетончилар, ғишт терувчилар каби жамоаларнинг меҳнатидан унумли фойдаланиб келяпти. Қолаверса, иш ҳажми ва буюртмага кўра бошқа ишчилар шартнома асосида ишга жалб қилинади.

Келгусида яна кўплаб иншоотлар барпо этиб, минглаб юртдошларимизни нафақат уй-жой, балки иш билан ҳам таъминлашга камарбаста бўлаётган жамоага касб байрами муборак бўлсин!



Бугун юртимизда қурилиш материаллари саноати кундан-кун ривожланиб, Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, ҳар бир вилоят қайсидир қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. Бу эса келгусида қад ростлаётган турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, маданий-маиший бинолар қурилишида маҳаллий маҳсулотларга бўлган талаб тўла қондирилади деганидир. Хусусан, “Экспрес Давр Инвест” МЧЖ ҳам объектлар қурилишида асосан маҳаллий қурилиш материалларидан нафақат фойдала-

Мелиев, бетон қуювчи Ҳожиакбар Муродов каби малакали қурувчилар жамоанинг фахри ҳисобланади.

Бугун Тошкент вилоятининг қайси туманига борманг, ушбу жамоа қурувчилари қурган кўркем турар жой бинолари, замонавий мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда поликлиника биноларига кўзингиз тушади. Энг муҳими, уларнинг меҳнатидан аҳоли ҳам миннатдор. Шу пайтга қадар топширилган бирорта объект эгаси уларнинг ишидан норози бўлмагани ҳам бу фикрнинг исбо-

“Ислоҳотларда ҳиссамиз борлигидан мамнунмиз”

Ўтиб бораётган қимматли вақтнинг қадрига етиб, ундан унумли фойдаланаётган юртдошларимиз қисқа фурсатда асрларга татиғулик кашфиётларни рўёбга чиқаришяпти, келажакка тамал тоши қўйишяпти. Қўли гул қурувчилар, ҳамкасбларнинг бунёдкорлик ишлари ҳақида, ҳар қанча гапириш мумкин.



Биргина Самарқанд вилояти бинокорларининг амалга ошираётган юмушлари барчани ҳайратга салади. Ўзим шу соҳа вакили бўлсам-да, кўҳна кентдаги ўзгаришлар, янгиланишларни кўриб беҳад завқланаман. Муҳими, мозийга муҳрлашиб қоладиган бундай улкан қурилиш майдонини ҳали халқимиз кўрмаганди.

Дарҳақиқат, бугун қадимий масканимизда меҳнат сурони ҳар қачонгидан авжга чиққан. Одамларнинг яратувчиликка иштиёқи баланд. Президентимиз ташаббуси туфайли бошланган хайрли

тадбирлар замирида эса одамларимизга муносиб турмуш шароити яратиш, келгуси авлодга обод Ватан қолдириш, сеvimли диёримизга ташриф буюрадиган меҳмонлар, сайёҳлар қалбида унга нисбатан меҳр, ҳавас уйғотиш ётганига шубҳа йўқ. Ўзим ҳадис илмининг султони, аллома Исмоил ал-Бухорий қабри мангу кўним топган Пайариқ туманида туғилганман. Ҳар куни ишга отланар эканман, табаррук қадамжов ва унинг атрофида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига кўзим тушади. Ёдгорлик мажмуаси



бобомизнинг номига, Ислом оламидаги мақомига муносиб бўлиши учун нақадар улуғвор режалар рўёбга чиқарилмоқда.

Зиёрат туризмнинг асосини яратиш мақсадида қилинаётган ҳар бир юмуш қадимий меъморчилигимизнинг анъаналари замонавий архитектура ютуқлари билан уйғунлашган ҳолда акс этаётганига тасаннолар айтаман. Қолаверса, касбим тақозоси билан бу ерда ва бошқа жойларда ҳам қурувчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, яратилаётган шароитларга катта эътибор қаратилганидан мамнуният ҳиссини туяман. Қурилишни бошқариш, меъёрий ҳужжатларни намунали юриштида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимининг йўлга қўйилишини ҳам қўллаб-қувватлайман. Бунинг натижа-сида тармоқдаги давлат хизматлари тўлиқ рақамлаштирилди, ҳужжат электрон шаклда айланиши таъминланди, муаммолар вақтида ҳал этилмоқда, коррупцион тўсиқларга барҳам берилляпти.

Самарқанд давлат университетининг иқтисод факультетини тугатганим учун бу янгилликлар мазмунини яхши тушунаман ва ўз фаолиятимизда ҳам уларни қўллашга алоҳида аҳамият қаратаяпман. Бунинг устига устозларим Улуғмурод Умрзоқов ва Худойберди Ҳамидовдан доим маслаҳат олиб, ўғитларига қулоқ тутаман. Натижада жамоада ҳамisha тартиб-интизом ҳукмрон бўлиб, ютуқларга кенг йўл очилляпти. Жамоа қаерда ишларимасин, ўз анъанасига содиқ қолиб, фақат

раҳмат эшитишининг боиси ҳам шундан.

Айни кунларда ҳам қурувчиларимиз тиним билмасдан меҳнат қучоғига отланишган. Улар Самарқанд давлат университетининг Каттақўрғон филиали талабалари учун 1 000 ўринли янги ўқув корпусини тиклашда жонбозлик кўрсатишмоқда. Ғайрат Ҳимматов, Бектош Каримов, Арзикул Қобилов, Жамшид Қобилов каби оловқалб ёшларимиз тенгдошларига ўрнак бўлиб, бир кунда икки-уч ҳисса иш бажаришяпти. 15 дан зиёд техникани бошқараётган ҳайдовчи ва машинистлар ҳам қурилишда фаол қатнашишмоқда. Уларнинг барчаси учун қулай шароитлар яратилгани, маошлар вақтида тўланиб, қўшимча рағбатлантирилаётгани шижоат, матонат кўрсатиб ишлашга ундаётганини таъкидлаш лозим.

Давлатимиз раҳбарининг бундан 5 йил аввал, яъни 2017 йил 7 августдаги фармонида кўра, ҳар йили август ойининг иккинчи якшанбаси “Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини” деб эълон қилинган. Бу соҳадорларимизга қаратилган катта эътибор ва ғамхўрликнинг намунаси. Шу боисдан барча ходимларни, республикамиздаги ҳамкасбларимни байрам билан табриклайман. Улар масъулиятли ва шарафли бурчларини адо этишдан сира чарчашмасин.

Муҳиддин СУЛАЙМОНОВ,
Самарқанддаги
“Муниса бунёдкор” МЧЖ директори.



“АГРОМАШСЕРВИС” – қурувчилар билан доимо бирга

Улкан бунёдкорлик ишлари ўз навбатида қурилиш материалларига бўлган катта эҳтиёжни ҳам юзага келтиради. Бугун юртимизда жадал суръатларда ривожланаётган қурилиш саноати ўз навбатида маҳаллий ва хорижий қурилиш материалларига бўлган талабни ҳам оширяпти. Шунга мос равишда хорижий технологиялар асосида кўплаб замонавий энергиятежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиб, бунёдкорларга яқиндан кўмак бермоқда.

Бухоро вилоятида фаолият юритиб келаётган “Агромашсервис” компаниялар гуруҳи ҳам юртимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи маҳсулотлар тайёрлаш билан шуғулланиб келаётган нуфузли корхоналардан бири ҳисобланади. Компания 1964 йилда ташкил топган. 2007 йилдан буён бозорнинг ушбу сегментида жадал ривожланиб, бетон ва йиғма бетон ишлаб чиқаришда муваффақиятли фаолият юритиб келяпти. Ўтган вақт ичида корхона юқори маънада мутахассислар жамоасини шакллантириб, соҳада ўз ўрнини топган.

“Агромашсервис” компанияси ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан ўз мижозларини кўпайтириб келмоқда. Компаниянинг асосий мижозлари “ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг Компани”, “Ўзбекистон-Хитой ҚК Азия Транс ГАС”, “Eriell Corporation”, “Enter Engineering Pte. Ltd.”, “Тошкент-Восточный аэропорти”, “Ўзбекистон нефть ва газ саноати вакиллари ҳисобланади. Шунингдек, “Ўзбекгидроэнерго”, “Амирсой” МЧЖ тоғ-чанғи курорти, “Трансгазинжиниринг” МЧЖ, Жанубий Кореянинг “ДОКСОН” қурилиш компанияси, Бухоро электр тармоқлари ҳудудий бў-



ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келмоқда.

Корхонанинг асосий маҳсулоти – префабрик бетон элементлар ҳисобланади. Тезлик, сифат ва рақобатбардош нарх тўғридан-тўғри конструкцияларни олдиндан тайёрлаш даражасига боғлиқ. Шиддатли замон талаби қурилиш майдончасида юқори даражадаги тайёргарлик билан биноларни тўғридан-тўғри йиғиш вазифасини ҳам қўймоқда. Шу муносабат билан 2018 йилдан бошлаб “Агромашсервис” 6 ва 12 метр баландликдаги устун поғонасига эга бўлган юк механизми ва юк механизмсиз йиғма бетондан тўлиқ турдаги саноат қурилиш конструкциялари ҳамда тўғри чизикли устунлар ишлаб чиқаришни бошлади. Ушбу маҳсулотлар юк кўтариш қуввати 100 тоннагача бўлган кран механизмларини ўрнатиш имконини беради. Бинони қоплаш учун БДР 12 метр, БДР 18 метр, БДР 24 метр олдиндан зўриқтирилган трусслар ишлаб чиқарилади. Бинолар 3х6 метр ва 3х12 метр ўлчамдаги қовурга плиталари билан қопланади.

Бундан ташқари, “Агромашсервис” ўзининг сертификатланган лабораторияларига эга бўлиб, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, уларда фаолият юритаётган ходимлар мунтазам равишда малака ошириб борадилар. Ишчилар халқаро стандартларга мувофиқ бетон ва темир-бетон сифатини назорат қилиш имконини берувчи Россия ва Европада давлатларида малака ошириб қайтишган.

“Агромашсервис” Германиянинг етакчи компанияларидан биридан арматура ва арқонларни тортиш учун бир нечта қисим станцияларини сотиб олган. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун компания негизида дизайн ва лойиҳалаш бўлими ташкил этилди. Шунингдек, механик цех энг замонавий металлга ишлов бериш дастгоҳлари билан жиҳозланди. Юқорида айтилганларнинг барчаси мижознинг жадвалига риоя қилган ҳолда, ҳатто энг мураккаб ва но-стандарт ечимларни ҳам имкон қадар тезроқ амалга ошириш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

2012 йилгача компания турли етказиб берувчилардан инерт материаллар сотиб олди. Бу эса барқарор ва сифатли таъминотга тўсқинлик қилиши мумкин эди. Шу боис, компания мутахассислари бир нечта карьерларни хомашё сифати бўйича ўрганиб чиқиб, геология-қидирув ишларини олиб боришди. Натижада Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида логистика марказига эга карьер, майдалаш ва саралаш мажмуасини (ДСК) ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланди. Ускуналар ишлаб чиқарувчи-

шина ишлаб чиқарувчиларни танлаб олган. Масалан, Германиялик мутахассислар музокара ралар натижасида ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилиб, учта автомобиль харид қилинди. Инерт материалларни кўпайтириш учун TwinDrive тизими билан РСМХ1222 айланадиган сан-трифиз машинаси ўрнатилди. Бетон аралаштириш агрегатларини модернизация қилиш жараёнида Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги логистика маркази негизида ДКХС2,50 қўш валли универсал, Бухоро бетон заводида ДКХС 1,67 ускуналари ўрнатилди.



Бугун компания нафақат моддий-техник базага, балки ишлаб чиқариш бўйича катта тажрибага ҳам эга. Карьерни қазиб олишдан тортиб, йиғма бетон элементларини ишлаб чиқариш ва участкаларга етказиб беришгача бўлган жараёнларни амалга ошириб келаётган компания бу йўналишда ўз ўрнини эгаллаб улгурган. Малака, тажриба, сифат – буларнинг барчаси биргаликда компанияга энг мураккаб ва ноодатий лойиҳаларни ҳам муваффақиятли амалга ошириш имконини берапти.

Айни пайтда нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳонда ҳам қурилиш соҳасида қўлланиладиган асосий материаллар – юқори сифатли бетон ва йиғма бетон буюмлар ҳисобланишини барчамиз яхши биламиз. Қолаверса, саноат технологиялари, қурилиш тезлиги, сифати ва нархи ҳам ҳар қандай ишлаб чиқарувчи учун долзарб масала ҳисобланади. “Агромашсер-

линмаси ва бошқа кўплаб корхоналар билан ҳам ҳамкорлик ишлари олиб бориляпти.

Маҳсулот сифати компанияга бўлган ишонччи ошириш воситаси ҳам ҳисобланади. “Агромашсервис” бундай жиддий синовдан аллақачон ўтган. Хусусан, 2007 йилда Бухоро халқаро аэропортининг учуш-қўниш йўлагини реконструкция қилиш учун қаттиқ бетон етказиб бериш компанияга бўлган улкан ишончининг яна бир намунаси эди. Компаниянинг малакали мутахассислари бу вазифани муваффақиятли урдалашди. Шу тариқа компаниянинг темир-бетон заводи 2007 йилдан буён юртимизнинг ғарбий қисмидаги саноат уй-жой қурилишида фаол иштирок этиб, бетон ва йиғма бетон буюмлар, хусусан, олдиндан зўриқтирилган ПК плиталари, зинапоялар, сульфатга чидамли қозиклар, пойдевор нурлари, устунлар, пурлинлар, лифт шахталари ва бошқа элементларни



лари билан тўлиқ танишиб, мутахассислар Италиянинг МЕМ компаниясини танлашди. 2013 йил 7 октябрда “Агромашсервис” корхонасида 100 фоиз қум ва барча фракциядаги шағал ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилиб, лойиҳа бугунги кунда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Айни пайтда нафақат БДУ тармоқларига, балки бошқа истеъмолчиларга – гидротехниклар, йўл қурувчилар ва уй қурувчиларга ҳам юқори сифатли маҳсулотлар етказиб бериш имконига эга. Логистика марказининг қуввати кунига бир вақтнинг ўзида 60 дона фойдали вагон ва 80 дона самосвалларни жўнатиш имконини беради. Ишлаб чиқариш йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда.

Ҳозирда “Агромашсервис” модернизациянинг биринчи босқичини якунлаш арафасида. Янги ускуналар ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш учун ушбу сегментдаги энг яхши ма-

Компания маҳсулотлари атроф-муҳит учун ҳам жуда фойдали ҳисобланади. Хусусан, карьерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, яшил зоналар яратиш учун ҳам қулай. Ускуналарни цемент силослари учун юқори сифатли филтёрлар билан жиҳозлаш имконига ҳам эга.

Бир сўз билан айтганда, “Агромашсервис” компаниялар гуруҳи Ўзбекистон ўрта бизнесининг вакили бўлиб, унда 11 миллат ва 4 конфессия вакиллари билан иборат халқаро жамоанинг 197 нафар ходими фаолият юритмоқда. Ҳозирда компания келгусида яратилиши кўзда тутилган янада улкан режаларни амалга ошириш устида иш олиб бормоқда. Жумладан, панелли уйлар қуриш учун мўлжалланган девор панеллари ишлаб чиқариш цехини ташкил қилиш орқали юртимиз бунёдкорларига янада қулайлик яратишни мақсад қилган.



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги

Янги Ўзбекистоннинг қадрли қурувчилари,
лойиҳачилари ва барча бунёдкорларини
касб байрами билан табриклаймиз.

Юртимизнинг замонавий қиёфасини
яратишдек масъулиятли фаолиятингизда
омад доимо ёр бўлсин.

Янги мақсад ва марраларни забт этишингизда
улкан муваффақият ва зафарлар тилаймиз!



TP **TEKNOPARK**
Kelajak uchun innovatsion texnologiyalar

PROLINE
SANOAT SEKTORI

SHIVAKI
Sanpat va yarim sanoat
savutish tizimlari

OSTEN
LIFT VA ESKALATORLAR

LEO

FRIGO COOL SHIVAKI

osten
Elektron gaz himoyasizlari

ferroli

UZ COPPER
KORROZIYA QILMASHI

ROYAL

*Ўзбекистон бунёдкорлари,
касб байраминиз муборак бўлсин!*

*Юртимизда бир-биридан кўркам
ва нурафшон манзилларни
барпо этишда асло чарчаманг!*

